**Касимова  Гуляр Ахматовна**

**Ботиров Азамат  Ахмедович**

**Монография**

# ЖАМҒАРИБ БОРИЛАДИГАН ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ

**Тошкент-2014**

Касимова Г.А., Ботиров А.А. Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти. «Иктисод-молия». Т., 2014. 118 б.

Монографияда давлат томонидан амалга оширилаётган ижтимоий таъминотнинг иқтисодий моҳияти, ижтимоий сиёсатнинг устувор йўналишлари ва ижтимоий ҳимоянинг ўзига хос хусусиятлари очиб берилган. Пенсия тизимининг асосий вазифалари, Давлат бюджетидан пенсия тизимини молиялаштириш каби масалалар қамраб олинган. Мазкур китобда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётида ижтимоий ҳимоя тизимининг зарурлиги, фуқаролар учун яратилган ижтимоий кафолатлар, пенсия тизимини молиявий таъминоти, давлат ва хусусий пенсия таъминоти, жамғариб бориладиган пенсия таъминоти механизмини такомиллаштириш муаммолари очиб берилган.

Монографияда иқтисодчи-молиячилар, тадқиқотчилар, аспирантлар учун ҳозирги кунда жамғариб бориладиган пенсия тизимининг назарий, ҳуқуқий, ташкилий асослари ҳақида, Ўзбекистонда жамғариб бориладиган пенсия тўловларини амалга ошириш тадбирлари ва шахсий жамғариб бориладиган пенсия даромадларини шакллантириш жараёнлари бўйича маълумотлар берилган. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасида Жамғариб бориладиган пенсия жамғармаси маблағларидан инвестицион мақсадларда фойдаланиш имкониятлари кўрсатилган.

Монография пенсия тизимида фаолият кўрсатувчи мутахассисларнинг кенг қатламларига мўлжалланган. Шунингдек, жамғариб бориладиган пенсия таъминоти билан боғлиқ бўлган вазирликлар, идоралар фаолиятида, давлат пенсия тизимини бошқаришни такомиллаштиришда, илмий тадқиқот институтлари илмий ҳисобот ва ишланмаларида, олий ўқув юртлари фаолиятида, бизнес мактаблари ўқув дастурларига кирган тегишли фанларни ўқитишда кенг фойдаланилиши мумкин.

Масъул муҳаррир:
Каримова З.Ҳ. - иқтисод фанлари номзоди, фахрий профессор.

Тақризчилар:
Худойкулов С.К. - иқтисод фанлари номзоди, доцент.
Абдуллаев З.А. - иқтисод фанлари номзоди, доцент.

| М У Н Д А Р И Ж А | | Бетлар |
|---|---|---|
| **КИРИШ** | | **3** |
| **I БОБ.** | **ЖАМҒАРИБ БОРИЛАДИГАН ПЕНСИЯ ЖАМҒАРМАСИНИНГ АҲАМИЯТИ ВА НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ** | |
| 1.1. | Фуқароларни ижтимоий ҳимоялашда пенсия таъминотининг ўрни ва вазифалари | **8** |
| 1.2. | Пенсия таъминоти тизимининг ташкилий-назарий асослари | **19** |
| 1.3. | Жамғариб бориладиган пенсия жамғармасининг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти | 24 |
| | | |
| **II БОБ.** | **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЖАМҒАРИБ БОРИЛАДИГАН ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ** | **32** |
| 2.1. | Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминотини ташкил этиш | 32 |
| 2.2. | Шахсий жамғариб бориладиган пенсия даромадларини шакллантириш | 38 |
| 2.3. | Ўзбекистонда жамғариб бориладиган пенсия тўловларини амалга ошириш | 46 |
| | | |
| **III БОБ.** | **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЖАМҒАРИБ БОРИЛАДИГАН ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ** | **56** |
| 3.1. | Жамғариб бориладиган пенсия таъминотининг хорижий тажрибалари | 56 |
| 3.2. | Ўзбекистон Республикасида пенсия фонди маблағларидан инвестицион мақсадларда фойдаланиш имкониятлари | 65 |
| 3.3. | Ўзбекистонда жамғариб бориладиган пенсия таъминотини ривожлантириш истиқболлари | 73 |
| | | |
| **ХУЛОСА** | | |
| **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ** | | **101** |
| **ИЛОВАЛАР** | | |

# КИРИШ

Ўзбекистон танлаган ислоҳот йўли ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришга қаратилган. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида Ўзбекистон моделига асос бўлиб хизмат қилган машҳур беш тамойиллардан бири - аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга ва кучли ижтимоий сиёсат олиб боришга қаратилган. Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тамойили мамлакатимиз ички сиёсий барқарорлиги учун ўта муҳим шартлардан бири эканлиги таъкидлаб ўтилган. Мазкур тамойилнинг аҳамияти ижтимоий зиддиятларнинг олдини олишга қаратилгани ва мамлакат мустақиллигини сақлаб қолишни зарурий шарти эканлигидир.

Ўзбекистонда 2014 йил жамиятимиз ҳаётидаги янгиланиш жараёнлари ва ислоҳотларни ривожлантириш ва чуқурлаштиришнинг мантиқий давоми бўлиб, иқтисодиётимизнинг салоҳияти, барқарорлиги ва мутаносиблигини мустаҳкамлаш йўлида, энг муҳими, ижтимоий ҳимояни кучайтиришга ва халқимизнинг турмуш даражасини яхшилашга қаратилган ишларимизда янги ва юксак босқич бўлди.

Ўзбекистон Республикасида “Давлат бюджетининг даромадлар қисми бўйича кўрсаткичлар тўлиқ бажарилди, эришилган профицит ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,4 фоизни ташкил этди»[1]. 2013 йилда ЯИМнинг прогноз қилинаётган ўсиши 8,0 фоиз, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш 8,4 фоиз, қишлоқ хўжалиги 6,0 фоиз, капитал қўйилмалар 9,3 ташкил этишини ҳамда мазкур кўрсаткичлар ўсишининг 2012 йил якунлари бўйича кутилаётган юқори динамикаси 2013 йил учун Давлат бюджети параметлари шакллантиришдаги асос бўлиб хизмат қилди. Билвосита солиқлар ва ресурслар тўловларини янада

[1]Каримов И.А. “Бош мақсадимиз-кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. \\ Халқ сўзи. 2013 йил. 19 январ.

унификациялаш ҳисобига уларнинг Давлат бюджети даромадларидаги улушини 65,5 фоиздан 66,8 фоизга ошириш кўзда тутилмоқда.

Юртбошимиз ижтимоий муаммоларни муваффақиятли ҳал этиш, ишончли ижтимоий кафолатларни яратиш, меҳнатнинг манфаатли бўлишини кучайтириш ислоҳотларни ўтказиш учун мустаҳкам ижтимоий таянч бўлади, улар муқаррарлигининг гарови бўлиб хизмат қилади,- деб ижтимоий сиёсатнинг ижтимоий ва иқтисодий аҳамиятини тушунтириб бердилар.

Бугун юртимизда ҳар томонлама мустаҳкам ҳуқуқий асосга эга бўлган ишончли ижтимоий ҳимоя тизими шаклланди ва у амалда ўзини оқламоқда. «Ижтимоий ҳимоя» йилида давлат бюджетидан аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўйича ажратиладиган молиявий маблағлар миқдори анчагина оширилди. «Ижтимоий ҳимоя масаласи – бу фақат давлат ва ҳокимият ташкилотлари, ижтимоий таъминот ва хайрия муассасаларининг иши бўлиб қолмаслиги лозим. "Ижтимоий" деган сўзнинг кўпчиликка, жамоатчиликка мансуб деган маънони ифода этишини инобатга оладиган бўлсак, бу ўта муҳим масала жамиятимизнинг, барчамизнинг бурчимизга айланиши даркор»[1]. Ижтимоий жиҳатдан ночор аҳоли категорияларини муҳофазалаш шакллари ҳақида гап борган ҳолларда «ижтимоий муҳофаза» атамаси давлатнинг ижтимоий сиёсатини таърифлаш учун кенг ишлатилади. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш концепциясида ижтимоий инфраструктурани ривожлантириш ва аҳолининг кам таъминланган гуруҳларини ижтимоий ҳимоялашни таъминлаш чора-тадбирлари кўрилади, бу иқтисодий-ижтимоий ислоҳотлардан бири - давлатнинг ижтимоий барқарорлигини таъминлайди.

Республикамизда қабул қилинган бюджет параметрларида қайд этилганидек, жорий ижтимоий дастурларни амалга оширишни давом

[1]Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конститутциясининг 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш — устивор вазифа. //Халқ сўзи газетаси. 2006 йил, 8 декабр.

эттириш, кўрсатилган ижтимоий хизматлар сифатини яхшилаш билан бир қаторда, 2014 йилги бюджет сиёсати концепциясида асосий эътибор бюджет харажатларининг ижтимоий йўналтирилганлигини янада кучайтиришга, аҳолини манзилли қўллаб-қувватлашга ва бюджет ташкилотларининг иш ҳақилари, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий тўловлар микдорини босқичма-босқич ошириш юзасидан тадбирларни амалга оширишга қаратилди. Фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағлардан давлат пенсиясига қўшимча равишда пул маблағлари билан таъминланади. Шахсий пенсия бадалларни ажратишнинг мажбурий ва ихтиёрий шакллари бўлиб, фуқароларнинг пенсия таъминотига ажратган бадаллари ва шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағларига ҳисоблаб қўшилган фоизлар Халқ банкида очилган ҳисобвараққа келиб тушади ҳамда даромадлар ҳисобга олинади. Республикамизда фуқароларга давлат пенсиясини ўз вақтида тўлаш билан бирга жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тартибини назорат қилиш ва ҳисобрақамдаги маблағларни самарали бошқаришни такомиллаштириш йўлларини ишлаб чиқиш бугунги кунда муҳим масала саналади.

Монографиянинг «Жамғариб бориладиган пенсия жамғармасининг аҳамияти ва назарий асослари» номли биринчи бобида фуқароларни ижтимоий ҳимоялашда пенсия таъминотининг ўрни ва вазифалари кўрсатилган. Пенсия таъминоти тизимининг ташкилий-назарий асослари ёритиб берилган. Жамғариб бориладиган пенсия жамғармасининг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти ўрганилган.

Монографиянинг «Ўзбекистон Республикасида Жамғариб бориладиган пенсия таъминотининг ҳозирги ҳолати» номли иккинчи бобда фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминотини ташкил этиш амалиёти кўрсатилган. Шахсий жамғариб бориладиган пенсия даромадларини шакллантириш жараёни таҳлил қилинган. Ўзбекистонда жамғариб бориладиган пенсия тўловларини амалга

оширилиши, Жамғариб бориладиган пенсия таъминотидаги иштирокчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шахсий жамғариб бориладиган ҳисобварақни бошқариш асослари ўрганилган.

Монографиянинг «Ўзбекистон Республикасида Жамғариб бориладиган пенсия таъминотини ривожлантириш истиқболлари» номли учинчи бобда жамғариб бориладиган пенсия таъминотининг хорижий тажрибаларидан фойдаланиш йўллари берилган. Ўзбекистон Республикасида пенсия фонди маблағларидан инвестицион мақсадларда фойдаланиш имкониятлари аниқланган. Ўзбекистонда Жамғариб бориладиган пенсия таъминотини ривожлантириш истиқболлари белгиланган. Монографияда Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия таъминотини такомиллаштириш бўйича хулоса ва таклифлар берилган.

Монографияни тайёрлашда ўз ёрдамларини берган тақризчилар доцент З.А. Абдуллаев ва доцент С.К. Худойқуловга ҳамда нашр муҳаррири иқтисод фанлари номзоди, фахрий профессор З.Ҳ. Каримовага алоҳида миннатдорчилик билдирамиз.

***Муаллифлар***

# I БОБ. ЖАМҒАРИБ БОРИЛАДИГАН ПЕНСИЯ ЖАМҒАРМАСИНИНГ АҲАМИЯТИ ВА НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

## 1.1. Фуқароларни ижтимоий ҳимоялашда пенсия таъминотининг ўрни ва вазифалари

Ўзбекистонда ижтимоий сиёсатнинг алоҳида аҳамиятга эгалиги фақат иқтисодий вазиятларга боғлиқ эмас, балки, ўзбек оиласига мадад бериш, халқнинг маънавий қоидаларига асосланган ҳолда кексаларга моддий ёрдам бериш эҳтиёжи билан боғлиқ. Республикамизда бозор муносабатлари ривожлангани сари иқтисодий ислоҳотлар чуқурлашган шароитда амалга оширилаётган ижтимоий сиёсатнинг асосий йўналишларига тузатишлар киритилди. Энг катта эътибор ҳақиқатан ҳам муҳтож оилаларга ёрдам беришга қаратилди. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимида ёлғиз қариялар, пенсионерлар ва ногиронларнинг эҳтиёжлари ва талабларига алоҳида эътибор берилди.

Ўзбекистон Республикасининг аҳолини ижтимой ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсати аҳолининг меҳнатга қобилиятсиз табақаларини, объектив сабабларга кўра меҳнат фаолияти юритмайдиган фуқароларни, белгиланган микдорда кам даромад оладиган фуқароларни қўллаб-қувватлашга оид тадбирларнинг яхлит, мажмуавий тизимини кўзда тутади. Бу эса энг муҳим эҳтиёжларни қондиришда ижтимоий таъминот йўналиши билан боғлиқ.

Давлат ижтимоий таъминоти - Ўзбекистон Республикаси фуқароларини кексайганда, касаллик рўй берганда, меҳнатга лаёқатини қисман ёки бутунлай йўқотганда, боқувчисини йўқотганда, шунингдек, болали оилаларни моддий таъминлаш ва уларга хизмат кўрсатиш давлат тизимидир. Ҳар қандай ижтимоий муҳофаза ижтимоий кафолатлар асосига қурилади, улар ҳам муайян тизимдан иборат. Ижтимоий кафолатлар қуйидагиларни амалга ошириши лозим:

- иш кучи бозорини унинг талаб ва таклиф ўртасида вужудга келадиган зиддиятларни юмшатиш орқали тартибга солиши;
- меҳнатга қобилиятли барча жамият аъзоларининг иш билан банд бўлишига кўмаклашиши;
- меҳнатга қобилиятли барча аҳоли қатламларига таяниши;
- кексаларнинг моддий таъминотга эътиборни қаратиши лозим.

Мамлакатимизда бандлик муаммосини ҳал этишда тобора муҳим ўрин тутаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг мамлакатимизда янги иш ўринларини ташкил қилиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини ошириш, кишиларнинг жамғармалар шакллантиришнинг муҳим омили сифатидаги натижалари салмоқли бўлиб бормоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик – жамиятимизнинг, бугунги ва келажак тараққиётимиз, фаровон ҳаётимизнинг мустаҳкам таянчи бўлди.

Бизнинг яқин истиқболдаги энг муҳим вазифамиз – бошланган ишларимизни изчил давом эттириш – исътемол талабини кенгайтириш мақсадида социал соҳасини ривожлантириш, меҳнатга ҳақ тўлашни янада ошириш, хизмат кўрсатиш секторини, инфратузилма объектларини ривожлантиришга, транспорт ва коммуникация лойиҳаларини амалга оширилишига алоҳида эътибор беришдир”[1]. Республикамизда соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳолини, ёшларни иш билан таъминлаш, ижтимоий ҳимояга мухтож қатламларни қўллаб-қувватлаш ва пенсия таъминоти каби катта ижтимоий аҳамиятга молик бошқа масалалар бўйича муҳим давлат дастурларини амалга оширишда кичик

[1] Каримов И. А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. // Норма маслаҳатчи, 2010 йил. 16 ноябрь.

бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳамда нодавлат ташкилотлар иштироки фаоллаштирилади.

Республикамизда ишлаб чиқилган «ўзбек модели»нинг беш тамойилидан бири- кучли ижтимоий ҳимоялашдир. Тамойилда аҳолининг турмуш даражасини ҳисобга олган ҳолда бозор муносабатларига ўтиш билан бир қаторда, фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш соҳасидаги чора-тадбирларни изчил амалга ошириш лозимлиги қайд этилган. Ўтган йиллар давомида мазкур тамойил асосида ижтимоий ҳимоялаш ва кафолатлашнинг кучли, таъсирчан тизими яратилди. Ўзбекистонда фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти соҳасида ягона тизим яратилгани эса, соҳа фаолиятини янада такомиллаштиришга, шунингдек, ижтимоий хизмат турларини кенгайтиришга кенг йўл очди.

Ижтимоий таъминот қуйидаги ташкилий-ҳуқуқий шаклларда амалга оширилади: давлат ижтимоий суғуртаси; республика бюджети маблағлари; маҳаллий бюджетлар маблағлари. Иқтисодиётни ислоҳ қилиш даврида ижтимоий таъминотнинг жамоат ташкилотлари ва хусусий шахслар фаолияти билан боғлиқ шакллари ривожланди. Аҳолини ижтимоий муҳофазалашни бир вақтнинг ўзида амал қиладиган ва бир-бирини тўлдирувчи қуйидаги тўртта тизимга ажратиш мумкин: давлат ижтимоий таъминоти, давлат ижтимоий суғуртаси; жамоа ижтимоий суғуртаси ва шахсий суғурта.

Бизнинг республикамизда ижтимоий сиёсатнинг даромадларни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш соҳасида қуйидаги йўналишлари бўйича иш олиб борилади:

⇒ иш ҳақи, пенсия, нафақа, стипендияларни минимал миқдорини белгилаш;

⇒ инфляция ўсиши сабабли аҳоли даромадларини индексациялаш;

⇒ даромадларни кам таъминланган фуқаролар фойдасига тақсимлаш.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов “...Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида” асарида “чинакам

демократизм қонунларнинг қай даражада устунлиги билан, ҳуқуқ ва эркинликларни қанчалик кенг берилганлиги, ижтимоий кафолатларини яратиш билан белгиланади”,[1] деб кўрсатиб берганлар. Фуқароларнинг ижтимоий таъминотга бўлган ҳуқуқлари асосий қонунимиз бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан кафолатланади. «Миллий даромадни қайта тақсимлаш давлат қўлидаги энг асосий манба ва воситадир. Швеция, Германия, Канада, Австрия ва бошқа бир қатор ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, кишиларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва уларни ижтимоий кафолатлашнинг кучли таъсирчан механизми бўлгандагина иқтисодиётини модернизациялаш, таркибий қайта қуришни амалга ошириш, ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлаган ҳолда, иқтисодиёт ўсишга эришиш мумкин. Шу билан бирга кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида аҳолини ижтимоий ҳимоялашни яхшилашнинг самарасини ошириш қуйидаги муҳим вазифаларни ҳал этишга боғлиқ:

- ишлаб чиқаришни барқарорлаштириш ва муттасил ривожлантириш;
- давлат маблағлари билан бир қаторда меҳнат жамоалари, жамоат ташкилотлаи, хайрия ташкилотлари, фуқароларнинг маблағларини жамғармаларга кенг жалб этиш;
- инсоннинг куч ва қобилияти тўла-тўкис фаоллашувини таъминлашга қодир бўлган кучли механизмни вужудга келтириш;
- аҳоли даромадларида ва турмуш даражасида асоссиз фарқларга йўл қўймаслик, жамиятда ижтимоий барқарорликни таъминлайдиган қатламларни шакллантириш;
- аҳоли энг муҳтож қатламининг давлат томонидан қўллаб-қувватлашини кучайтириш.

[1] Каримов И. “Ўзбекистон буюк келажак сари”. -Т.: «Ўзбекистон». 1998. 379 б.

Ижтимоий муҳофаза одамларнинг турмуш даражаси билан маҳкам боғланган бўлиб, у БМТ тавсиясига мувофиқ бир неча омилларни: саломатлик, демография шароити, озиқ-овқат, кийим-кечак, истеъмол ва жамғариш фондлари; меҳнат қилиш шароити, иш билан бандлик, меҳнатни ташкил этиш; таълим олиш, саводхонлик, уй-жой, ободонлаштириш, ижтимоий таъминот, инсон эркинликларини ўз ичига олади.

Ижтимоий муҳофазанинг "Иқтисодиёт инсон учун" тарзида бўлиши лозим бўлган замонавий иқтисодиётга ўтиш учун шундай самарали тизим зарурки, у ҳар бир кишининг меҳнат салоҳиятидан унинг ижтимоий-иқтисодий мақоми, қайси ижтимоий-иқтисодий гуруҳга мансублигидан қатъи назар, пенсия таъминоти тизимидан фойдаланиш имконини берсин. Фақат мана шундагина инсон салоҳиятидан самарали фойдаланиш, аҳоли даромадларини кўпайтириш ҳамда "эртанги кунга ишонч" бўлишига эришиш мумкин.

Республикамизда аҳоли бандлиги ва фаровонлигини ошириш, унинг иш ҳақи, пенсия ва даромадларини ошириш, бу охир-оқибатда республикамиз минтақалари, шаҳар ва туманларимиздаги энг муҳим ижтимоий муаммоларни ечиш демакдир. «2013 йил - Обод турмуш йили» Дастурни тайёрлашда аҳоли фаровонлигини, унинг реал даромадларини ошириш, бандлик масаласини ечиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик харакатини янада ривожлантириш давлат томонидан бериладиган аниқ манзиллик ижтимоий химоя тизимининг такомиллаштириш каби вазифалар эътиборимиз марказида бўлиши лозим"[1].

Фуқароларнинг ижтимоий ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Конститутцияда белгилаб берилган энг муҳим ҳуқуқи – пенсия таъминоти ҳуқуқи билан мустаҳкам боғлиқ. Давлат пенсияларининг турли хилларини

---

[1] Каримов И.А."Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, хаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир.\\ Халқ сўзи. 2012 йил. 8 декабр. 3-б.

олиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларга уларнинг ўзлари танлаган битта пенсия тайинланади”[1].

«Пенсия - уни олиш ҳуқуқи Қонунда белгиланган шартларга ва меъёрларга мувофиқ аниқланадиган ҳамда шахсларга пенсия ёшига тўлиш, ногиронлик ёки боқувчисини йўқотганлик муносабати билан бериладиган ойлик пул тўловидир”[1]. Пенсияга оид ҳужжатлар йиғма жилди турадиган жой - пенсия олиш жойи бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимидир.

«Жаҳон тажрибаси гувоҳлик берадики, кексаларни моддий таъминлашга имкон яратувчи кучли молиявий механизмини яратиш лозим. Кўпгина мамлакатлар бир қатор пенсия ислоҳотларини амалга оширдилар. Чехияда пенсия билан таъминлашни ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари: зарарли ва оғир меҳнат учун имтиёзларни бекор қилиш, иш юритувчиларнинг суғурта қилинган бадалларига қўшимча бадалларни киритиш, тўланган бадаллар ва олинган пенсиялар ўртасида алоқани кучайтириш, ижтимоий суғурта тизимини ривожлантириш, индивидуал пенсия режалари имкониятларини кенгайтириш, пенсия ёшини эркаклар ва аёллар учун 2015-2020 йилларда 65 ёшгача оширишдан иборат»[2].

Хорижий мамлакатларда давлат пенсия таъминоти тизими билан бир қаторда давлат тасарруфида бўлмаган хусусий пенсия таъминоти мавжуд, унинг зарурлиги қуйидаги икки асосий сабабдан келиб чиқади. Биринчидан, бозор муносабатлари ва демократия фуқароларга кўпроқ эркинлик ва давлат тасарруфидан мустақил бўлиш имконини бериши билан бир қаторда, уларга ўз фаровон ҳаётини қуриш, ижтимоий жиҳатдан

---

[1] Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунига ўзгартиш киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 2012 йил 5 январ.

[1]Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги “Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартибини янада такомиллаштиришга йўналтирилган норматив-ҳуқуққий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 252-сон Қарори.

[2]Қосимова Г.А. Ижтимоий сиёсатнинг йўналишлари. Монография. -Т.: «IQTISOD-MOLIYA». 2008. – Б.89.

таъминлаш борасида катта масъулият юклайди. Ҳар бир фуқаро меҳнатга қобилиятли давридаёқ, аввалдан, у қариганида ёки меҳнат қилиш қобилиятини йўқотган тақдирда ўзини ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларига жиддий ёндошиш керак. Иккинчидан, ҳар бир давлат қанчалик ривожланган давлат бўлишидан қатъи назар, молиявий имкониятларининг чегараси мавжуд. Давлат фуқароларни улар меҳнат қобилиятларини йўқотгунларига қадар бўлган ижтимоий ҳимояланганлик даражасида ижтимоий таъминлаш имконига эга эмас. Шунинг учун ҳар бир давлат фуқароларнинг ижтимоий таъминланганлик даражасини ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда белгилайди.

Бозор иқтисодиётининг энг муҳим шартларидан бири - ҳар бир шахснинг ўз манфаатларини биринчи навбатда ҳимоя қилиши, ўз имкониятини ифодалаши керак. Давлат фуқаролар ўз турмуш даражаларини оширишлари учун уларга тегишли қонунлар тизими орқали зарур шарт-шароитлар ва имкониятлар яратиши ва уларни қўллаб-қувватлаши лозим. Бозор муносабатлари ривожланиши, иқтисодиётнинг давлат ва хусусий секторлари ўртасидаги ўзаро нисбат ўзгариб борган са-ри бу икки омил, албатта, ижтимоий таъминот тизимига ўз таъсирини кўрсатади.

Пенсия тизимини молиялаштиришдаги ислоҳотларни тезликда амалга ошириб бўлмайди, бу ислоҳотларни республикамизда бошқа ислоҳотлар билан, аҳоли даромадлари, инвестиция, инфляция, бандлик соҳаси масалалари, солиқ, молия ва банк тизимидаги ислоҳотлар билан биргаликда амалга ошириш лозим. Пенсия тизимини молиялаштириш бўйича янгиликларни амалга оширишда, миллий урф-одатлар, қарияларга ёрдам эътиборга олинди, пенсия тизимини молиялаштиришда давлат мақсадли жамғармаларидан молиялаштириш сақланиб қолинди. Ислоҳотларнинг бу кўриниши келгусида пенсия ёшидаги қарияларнинг даромадларини кафолатлашнинг самарали механизмига таянилди.

Ўзбекистонда илмий жиҳатдан асосланган пенсия тизимини яратиш ва такомиллаштиришнинг зарур шарти жаҳон ютуқларидан ва хорижий давлатларнинг тажрибасидан келиб чиқиб, Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, пенсия таъминотининг янги тизими пайдо бўлди.

Мамлакатимизда пенсия таъминоти тизими ҳуқуқини мустаҳкамлаш, иш берувчиларнинг пенсия ёшига етган ходимларнинг моддий аҳволини яхшилашдаги масъулиятини кучайтириш, пенсия олувчиларга давлат пенсия тўловларига қўшимча равишда даромад олиш манбаларини яратиш, шунингдек кексалик чоғида фуқароларнинг ўз фаровонлиги учун шахсий жавобгарлигини ошириш мақсадида ислоҳотлар олиб борилди, натижада 2005 йилдан бошлаб республикамизда “Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия тизими” амалиётга жорий қилинди. Икки ҳолатда ҳам давлат кексайган шахсларга минимал пенсия ёки ижтимоий ҳимоялаш сифатида ижтимоий ёрдам кўрсатади.

Мазкур тизимнинг мамлакатимизда қўлланилиши жараёнида қуйидагиларни амал қилиш кўзда тутилган:

- жамғариб бориладиган пенсиянинг умумий ва мажбурий характери, ижтимоий кафолатларини амалга оширишдаги имтиёзлар кишининг ижтимоий ҳимояланиш ҳуқуқининг таъминланиши;
- жамғариб бориладиган пенсия мажбурий ва ихтиёрий шаклларнинг бирлиги тенг ҳуқуқлилиги шахснинг ижтимоий таъминотга бўлган зарурий даражаси таъминланади ва унинг кексалик чоғида яхши яшаши учун таъсир кўрсатиши;
- турли хил пенсия тизимининг бир вақтнинг ўзида амал қилишидаги мустақиллиги ва ўзини-ўзи идора қилиш шароитида мажбурий жамғариб бориладиган пенсия бўйича тўловлар даражаси ва тизимни барқарорлигининг давлат томонидан кафолатланиши;

- жамғариб бориладиган пенсия тизимида қатнашувчи шахс ва иш берувчини молиявий иштирокининг мажбурийлиги, зарурий ҳолатларда давлат субвенцияларининг жалб этилиши.
- жамғариб бориладиган пенсия тизимида қатнашувчи шахсга унинг жамғарган бадаллари тўлашидаги молиявий иштироки туфайли ҳосил бўлган маблағдан турли шаклдаги моддий ёрдам ва хизматлар кўрсатиши таъминланиши;
- аҳолининг тегишли ижтимоий категорияларни қамраб олувчи кишилар гуруҳи ёки мамлакатнинг барча аҳолисининг у ёки бу пенсия таъминот туридан манфаатдорлиги;
- барча жамғариб бориладиган пенсия тизимида қатнашувчи шахсларнинг харажатларини молиялаштириш бўйича мажбурият ва натижада эга бўлинган ҳуқуқ ва кафолатлар нуқтаи назаридан тенглигини таъминланиши.

Ўзбекистонда фаол ижтимоий сиёсатни амалга ошириш янгича амалий ва самарали шаклларни қўллашни талаб этади. Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, пенсия тизими фаолиятини йўлга қўйиш ва ундан самарали фойдаланиш ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш ва кишиларни кексаликда камбағалликдан ҳимоялашда муҳим ўрин тутади. Мамлакатимизда жамғариб бориладиган пенсия тизимининг ташкил этилиши жамиятда ижтимоий адолатни таъминлаш, сиёсий барқарорликни вужудга келтириш ва келгусида фуқаронинг моддий таъминотини кўпайтиришнинг асосий шарт-шароитларидан биридир, деган хулосани келтириш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек, республикамиз ҳудудида доимий яшовчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар жамғариб бориладиган пенсия таъминоти олиш ҳуқуқига эга. "Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонунига асосан:

⇒ давлат жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этувчи фуқароларга шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларида жамғарилган маблағлари сақланиши ҳамда тўланишини кафолатлайди;

⇒ Жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этувчи фуқаролар пенсия тўловлари олувчилар сифатида жамғариб бориладиган пенсия тўловларини қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи юзага келган тақдирда олиш ҳуқуқига эга;

⇒ тўловларни олувчилар ўзлари мустақил равишда белгилайдиган муддат мобайнида ҳар ойлик жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олишни ёки жамғариб бориладиган пенсия тўловларини бир йўла олишни танлаш ҳуқуқига эга;

⇒ фуқаро вафот этган тақдирда, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида жамғарилган маблағлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меросга ўтади ва меросхўрга бир йўла тўла ҳажмда тўланади;

⇒ фуқаро Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига, доимий яшаш жойига чиқиб кетаётган бўлса, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида жамғарилган маблағлар бир йўла тўла ҳажмда тўланади.

Жамғариб бориладиган пенсия тизимида ихтиёрийлик асосида иштирок этувчи фуқароларни ҳисобга олиш уларнинг аризасига мувофиқ мазкур фуқароларнинг яшаш жойидаги Халқ банки филиалида амалга оширилади. Ўзининг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида мавжуд бўлган маълумотларни Халқ банки филиалидан бир йилда бир марта бепул, шунингдек, ўз сўровига кўра исталган вақтда олиш ҳуқуқига эга. Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган "Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида"ги қонуннинг мақсади фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти соҳасидаги

муносабатларини тартибга солишдан иборат. Давлат томонидан амалга ошириладиган марказлаштирилган жамғариш ёки ишловчилар иш ҳақининг бир қисмини бадал кўринишида пенсионерлар фойдасига ундириш пенсия тўловлари манбаининг ишончли асосини таъминлайди. Бу имконият нафақат эмиссия йўли билан, балки ижтимоий сиёсат доирасида зарурий ҳолларда иш ҳақи миқдорини жорий иш ҳақи ва пенсия ажратмаларига тақсимлашга тегишли ўзгартиришлар киритиш йўли билан амалга оширилиши мумкин.

Татбиқ этилаётган авлодлар бирдамлиги қайта тақсимлаш тамойилига асосланган бўлиб, пенсия тизими ишловчиларнинг тегишли молиявий муассасаларга хусусан, жамғариладиган пенсия жамғармаларига маблағлар қўйишини инкор этмайди. Меҳнатда майибланганлик ёки касб касаллигига чалинганлик оқибатида вафот этган боқувчининг оиласига, шунингдек марҳум пенсионернинг оиласига пенсия боқувчининг иш стажидан қатъи назар тайинланади.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётида ижтимоий адолат ва ижтимоий ҳимоя тизими тамойиллари асосида ижтимоий сиёсат амалга оширилади. Жамиятни ривожланишида ижтимоий тенглик, ижтимоий кафолатларни таъминлаш аҳоли турмуш даражасини ошириш каби вазифалар бажарилади.

Республикамизда “авлодлар бирдамлиги” (давлат) пенсия тизими билан бирга босқичма-босқич жамғариладиган пенсия тизимини ривожлантириш мақсадга мувофиқ равишда, изчиллик билан амалга ошириш зарур. Бунинг натижасида Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тўланадиган мажбурий тўловлар бўйича иш берувчи тадбиркорлик субъектлари зиммасидаги юкни камайтириш ва уларнинг инвестицион фаоллигини ошириш имкониятлари яратилади. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти шароитида Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари ва замонавий вазифалари такомиллаштирилади.

## 1.2. Пенсия таъминоти тизимининг ташкилий-назарий асослари

Ҳозирги кунда хорижий давлатлар амалиётида пенсия тизимини молиялаштиришнинг бир вақтнинг ўзида уч йўналиш:

- минимал пенсияни кафолатлайдиган давлат пенсия тизими,;
- професcионал ассоциация ёрдамида ўзининг иш берувчиларга қўшимча пенсияни шакллантириш;
- фуқаролар имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, алоҳида хусусий пенсияни таъминлаш белгиланган.

Ўзбекистон Республикасида хорижий давлатлардаги пенсия таъминотининг молиялаштириш манбалари чуқур тадқиқ қилинмоқда. Хорижий давлатларда фуқароларга пенсия гибрид дастур асосида белгиланган даромад бўйича актуарийлар маслаҳати билан белгиланган ажратма кўринишида аниқ бир ҳисобрақамга тўлаб берилиши кўрсатилган. Барча фоиз ставкалари актурийлар томонидан ўзгартириб борилади. Гибрид дастурида фуқаронинг пенсияси иш берувчи томонидан молиялаштирилади.

Иқтисодчиларимиздан Қ.Х. Абдурахмоновнинг «Меҳнат иқтисодиёти» дарслигида кишиларни ижтимоий ҳимоялаш зарурияти, ижтимоий ҳимоя тизимининг чора-тадбирлари кўрсатилган. Пенсия тизимининг асосий вазифаси фуқаролар эҳтиёжини ҳамда уларнинг кексалик чоғида ҳимояланишга бўлган талабини қондиришдир, деган хулоса чиқарилган. Иш ҳақи жамиятнинг кўпчилик аъзолари учун асосий тирикчилик манбаига айланиши билан ижтимоий ҳимоясизликнинг алоҳида тури, яъни иш ҳақидан махрум бўлиш туфайли моддий таъминланмаганлик хавфи вужудга келиши кўрсатилган. Хорижий мамлакатлардаги ижтимоий муҳофаза тизимининг назарий асослари берилган, шунингдек, ижтимоий муҳофаза килишнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий вазифалари ўрганилган. Дарсликда жаҳон тажрибасини таҳлил қилиш билан ижтимоий ҳимоянинг моделлари алоҳида кўрсатилган.

1. Зарур меҳнат лаёкатига, иш жойига, даромадлар манбаига эга бўлмаганлиги туфайли ўзини моддий таъминлашга қодир бўлмаган шахсларга давлатнинг ижтимоий ёрдам бериш.
2. Харбий хизматчилар ички ишлар ва солиқ органлари хизматчилари, давлат хизматчилари, фуқароларнинг бошқа бир қатор тоифаларининг муҳим давлат функцияларини бажариш билан боғлиқ ўзига хос меҳнат фаолиятини ҳисобга олган ҳолда давлат томонидан ижтимоий таъминлаш.
3. Қонун бўйича мажбурий ижтимоий суғурталаш иқтисодий жиҳатдан фаол аҳолини меҳнат қилиш қобилиятини (касаллик, бахтсиз ходиса, кексалик туфайли) ёки иш иш жойини йўқотиши натижасида даромаддан, иш ҳақидан махрум бўлиш хатарларидан ижтимоий ҳимоялаш.
4. Иқтисодиётнинг айрим тармоқлари ёки узоқ муддатли тармоқ ёки жамоа битимлари асосида ташкил этиладиган компаниялар доирасида ёлланма ишчиларни ихтиёрий равишда қўшимча ижтимоий суғурталаш.

Амалиётчи олимлардан А.Хаитов А, М.Зиядуллаевнинг “Ўзбекистонда пенсия таъминоти ва хорижий тажрибаси” номли ўқув қўлланмасида Ўзбекистон Республикасида пенсия таъминоти тизимининг ривожлантириш босқичлари, пенсия таъминотининг назарий жихатлари, ҳуқуқий-меъёрий асослари берилган. Муаллифлар жаҳон амалиётида кенг эътироф этилган Г.Эспинг-Андерсен таснифи бўйича давлатнинг ижтимоий ҳимоялаш тизимининг уч асосий модели: либерал, консерватив, социал-демократик моделларини бир-биридан фарқлайдилар. «Ижтимоий ҳимоя» ва «ижтимоий таъминот»ни инсон фаолиятининг нормал шарт-шароитларини таъминловчи меҳнат, соғлиқ ва табиат муҳитни муҳофаза қилиш, меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори каби кафолатларни камраб олинганлиги кўрсатилган. Шунингдек кўплаб хорижий мамлакатларда ва собиқ совет иттифоқи давлатларида пенсия

таъминоти тизими фаолияти кўрсатилган. Уч компонентли пенсия таъминоти тизимини яратиш таҳлил килинган:

1. Қайта тақсимлаш элементларини ўз ичига оладиган ва қариялар даромадларини муайян даражада сақлашни таъминлаш мақсадини кўзлайдиган бирдамлик хусусиятидаги давлат пенсия тизими.
2. Жамғариш тамойилига қурилган пенсия тизими.
3. Бадалларни капитализациялаш ва ихтиёрийликни уйғунлаштиришга асосланган тизим.

Россия иқтисодчилари Карчевский В.В., Андросова Л.Д., Окунева Л.П., Е.Е Смирнованинг «Целевые бюджетные и внебюджетные фонды» ўқув қўлланмасида давлат мақсадли жамғармалари ва бюджетдан ташқари фондлар фаолияти берилган. Мазкур ўқув қўлланманинг учинчи боби Россия Федерацияси Пенсия фондига бағишланган. Россия Федерацияси Пенсия фондининг фаолияти, ҳуқуқий асослари, манбалар бўйича даромадларни шакллантириш тартиби, пенсиялар ва нафақалар кўринишида харажатларини амалга ошириш, фуқароларга давлат пенсиясини тайинлаш, ҳисоблаш ва тўлаш тартиби берилган. Россияда нодавлат пенсия жамғармаларининг ташкил топиши ва ривожланиши 1998 йил 7 майда Россия Федерацияси Президентининг “Нодавлат пенсия жамғармалари тўғрисида”ги 75-сонли қарор қабул қилиниши билан боғлиқлиги, шахсий жамғариб бориладиган жамғармага мажбурий ва ихтиёрий бадалларнинг йиғилиши, жамғарма дафтарчаларининг очилиши, дафтарчаларнинг йўқолган ҳолатида янги дафтарчалар (дубликат)ни бериш тартиби, шахсий жамғармадан фуқароларга пенсия тўловларини тўлаш жараёнлари кўрсатилган.

Рocсиялик иқтисодчи С.Г. Ерошенковнинг «Переход к накопительной пенсионной реформе: мировой опыт и возможности применения его в России» номли монографиясида давлат пенсия таъминоти тизимида ислоҳотларни амалга ошириш стратегияси жамғариб бориладиган пенсия таъминоти билан боғлиқлиги кўрсатилган. Монография уч бобдан иборат

бўлиб, биринчи бобда ижтимоий таъминот, давлат пенсия таъминоти, Россия Федерацияси Пенсия фондини шакллантириш тарихи, молиявий фаолияти, фонднинг даромадлари ва харажатларини бошқариш жараёнлари кўрсатилган. Пенсия таъминоти тизимида ислоҳотларни амалга оширишга эътибор қаратилган. Иккинчи бобда пенсия таъминоти тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар стратегияси ва хорижий давлатларда хусусий пенсия тизими ўрганилган. Учинчи бобда пенсия таъминоти тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларни такомиллаштириш йўллари ва жамғариб бориладиган пенсия таъминотини ривожлантириш масалалари кўрилган. Шахсий жамғариб бориладиган пенсия тизимининг яратилиши мазкур мамлакатнинг давлат пенсия таъминоти механизмига, ижтимоий сиёсатига, бандлик масаласини ҳал этилишига таъсир этиши ва демографик ҳолати билан боғлиқлиги тадқиқ қилинган.

Республикамизда ишлаб чиқилган «ўзбек модели»нинг беш тамойилида аҳолининг турмуш даражасини ҳисобга олган ҳолда, бозор муносабатларига ўтиш билан бир қаторда, фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш соҳасидаги чора-тадбирларни изчил амалга ошириш лозимлиги қайд этилган. Ўзбекистонда фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти соҳасида ягона тизим яратилгани эса, соҳа фаолиятини янада такомиллаштиришга, шунингдек, ижтимоий хизмат турларини кенгайтиришга кенг йўл очди.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида аҳолини ижтимоий ҳимоялашни яхшилашнинг самарасини ошириш қуйидаги муҳим вазифаларни ҳал этишга боғлиқ:

- ишлаб чиқаришни барқарорлаштириш ва муттасил ривожлантириш;
- давлат маблағлари билан бир қаторда меҳнат жамоалари, жамоат ташкилотлаи, хайрия ташкилотлари, фуқароларнинг маблағларини жамғармаларга кенг жалб этиш;

- инсоннинг куч ва қобилияти тўла-тўкис фаоллашувини таъминлашга қодир бўлган кучли механизмни вужудга келтириш;
- аҳоли даромадларида ва турмуш даражасида асоссиз фарқларга йўл қўймаслик;
- аҳоли энг муҳтож қатламининг давлат томонидан қўллаб-кувватлашини кучайтириш.

Фуқаролар учун пенсия тизимини ташкил этишда жаҳонга машҳур Германия ва Чили моделлари андоза сифатида танланди. Пенсия таъминотининг икки базавий модели тақсимот-тортилувчи ва капиталлашган моделларидир. Машҳур венгер иқтисодчиси Я. Корнаи тақсимот ва капиталлашган пенсия тизимлари ўртасидаги фарқлар моҳиятини асослаб берди. Тақсимот модели пенсионерларни ҳозирги вақтда амалда бўлган аҳолининг иқтисодий фаол қатлами ҳисобига таъминлайди. Пенсия тизимининг капиталлашган модели тақсимотдан фарқли равишда инсоннинг ўз меҳнати ва пенсия жамғарилиши натижалари билан узвий боғлиқ.

Германияда тақсимот пенсия тизими 1891 йилда жорий қилинган бўлиб, ўша даврдан ҳозиргача унинг турли кўринишлари Европа мамлакатларида, МДҲ давлатларида қўлланилмоқда. Германиянинг пенсия тизимидаги тақсимот-тортилувчи модели схемасига кўра аҳолининг иқтисодий фаол қатлами томонидан тўланган мажбурий пенсия бадаллари ҳисобидан пенсия харажатлари шаклланади ва аҳолининг иқтисодий фаол қатламлари ўртасида тақсимланади. Чили модели-капиталлашган модел. Капиталлашган модел схемаси қуйидагича: пенсия бадалларини инвестиция қилишдан ва тўплашдан ҳосил бўлган капитал пенсия харажатларини қоплашга йўналтирилади. Пенсия бадаллари капитал тўловчининг шахсий ҳисоб рақамида ҳисобга олиб борилади. Ушбу ҳисоб рақамни пенсия фондлари ёки пенсия кассалари, суғурта кассалари ёки банклар юритади. Пенсия маблағларини тизимли инвестиция қилиш билан ушбу институтлар инвестиция даромадларига

эга. Капитал ёки йиғилган пенсия бадаллари суммаси уларни инвестиция қилишдан олинган даромад пенсия фонди фаолияти харажатлари, натижасида капиталлашган пенсиянинг молиявий манбасидир. Авлодлар бирдамлиги асосида қурилган тақсимот моделидан фарқли равишда капиталлашган модел суғурта тамойилига асосланади. Чили эски пенсия тизимини ислоҳ қилишни янги тизимга ўтиш билан бир вақтда олиб борган мамлакатлардан биридир. Давлат пенсия таъминоти бўйича қарзларни янги хусусий мажбурий жамғармаларни ташкил қилиш билан бир қаторда давлат пенсия фондига тушумларни қисқартириш шароитида олиб борди. Пенсияси бўйича қарзлар масаласи пенсия облигацияларини чиқариш йўли билан ҳал этилади.

Мамлакатимизда жамғариб бориладиган пенсия тизимининг ташкил этилиши жамиятда ижтимоий адолатни таъминлаш, сиёсий барқарорликни вужудга келтириш ва келгусида фуқаронинг моддий таъминотини яхшилашнинг асосий шарт-шароитларидан биридир, деган хулосани келтириш мумкин.

## 1.3. Жамғариб бориладиган пенсия жамғармасининг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти

“Фаровонлик кишилар исътемол этадиган неъматларнинг миқдори ва сифатини, ҳаёт кечиришнинг умумий шарт-шароитини қандайлигини билдиради. Фаровонлик кўрсаткичини фақат истеъмол ҳажми билан чекланиб бўлмайди, чунки бунда жамғаришни ҳам ҳисобга олиш керак. Жамғариш эса келажакдаги фаровонликни белгилайди, шу сабабдан буни билвосита кўрсаткич сифатида қараш мумкин. Жамғарманинг кўпчилиги топилган пулнинг жорий истеъмолдан ортиб қолганини билдирганидан уни ҳам фаровонликка хизмат қилади, деб айтиш мумкин”[1]. Пенсия жамғармаларидаги фуқаролар ва хўжалик юритувчи

[1] Ўлмасов А., Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. – Т.: Шарқ. 2006. –Б. 433.

субъектларнинг мажбурий ва ихтиёрий жамғарма бадаллари уларни давлатнинг молиявий иштироки асосида шаклланувчи, муайян жамғарма ташкил этган аҳоли тоифаларига тўловларни амалга ошириш ва ижтимоий ҳимоялаш учун мўлжалланган мустақил пул жамғармалари сифатида таърифлаш имконини беради. Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти — фуқароларни шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағлардан давлат пенсиясига қўшимча равишда пул маблағлари билан таъминлашдир.

Ўзбекистон Республикасида жамғариб бориладиган пенсия таъминоти масалалари «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунига асосан тартибга солинади. 2005 йилдан жорий этилган мазкур тизим амалдаги фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тизимига қўшимча равишда, иш берувчиларнинг пенсия ёшига етган ходимларнинг моддий аҳволини яхшилаш, шу асосида пенсионерларга амалдаги пенсия тўловларига қўшимча равишда даромад олиш манбаларини яратиш, кексалик чоғида фуқаронинг ўз фаровонлиги учун шахсий жавобгарлигини ошириш мақсадида жорий қилинди.

Назарий маълумотларга қараганда, пенсия жамғармаларининг моҳиятини белгилашда уч ёндошув кўрсатилади, яъни унинг ижтимоий таъминот учун мўлжалланган маблағлар эканлиги; мустақил молия-кредит ташкилоти; ижтимоий йўналишдаги бюджетдан ташқари жамғарма эканлиги эътироф этилади.

Фуқаролар учун пенсия тизимини ташкил этишда жаҳонга машҳур Германия ва Чили моделлари андоза сифатида танланди. Пенсия таъминотининг икки базавий модели тақсимот-тортилувчи ва капиталлашган моделларидир. Машҳур венгер иқтисодчиси Я. Корнаи тақсимот ва капиталлашган пенсия тизимлари ўртасидаги фарқлар моҳиятини асослаб берди. Улар ўртасидаги фарқ қисман молиялаштириш техникасида юзага чиқади. Тақсимот модели пенсионерларни ҳозирги вақтда амалда бўлган аҳолининг иқтисодий фаол қатлами ҳисобига

таъминлайди. Пенсия тизимининг капиталлашган модели тақсимотдан фарқли равишда инсоннинг ўз меҳнати ва пенсия жамғарилиши натижалари билан узвий боғлиқ.

Германияда тақсимот пенсия тизими 1891 йилда жорий қилинган бўлиб, ўша даврдан ҳозиргача унинг турли кўринишлари Европа мамлакатларида, МДҲ давлатларида қўлланилмоқда. Германиянинг пенсия тизимидаги тақсимот-тортилувчи модели схемасига кўра аҳолининг иқтисодий фаол қатлами томонидан тўланган мажбурий пенсия бадаллари ҳисобидан пенсия харажатлари шаклланади ва аҳолининг иқтисодий фаол қатламлари ўртасида тақсимланади. Бошқача қилиб айтганда, жорий пенсия харажатлари жорий даромадлар ҳисобидан қопланади. Ушбу тизим авлодлар бирдамлиги асосида қурилган. Бир авлод ичида эса, даромадлар аҳолининг алоҳида ижтимоий гуруҳлари ўртасида табақаланди. Германияда тўлов интизомини рағбатлантирувчи балл тизими тақсимот моделини тўлдиради.

Чили эски пенсия тизимини ислоҳ қилишни янги тизимга ўтиш билан бир вақтда олиб борган мамлакатлардан биридир. Давлат пенсия таъминоти бўйича қарзларни янги хусусий мажбурий жамғармаларни ташкил қилиш билан бир қаторда давлат пенсия фондига тушумларни қис-қартириш шароитида олиб борди. Ижтимоий таъми-нот доирасидаги қарзлар ўз ичига янги тизим жорий этган вақтда пенсияга чиққанларнинг пенсиясини (1 категория), ҳали пенсияга чиқмаган, лекин яқинда ислоҳ қилинган эски тизим иштирокчилари сифатида қолишни истаган ишловчиларнинг пенсиясини (2 категория), янги тизим иштирокчилари бўлишга қарор қилган ишловчи аҳолининг пенсиясини (3 категория) ўз ичига олади. Биринчи ва иккинчи категориядаги қарзлар давлат бюджети маблағлари ҳисобига молиялаштирилади. Учинчи категория пенсияси бўйича қарзлар масаласи пенсия облигацияларини чиқариш йўли билан ҳал этилади. Ушбу облигациялар кафолатли ҳисоб-ланади, 4% миқдорида фойда келтиради ва эгалари пенсияга чиққандан сўнг мажбурий тартибда

очиладиган жамғарма ҳисоб рақамларига ўтказиладиган бир вақтли тўлов суммаларига алмаштирилиши мумкин. Чили ҳукумати ушбу тадбирни ўтказиш билан 70-80 йиллар давлат бюджетидаги бюджет тақчиллигининг катта қисмини пенсия тизими ислоҳотлари доирасида қоплади.

Чили модели-капиталлашган модел. Ушбу модел эркин бозор ислоҳотлари доирасида Чили мутахассислари томонидан ишлаб чиқилди. 1981 йилда эълон қилинган фармонга кўра, шу кундан бошлаб меҳнат муносабатларида иштирок этган ҳар бир киши учун давлат пенсия таъминоти бекор қилинди, бир вақтнинг ўзида улар хусусий пенсия фондларининг мижозига айланди.

Капиталлашган модел схемаси қуйидагича: пенсия бадалларини инвестиция қилишдан ва тўплашдан ҳосил бўлган капитал пенсия харажатларини қоплашга йўналтирилади. Пенсия бадаллари капитал тўловчининг шахсий ҳисоб рақамида ҳисобга олиб борилади. Ушбу ҳисоб рақамни пенсия фондлари ёки пенсия кассалари, суғурта кассалари ёки банклар юритади. Пенсия маблағларини тизимли инвестиция қилиш билан ушбу институтлар инвестиция даромадларига эга. Капитал ёки йиғилган пенсия бадаллари суммаси уларни инвестиция қилишдан олинган даромад пенсия фонди фаолияти харажатлари, натижасида капиталлашган пенсиянинг молиявий манбасидир. Авлодлар бирдамлиги асосида қурилган тақсимот моделидан фарқли равишда капиталлашган модел суғурта тамойилига асосланади. Капиталлашган модел «Чили модели» номи билан халқаро миқёсда машҳур.

Пенсия тизимига давлат бюджетидан ЯИМнинг 4 фоизи миқдорида молиявий ёрдам берилади. Мазкур ёрдамнинг манбалари бюджетнинг даромадларидан маблағ бериш, хусусий суғуртачилар ўртасида сотилган давлат облигациялари, жисмоний шахслар даромадларига солиқнинг ставкасини ошириш, давлат мулкини сотиш ва хусусийлаштиришдан

Жамғариб бориладиган пенсия тизимига бадалларни қайта тақсимлашнинг давлат механизми ёрдами билан индивидуал

ҳисобрақамлардан фойдаланган ҳолда, молиявий таъминлаш, пенсия тизимини ташкил этишнинг ўзига хослиги, белгиланган ягона бадалларни ҳисобга олиб, пенсия миқдорини белгилаш кабилар хосдир. Жамғариб бориладиган пенсияни олиш учун муайян жамғарма стажига эга бўлиш ва қонунда кўрсатилган пенсия ёшига етиш зарур. Жамғариш тамойилига асосланган пенсия тизимида бадаллар капиталлаштирилади ва пенсия ҳисоби индивидуал ҳисоб асосида шакллантирилиб борилади, шахсий ҳисобларда жамғарилган жамғарма бадаллари пенсия даражасини белгилайди.

Хорижий тажрибалар шуни кўрсатадики, кексалар таъминотини молиялаштириш механизмининг уч хил тури мавжуд[1]:

- барча мамлакатларда кенг тарқалган давлат бюджети тушумлардан молиялаштириладиган давлат пенсияларини тўлаш;
- ихтиёрий ва мажбурий шахсий жамғарма режаларини амалга ошириш;
- молиявий-иқтисодий инқироз, инфляция, жамғармаларни йўқотишга ва қадрсизланишга олиб келадиган инвестицион рисклардан ҳимоя қиладиган суғурта тизимини ривожлантириш.

Икки асрдан кўпроқ тарихга эга бўлган пенсия тизими икки сектор томонидан молиявий таъминланади: давлат ва хусусий сектор.

Жаҳон тажрибасини таҳлил қилиш тажрибалари шуни кўрсатадики, пенсия таъминоти манбаларини яратишнинг ҳозиргача икки усули мавжуд. Мазкур икки тизимни қуйидаги жадвал асосида солиштириш мумкин. PAYG (Pay-as-you-go) сўзининг луғовий таржимаси – “Ишлаётган экансан тўлаб қўй”. Дунёнинг қарийиб 80 та мамлакатида бу каби жамғармалар мавжуд. Масалан, Шимолий Африкада ***“Old Age Grant”,*** Янги Зеландиядаги “***Supparannuation”*** дастурини мисол келтириш мумкин. Тизим шундай ишлайди. Фараз қилайлик, T авлод

[1]Қосимова Г.А. Ижтимоий сиёсатнинг йўналишлари. Монография. -Т.: «IQTISOD-MOLIYA». 2008. – Б.89.

пенсияга чиқди, унинг учун $Т_{К1}$ авлод пенсия тўлайди, $Т_{К1}$ учун эса $Т_{К2}$ ва хоказо. Демак ҳеч қандай фонд яратилмайди. Ҳеч ким ўзи учун тўламайди, ким пенсия фондига ажратма ўтказаётган бўлса, демак у ўзидан олдин пенсияга чиққан фуқаронинг пенсия маблағлари манбаи бўлиб қолади.

Бироқ, айрим мамлакатлар шу тизим остида махсус инвестицион фондларни яратадилар. Масалан, Испаниядаги “Ижтимоий Ҳимоя Резерви”, Франциядаги “Пенсия резерв фонди”, Канаданинг “Пенсия фонди” ***(Supparannuation)*** инвестициялар орқали шаклланган бўлса, АҚШ ижтимоий ҳимояси АҚШ ғазна облигацияларига киритилган инвестициялар ҳисобига шаклланади .

***1.3.1.-жадвал.***

***Фондлаштирилган ва фондлаштирилмайдиган (Pay-as-you-go) тизимини таққослаш[1].***

| № | Солиштириш мезонлари | Фондлаштирилмайдиган (Payg) тизими | Тўлиқ фондлаштирилган |
|---|---|---|---|
| 1. | Мақсади | Ижтимоий адолатни таъминлаш | Иқтисодий самарага эришиш |
| 2. | Демографик омил таъсири | Тўғридан-тўғри функционал тарзда таъсир этади. | Таъсир даражаси деярли йўқ, ҳар ким ўзи учун ўзи жамғаради. |
| 3. | Молиялаштириш манбалари | Жорий суғурта бадали жорий пенсия тўлови учун сарфланади | Жорий суғурта бадаллари щахсий ҳисобрақамларида жорий суғурталанувчининг ўзи учун жамғарилади |

[1]Мирзамаҳмудов М.М. Мақсадли жамғармалардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш механизмини такомиллаштириш. Монография. -Т.: «IQTISOD-MOLIYA». 2013. –Б13.

Тўлиқ фондлаштирилган тизимда фуқаро ўзи учун келажакдаги пенсия манбаларига эга бўлади. Фуқаронинг ҳар бир ажратмаси аниқ бир банк ёки шу билан шуғулланувчи ташкилот ҳисобрақамига келиб тушади.

Хорижий давлатларда кенг тарқалган пенсия тизимининг таркибий тузилиши берилган[1]: белгиланган тўловлар – пенсия суғуртасини таъминлаш шакли; белгиланган взнослар – ҳар бир ходимнинг пенсонал ҳисобрақами мавжудлиги; пенсион баллар тизими; шартли-жамғариладиган ҳисобрақам. Шартли-жамғариладиган ҳисобрақам тизимида ҳар бир ходимнинг ажратмалари унинг алохида ҳисобрақамида сақланади ва бу маблағлар фойда келтиради. Мазкур ҳисобрақамларга тушумлар ва уларга хисобланган фоизлар юритилади. Мазкур тизим Италия, Латвия, Польша, Швецияда жорий қилинган.

Давлат пенсиясига чиққанларни қўшимча равишда пул маблағлари билан таъминлаш, фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида 2004 йил 2 декабрда «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни кучга кирди. Бу эса, жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимининг янги шакли сифатида жамият ҳаётида муҳим аҳамият касб этди.

Жамғариб бориладиган пенсия бадалларини киритувчи (бадал киритувчи) — жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчининг фойдасига бадаллар киритаётган жисмоний шахс ёки иш берувчи юридик шахс. Юридик шахслар – иш берувчилар, уларда меҳнат шартномаси асосида ёлланиб ишловчи фуқаролар пенсия тизими иштирокчилари ҳисобланади. Якка тартибдаги тадбиркорлар, юридик шахс мақомига эга бўлмаган деҳқон хўжаликларининг аъзолари ва вақтинчалик иш фаолияти

[1]Голубева С.В. Развитие пенсионных систем зарубежных стран и России в условиях демографического старения: автореф дис...к.э.н. -М.: Российский университет дружбы народов. 2008. –Б.6.

билан шуғулланмайдиган фуқаролар жамғариб бориладиган пенсия тизимида ихтиёрийлик асосида иштирок этадилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 июндаги «Жамғариб бориладиган пенсия тизимини такомиллаштириш ва техник таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-110-сонли Қарорига асосан юридик шахслар томонидан жамғариб бориладиган пенсия мажбурий бадалларининг тўғри, тўлиқ ҳисобланиши ва ўз вақтида ўтказиб берилиши устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси зиммасига юклатилган. Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Давлат жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этувчи фуқароларга шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларида жамғарилган маблағлари сақланиши ҳамда тўланишини кафолатлайди. Қонуннинг 5-моддасига асосан фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағларининг сақланиши ва тўланиши Давлат томонидан кафолатланади. Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларида тўпланган маблағларга даромад ҳисоблаш фоизи инфляция даражасида юқори бўлиши лозим.

Мамлакатимизда жамғариб бориладиган пенсия тизимининг ташкил этилиши жамиятда ижтимоий адолатни таъминлаш, ижтимоий кафолатларни бериш, сиёсий барқарорликни вужудга келтириш ва таъминлаб туришнинг асосий шарт-шароитларидан биридир деган хулосага келиш мумкин.

# II БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЖАМҒАРИБ БОРИЛАДИГАН ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ

## 2.1. Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминотини ташкил этиш

Пенсия таъминоти молиявий ресурсларни қайта тақсимлашнинг йирик оқими бўлиб, иқтисодиётда маҳсулотлар, ресурслар ва даромадларнинг макроиқтисодий доиравий айланишига, аҳолининг иқтисодий фаоллигини рағбатлантиришга жиддий таъсир кўрсатади. Пенсия тизими билан иқтисодиётнинг бошқа қисмлари узвий боғлиқ бўлиб, тўғри ташкил этилган пенсия тизими иқтисодиётни инвестициялашнинг молиявий манбаси бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганлари-дек, “..Ўтган йили ижтимоий соҳани янада ривожлантириш, мамлакатимиз аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини муттасил ошириб бориш масалалари доимий эътиборимиз марказида бўлди. Республикамизда 2011 йилда иш ҳақи 20,2 фоизга, бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендиялар миқдори эса 26,5 фоизга ўсди. Аҳолининг реал даромадлари йил мобайнида 23,1 фоизга ортди”[1].

Республикамизда фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия тизими амалиётга жорий қилинди, жамғариб бориладиган пенсия таъминоти иқтисодий фаол аҳолининг иш жойи, меҳнатга лаёқати ва даромадини йўқотиш билан боғлиқ турли ҳодисалардан ижтимоий ҳимоялаш шакли ҳисобланади. “Жамғариб бориладиган пенсия тизими” молиявий категория сифатида пул маблағларининг мақсадли фондларни шакллантириш ва кексалик чоғида фойдаланишнинг шакл ва усуллари йиғиндисини ўз ичига олган иқтисодий муносабатлар тизимини акс эттиради.

---

[1]Каримов И. А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. –Т.: “Ўзбекистон”. 2012. –Б.36.

Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган "Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонуннинг мақсади – фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти соҳасидаги муносабатларини тартибга солишдан иборат. Давлатнинг назорати асосида иш берувчилар ва ишловчиларнинг мақсадли бадалларидан шаклланувчи махсус бюджетдан ташқари ижтимоий жамғармалардан пенсияларни молиялаштирилиши жамғариб бориладиган пенсия тизимининг хусусиятли жиҳатидир. “Жамғариб бориладиган пенсия” категория сифатида пул маблағларининг мақсадли фондларини шакллантириб, кексалик чоғида фойдаланиш шакл ва усулларини йиғиндисини ўз ичига олган иқтисодий муносабатлар тизимини акс эттиради.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар жамғариб бориладиган пенсия таъминоти олиш ҳуқуқига эга. «Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти — фуқароларни шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағлардан давлат пенсиясига қўшимча равишда пул маблағлари билан таъминлашдир». Жамғариб бориладиган ихтиёрий пенсия бадаллари — шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига ихтиёрийлик асосида киритиладиган пул маблағлари ҳисобланади. Жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадаллари — шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига мажбурий тартибда киритиладиган пул маблағларидан иборат”[1].

Жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олинаётганда фуқароларга Халқ банки умрбод қилиб белгиланадиган, доимий шахсий тартиб рақамли шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари очади.

---

[1] Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни. 2004 йил. 2 декабрь.




***2.1.1.-расм. Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларида маблағларни шакллантириш манбалари***[1]

[1] Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида» ги Қонуни. 2004 йил. 2 декабрь.

Республика бўйича жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимида 2012 йилнинг 1 январь ҳолатида жами 7077897 нафар, Фағона вилояти бўйича эса жами 742338 нафар фуқаро жамғариб бориладиган пенсия олувчилар рўйхатига киритилган, шунингдек, иштирокчилардан 6870322 нафарига, Фарғона вилояти бўйича эса 736002 та жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаси тарқатилди. Қонун ҳужжатларида белгиланганидек, Халқ банки фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимида йиғилган маблағларни марказлаштирилган ҳолда узоқ муддатли активларга инвистиция ва кредит ресурслари сифатида жойлаштириб келмоқда. Жумладан, 2006 йилда 3,2 млрд. сўм фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб варақлари қолдиғига қўшилган бўлса, 2010 йилда ушбу кўрсаткич 26 млрд. сўмни, 2011 йилда эса 38,8 млрд. сўмни, жами ушбу тизим ишга туширилган давр мобайнида 106,8 млрд. сўмни ташкил этган. 2010-2011 йилларда тизим иштирокчиларининг мажбурий бадаллари учун 8 фоиз миқдорида, иштирокчиларнинг ихтиёрий киритган бадаллари учун 24 фоиз миқдорида фоизлар ҳисобланиб, олинган даромадлар фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб варақлари қолдиғига қўшиб борилмоқда.

Республика бўйича жамғариб бориладиган пенсия тизимида йиғилган маблағларнинг бир иштирокчига тўғри келадиган ўртача миқдори 2010 йилда 59,6 минг сўмни ташкил этган бўлса, 2011 йилда эса ушбу кўрсаткич 81,7 минг сўмни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунининг ижросини ўрганиш давомида ўз ечимини кутаётган масалаларга ҳам эътиборни қаратилди. Қонуннинг 13-моддасида иш берувчи томонидан мажбурий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб варақларини очиш, уларни юритиш тартибига риоя қилиш, бадалларни тўғри ва тўлиқ ҳисоблаб чиқариш ҳамда ўз вақтида тўланиши устидан назоратни молия, давлат солиқ хизмати

органлари ва Халқ банки томонидан амалга оширилиши белгиланган бўлсада, ушбу органлар орасида ўзаро ҳамкорлик лозим даражада йўлга қўйилмаган.

Халқ банкининг Фарғона вилоят филиали бўйича 2005-2011 йилар давомида иштирокчи корхона-ташкилотлар томонидан қонуннинг 15-моддаси талаблари бажарилмагани учун, яъни жамғариб бориладиган пенсия бадаллари киритилганлиги ҳақидаги реестр тақдим этилмагани туфайли 1,228,4 млн. сўм маблағ фуқароларнинг ҳисоб рақамларига киритилмаган. Фақат 2012 йил 1 май ҳолатида реестр тақдим этмаган корхона ва ташкилотлар сони 2021 тани ёки 316,0 млн. сўмни ташкил қилади. Халқ банки филиали ва солиқ органлари ўртасида ўзаро ахборот алмашиш лозим даражада амалга ошмай қолган. Давлат солиқ органлари томонидан қонуннинг 13-моддасида белгиланган талаб қонун ижроси устидан назорат етарли даражада ташкил этилмаган. Халқ банкининг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб варақлари ҳолати тўғрисида фуқароларни ҳар йили хабардор қилиб бориш мажбурияти белгиланган бўлиб, бу борада вилоят бўйича 742 минг 338 нафар иштирокчидан 587 минг 896 нафарига хабар берилган, холос. 154 минг 442 иштирокчига эса, хабарнома жўнатилмаган.

Шу билан бирга, жойларда жамғариб бориладиган пенсия тизимининг фаолият кўрсатиши масаласи юзасидан хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ва бухгалтерлари билан тизимли равишда семинарлар ўтказишга, қонуннинг афзалликлари ва механизмларини аҳолига тушунтиришга етарли даражада эътибор қаратилиши керак. Республикамизда қонун ижроси бўйича аниқланган муаммолар муҳокама этилиб, уларни бартараф қилишга жиддий аҳамият бериш лозим. Аҳолининг банкка ишончини янада мустаҳкамлаш мақсадида уларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб варақларида сақланган маблағларга фоизларни кунлик ҳисобланишини йўлга қўйиш ҳамда шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб варақларининг йиллик

ҳаракати тўғрисидаги хабарномаларни электрон тизимлар орқали маълумотлар берилишини такомиллаштириш билан боғлиқ масалалар ҳал тилиши керак.

Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларидан жамғариб бориладиган пенсия тизими билан боғлиқ бўлмаган мажбуриятларни бажариш учун фойдаланмайди.Халқ банки жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларининг алоҳида ҳисобини юритади. Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини кўпайтириш ҳамда уларни пул қадрсизланишидан ҳимоя этиш мақсадида бундай маблағлардан инвестиция ва кредит ресурслари сифатида, шунингдек молиявий воситаларга жойлаштириш учун фойдаланилиши мумкин.

Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларидан инвестиция ва кредит ресурслари сифатида фойдаланиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Халқ банки томонидан амалга оширилади. Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини молиявий воситаларга жойлаштириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланади. Республикамизда жамғариб бориладиган пенсия бадалларини киритувчилар Халқ банки филиалига жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олиш учун зарур маълумотларни тақдим этишлари керак.

Фуқароларнинг шахсига оид маълумотлар билан боғлиқ барча ўзгаришлар: меҳнат шартномаси тузилганлиги ёки бекор қилинганлиги, паспортдаги маълумотлар ҳамда шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларини юритиш учун зарур бошқа маълумотлар ўзгарганлиги тўғрисида хабар қилишлари шарт. Иш берувчилар шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига бадалларни ўз вақтида киритишлари ҳамда фуқароларга ҳисоблаб чиқарилган ва киритилган жамғариб бориладиган пенсия бадаллари тўғрисидаги маълумотларни уларнинг талабига мувофиқ беришлари шарт.

## 2.2. Шахсий жамғариб бориладиган пенсия даромадларини шакллантириш

Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобвараға — фуқаронинг Халқ банкидаги эгаси ёзилган шахсий ҳисобвараға бўлиб, бадал киритувчиларнинг жамғариб бориладиган пенсия бадаллари ва шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағидаги маблағларга ҳисоблаб қўшилган фоизлар ана шу ҳисобвараққа келиб тушади ҳамда унда ҳисобга олинади.

Халқ банки жамғариб бориладиган пенсия бадалларини киритувчилардан шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари очиш ва уларни юритиш учун зарур маълумотларни олади. Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия тизимининг маблағларини инвестициялашдан олинган даромаддан маржа олиш ҳуқуқига эга. Халқ банки оладиган маржа миқдори Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади.

- Халқ банки қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари очиши ва юритиши;
- шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига киритилаётган бадаллар ва ҳисоблаб чиқарилган фоизларни шахслар бўйича ҳисобга олиб бориши;
- жамғариб бориладиган пенсия бадалларининг ҳамда шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағларга ҳисоблаб чиқарилган фоизларнинг ўз вақтида ва тўла ҳажмда ўтказилишини таъминлаши;
- жамғариб бориладиган пенсия тўловларининг миқдори ўз вақтида ва тўғри тайинланишини, шунингдек улар бундай тўловларни олувчиларга тўлиқ берилишини таъминлаши;
- жамғариб бориладиган пенсия тизимининг маблағларини молиявий воситаларга жойлаштириш ҳамда бундай маблағлардан инвестиция ва кредит ресурслари сифатида фойдаланиш йўли билан шахсий

жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағларнинг сақланишини, кўпайтирилишини ва пул қадрсизланишидан ҳимоя қилинишини таъминлаши;

- шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари ҳолати тўғрисида фуқароларни ҳар йили, шунингдек уларнинг мурожаатига асосан хабардор қилиши;
- шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига алоқадор ҳужжатлар ҳамда ёзувларнинг сақланишини таъминлаши шарт.

Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таминоти ресурсларининг ЯИМга нисбати ва динамикаси ҳолатни кенгроқ иктисодий баҳолаш мақсадида қуйидаги жадвалда фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти маблағларини мамлакат ЯИМга нисбати ва динамикасини таҳлил қиламиз.

***2.2.1.-жадвал.***

***Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таминоти ресурсларининг ЯИМдаги улуши ва динамикаси[1].***

*фоизда*

| № | Кўрсаткичлар | 2006 йил | 2007 йил | 2008 йил | 2009 йил | 2010 йил | 2011 йил |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | ЯИМнинг ўсиши, | 7,3 | 9,5 | 9,0 | 8,1 | 8,5 | 8,3 |
| 2. | ФЖБПТ молиявий ресурсларининг ўсиши | 58,0 | 48,3 | 44,0 | 40,7 | 30,6 | 30,1 |
| 3. | ЯИМга нисбатан улуши | 0,14 | 0,15 | 0,17 | 0,18 | 0,18 | 0,17 |

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, таҳлил этилган даврда фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти молиявий ресурслари 2006-2011 йилда тез суръатларда ўсиш тенденциясига эга бўлган. Албатта, бу кўрсаткич 2006-2011 йиллларда ўсиш тенденциясига эга эканлигини ижобий ҳолат сифатида қаралади. Лекин ушбу жамғарма маблағларини мамлакатимиз ЯИМ га нисбатн улуши кичик даражада

[1]Ахмедов М. Иқтисодиётда "узун" молиявий ресурслар салмоғини оширишда нодавлат пенсия жамғармасининг аҳамияти. // Молия. -Тошкент. 2012. №2. – Б.132

қолмоқда. Бу эса иқтисодиётни модернизациялаш жараёнларида “узун” молиявий ресурслар салмоғининг етарли даражада шаклланмаганлигига сабаб бўлмоқда. Масалан, 2006 йилда жамғарма молиявий ресурслари ҳажми ЯИМ даги улуши 0,14 фоизни ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич 2011 йилгакелиб 0,17 фоизга ўсган. Бир вақтнинг ўзида хорижий давлатларда, жумладан, банк-молия тизими ривожланган етакчи мамлакатларда нодавлат пенсия жамғармаларининг молиявий активлари мамлакат ЯИМ га нисбатан юқори салмоқни ташкил этган.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ, Халқ банки бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши ва унинг зиммасида бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, бозор муносабатларини янада ривожлантириш ва иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш учун муомалада “узун” молиявй ресурсларнинг салмоғининг юқори бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Чунки иқтисодиётни стратегик тармоқлардаги инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш бевосита “узун” молиявий ресурслар ҳисобига амалга оширилади. Халқаро амалиётга назар ташласак, муддати жиҳатидан “узун” бўлган молиявий ресурсларни иқтисодиётга таклиф қилишда нодавлат пенсия жамғармаларининг ўрни нечоғлик юқори эканлигини гувоҳ бўлдик. Бизнинг фикримизча, мамлакатимида нодавлат пенсия жамғармаларининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш ва амалиётга жорий этиш натижасида бу борадаги иқтисодий ислоҳотларнинг кўлами янада чуқурлашди. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимиз банк-молия тизими молиявий барқарорлигини мустаҳкамлайди ва иқтисодиётнинг стратегик тармоқлардаги инвестицион лойиҳаларни амалга оширишда яна бир туртки вазифасини бажаради. Мамлакатиизда фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти маблағлари ҳам муддатига кўра “узун” молиявий ресурслар сифатида қаралади. Чунки иш берувчи томонидан ходимга иш ҳақи ҳисобланиб, уни тўлаш билан бир вақтда жамғарма ҳисобига

тегишли сумма ўтказилади. Ҳозирда жамғармани шакллантиришда ихтиёрий бадаллар улуши сезиларисиз салмоққа эга, шу жиҳатидан ушбу тизимни янада такомиллаштириш ва нодавлат пенсия жамғармалари билан шуғуллануви молиявий ташкилотлар ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига тартиб рақами бериш фуқароларнинг паспортидаги маълумотлар асосида амалга оширилади. Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларидан жамғариб бориладиган пенсия тўловлари тўлаш учун фойдаланилади. Мамлакатимизда 2012 йил январ ҳолатига кўра, 7 миллион нафардан зиёд фуқаро жамғариб бориладиган пенсия олувчилар рўйхатига киритилган. Қонун ҳужжатларида белгиланганидек, Халқ банки фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимида қўйилган маблағларни марказлашган ҳолда узоқ муддатли активларга инвестиция ва кредит ресурслари сифатида жойлаштириб келмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг жамғариб борадиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 декабрдаги 595-сонли Қарорига мувофиқ, жамғариб бориладиган пенсия тизими жорий этилди. 2005 йилнинг 1 апрел ҳолатига кўра, Республика корхона ва ташкилотларининг 254,9 мингтасидан 212,2 мингтаси янги тизимга жалб қилинди. Республика жамғариб борадиган пенсия фондига 1630 млн сўм маблағ ўтказилди»[1].

Ўзбекистон Республикасида жамғариб бориладиган пенсия таъминоти масалалари «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунига асосан тартибга солинади. 2005 йилдан жорий этилган мазкур тизим амалдаги фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тизимига қўшимча равишда, иш берувчиларнинг пенсия ёшига етган ходимларнинг моддий аҳволини яхшилаш, шу асосида пенсионерларга

[1] «Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-итисодий ривожланишининг 2005 йил I чорак асосий якунлари тўғрисида» \\ Халқ сўзи. 2005 йил. 6 май. 87-сон.

амалдаги пенсия тўловларига қўшимча равишда даромад олиш манбаларини яратиш, кексалик чоғида фуқаронинг ўз фаровонлиги учун шахсий жавобгарлигини ошириш мақсадида жорий қилинди.

***2.2.2.-жадвал.***

***Андижон вилоят «ASR» кредит томонидан солиқ ва мажбурий ажратмалар ҳисобланиши[1].***

*(сўм хисобида)*

| № | Кўрсаткичлар | Уюшма ҳисоби бўйича | Аудит ҳисоби бўйича | Фарқи (+; -) |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Мулк солиғи | 4 687 763 | 4 687 763 | - |
| 2 | Ер солиғи | 141 852 | 141 852 | - |
| 3 | Сув солиғи | 5 721 | 5 721 | - |
| 4 | Қўшилган киймат солиғи | 48 000 | 48 000 | - |
| 5 | Инфраструктурани ривожлан.солиғи | 20 455 600 | 20 455 600 | - |
| 6 | Фойда (даромад) солиги | 67 408 800 | 67 408 800 | - |
| 7 | Даромад солиги (иш ҳақидан) | 21 878 500 | 21 870 473 | 8 027 |
| 8 | Дивиденд солиғи | 6 897 668 | 6 897 668 | - |
| 9 | Бошқа солиқлар | | | - |
| 10 | Ягона ижтимоий тўлов (иш ҳақидан) | 20 644 400 | 20 644 400 | - |
| 11 | Пенсия жамғармаси мажбурий бадал | 2 150 400 | 2 151 453 | 1 453 |
| 12 | Пенсия жамгарма | 6 248 000 | 6 248 000 | - |
| 13 | Республика йўл жамғарма (ялпи даромаддан) | 13 388 000 | 13 388 000 | - |
| 14 | Жамғариб бориладиган пенсия 1% | 860 170 | 860 170 | - |
| 15 | Мактаб таълимини ривож.фонди | 8 926 000 | 8 926 000 | - |

Фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига ҳар ойда уларга ҳисобланган иш ҳақининг бир фоизи миқдорида бадал

[1] www. xb. uz интернет сайти маълумотлари

белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 июндаги «Жамғариб бориладиган пенсия тизимини такомиллаштириш ва техник таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан, фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ўтказиладиган мажбурий пенсия бадаллари бюджетга тўланадиган солиқлар ва йиғимларга тенглаштирилган. 2005 йилнинг 1 июлидан эътиборан барча юридик шахслар фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига мажбурий бадалларни жисмоний шахсларнинг даромад солиғи билан биргаликда мазкур солиқ учун белгиланган шакл ва муддатларда амалга ошириш тартиби жорий этилди. Жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадалларининг тўланиши натижасида ишлаётган фуқаролар учун иш ҳақидан (даромадидан) ҳеч қанақа йўқотиш бўлмайди. Ишловчи фуқаронинг шахсий ҳисобварағига ўтказиб берилаётган ҳар ойлик пенсия мажбурий бадаллари ушбу ходимнинг даромадига қонунда белгиланган тартибда ҳисобланган жисмоний шахсларнинг даромад солиғидан чегириб қолинади. Мисол учун, корхонада ишловчи ходимга 2011 йил январь ойи учун 500.0 минг сўм иш ҳақи ҳисобланса, бу ҳолда жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадаллари миқдори 5000 сўмни ташкил этади ва ушбу миқдор ходимнинг даромадидан ҳисобланган 65238,5 сўм солиқ суммасидан чегирилиб, фуқаронинг шахсий жамғариб бориладиган хисобварағига ўтказилади. Натижада ишловчи фуқаронинг нақд пулда олаётган ойлик маоши миқдори ҳеч камаймайди. Қуйидаги иловада “**ООО EVRO FOOD TRADE”** кичик фирмасида ишлаётган ходимнинг жамғариб бориладиган пенсия тизимида қатнашаётган ходимнинг 2010 йил декабрь, 2011 йил декабр, 2012 йил декабрь ойи учун Реестри берилган (илова).

Фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларида тўпланган маблағлар учун ҳисобланган фоизлар ҳамда бу маблағлар ҳисобига берилган пенсиялар солиқ тўлашдан озод қилинади.

Шу билан бирга, Солиқ кодексига[1] мувофиқ, жисмоний шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Халқ банкидаги фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ихтиёрий равишда йўналтирилган суммаларига солиқ солинмайди.

Жамғариб бориладиган пенсия тизимида назорат Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 июндаги «Жамғариб бориладиган пенсия тизимини такомиллаштириш ва техник таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-110-сонли Қарорига асосан юридик шахслар томонидан жамғариб бориладиган пенсия мажбурий бадалларининг тўғри, тўлиқ ҳисобланиши ва ўз вақтида ўтказиб берилиши устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси зиммасига юклатилган.

***2.2.3.-жадвал.***

**Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи *СТАВКАЛАРИ*[2].**

| **Солиқ солинадиган даромад** | **Солиқ ставкаси** |
|---|---|
| энг кам иш ҳақининг беш бараваригача миқдорда | даромад суммасининг 8 фоизи |
| энг кам иш ҳақининг беш бараваридан (+1 сўм) ўн бараваригача миқдорда | беш баравар миқдордан солиқ + энг кам иш ҳақи миқдорининг беш бараваридан ошадиган сумманинг 16 фоизи |
| энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан (+1 сўм) ва ундан юқори миқдорда | ўн баравар миқдордан солиқ + энг кам иш ҳақи миқдорининг ўн бараваридан ошадиган сумманинг 22 фоизи |

[1]Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қонуни. 2007 йил. 25 декабр. 31-банди 2-қисми.

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2013 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги 1887-сон Қарори.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солинадиган даромадлар гуруҳлари бўйича солиқ солиш шкаласи йил бошига - 2013 йил 1 январга белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан (79590 сўм) келиб чиқиб белгиланади ва энг кам иш ҳақи миқдорининг йил давомидаги ўзгаришига қараб қайта кўриб чиқилмайди. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммасини ҳисоблаб чиқариш мақсадида энг кам иш ҳақининг миқдори йил бошидан ортиб борувчи якун билан ҳисобга олинади (йил бошидан тегишли даврнинг ҳар бир ойи учун энг кам иш ҳақларининг суммаси). Белгиланган ставкалардан келиб чиқиб ҳисобланган, бюджетга тўланадиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммаси фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ўтказиладиган, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солинадиган даромадларидан 1% миқдорида ҳисоблаб чиқариладиган ҳар ойлик мажбурий бадаллар суммасига камайтирилади.

**330000-23100-3300-19800=283800 сўм**

Бунда:

- фуқаронинг ҳисобланган ойлик иш ҳақи 330000 сум.
- жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи 23100 сўм.
- фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига - ўтказиладиган суммаси 3300 сўм.
- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари 19800 сўм.
- фуқаронинг қўлига тегадиган ойлик иш ҳақи 283000 сўм.

Қуйидаги жадвалда “**OOO EVRO FOOD TRADE”** кичик фирмасида ишлаётган ходимнинг жамғариб бориладиган пенсия тизимида қатнашаётган ходимнинг 2010 йил декабрь, 2011 йил декабр, 2012 йил декабрь ойи учун Реестри берилган (илова).

Қуйидаги жадвалда **«OOO MASTER GLODAL FOOD»** кичик фирмаси бўйича жамғариб бориладиган пенсия бадалларининг таҳлили

берилган. Ишлаётган ходимнинг жамғариб бориладиган пенсия тизимида қатнашаётган ходимнинг 2010-2012 йилларда ойлар бўйича Реестри берилган (илова).

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, иш берувчиларнинг, шунингдек меҳнат фаолиятини меҳнат шартномаси асосида амалга оширувчи фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этиши, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, мажбурийдир. Бизнинг фикримизча, якка тартибдаги тадбиркорлар, юридик шахс ташкил этмаган ҳолдаги деҳқон хўжаликларининг аъзолари, шунингдек бошқа фуқаролар жамғариб бориладиган пенсия тизимида мажбурий асосида иштирок этиши мумкин.

## 2.3. Ўзбекистонда жамғариб бориладиган пенсия тўловларини амалга ошириш

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар жамғариб бориладиган пенсия таъминоти олиш ҳуқуқига эга. Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобларида тўпланган пул маблағлари фақат ана шу ҳисоб эгалари бўлган фуқароларга тегишлидир. Уларнинг ўзлари, ишонч билдирган бошқа шахслар ёки меросхўрлардан бошқа ҳеч ким пул маблағини олиш ҳуқуқига эга эмас.

Фуқаролар шахсий жамғарма пенсия маблағларини олишлари давлат пенсияси олиш ҳуқуқига эга бўлинган пайтдан бошлаб бир вақтда ёки ойма-ой тенг улушларда олишлари мумкин, унинг шакли олувчи томонидан белгиланади. Ҳисобварақ эгаси вафот этган ҳолда унда тўпланган бадаллар қонунда белгиланган тартибда меросхўрга ўтади. Бунда мерос қолган маблағ бир вақтда тўла ҳажмда тўланади.




***2.3.1.-расм. Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчининг ҳуқуқлари[1]***

Шунингдек, мамлакатдан ташқарига кўчиб кетадиган фуқаролар ўз жамғармаларини Давлат жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок

[1] Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таьминоти тўғрисида» ги Қонуни. 2004 йил. 2 декабрь.

этувчи фуқароларга шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларида жамғарилган маблағлари сақланиши ҳамда тўланишини кафолатлайди. Фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағларининг сақланиши ва тўланиши Давлат томонидан кафолатланади. Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларида тўпланган маблағларга даромад ҳисоблаш фоизи инфляция даражасида юқори бўлиши лозимлиги кўрсатилган.

Бугун республикамизда 6744732 нафар фуқаро номига шахсий жамғариб бориладиган пенсия дафтарчалари очилган. “Тома-тома кўл бўлур” мақолининг жамғариб бориладиган пенсия дафтарчасига дахли бор. Юртимизда олиб борилаётган ислоҳотлар энг аввало, аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялашга қаратилган. Шу жумладан, Ҳукуматимиз томонидан Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига маблағ тўловчи корхона-ташкилотларнинг масъулияти оширилиб, бундай ижтимоий аҳамиятдаги маблағларни ўз вақтида ҳамда етарли миқдорда тўлаш талаби қўйилган. Лекин кейинги пайтда айрим корхоналар, айниқса, хусусий савдо ва умумийовқатланиш корхоналари, қурилиш фирмалари ва фермер хўжаликлари ишчиларига ҳужжатлар бўйича кам иш ҳақи ҳисобланиб, унга нисбатан ҳисобланадиган ягона ижтимоий тўлов ва иш ҳақидан ушланадиган тўловлардан қочиш, кўпроқ "конверт” усулида иш ҳақи бериш ҳолатлари кузатилмоқда.

Бундай "рағбатлантириш” усули иш берувчи томонидан ишчилар манфаатига тамоман зид ҳаракатдир. Фуқароларга ёшга доир пенсияларни тайинлашда унинг миқдори иш ҳақига нисбатан ҳисобга олинади. Масалан, оғзаки тавсиянома билан ишга кирган ресторан ходими ёки қурилиш фирмасида ишлашни ҳоҳлаётган қурувчи балки, ойига ўртача икки-уч юз минг сўм даромад қилиши мумкин. Бироқ, бу кейинчалик ана шу ходимнинг келажагига таъсир кўрсатмайди, дегани эмас. Қоғозбозлик қилмаслик баҳонасида жисмоний солиқлардан даромад солиғи ва бошқа ижтимоий тўловларни тўлашдан бош тортаётган бу "ҳужжатсиз ходимлар”

ўзлари учун бир кун келиб касаллик варақаси, меҳнат ва ҳомиладорлик нафақаси, пенсия билан боғлиқ муаммолар келиб чиқишини тасаввур ҳам этишмайди. Чунки, уларни ишга олаётганда шахсини тасдиқловчи ҳужжат ёки диплом ҳам талаб қилинмайди. Шу билан бирга меҳнат шартномаси ҳам тузилмайди.

Оқибатда норасмий вакил сифатида фаолият юритувчи ходим меҳнат муҳофазаси, ижтимоий суғурта ва қонунда кўзда тутилган ижтимоий ҳимоянинг бошқа турларидан ҳам четда қолаверади. Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин иш танлаш, ҳаққоний меҳнат шартлари асосида ишлаш ва ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга. Шу билан бирга, ҳар бир ходим ўз меҳнати учун қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақидан оз бўлмаган микдорда ҳақ олиш, муддати белгиланган иш вақтини ўрнатиш, бир қатор касблар ва ишлар учун иш кунини қисқартириш, ҳар ҳафталик дам олиш кунлари, байрам кунлари, шунингдек, ҳақ тўланадиган йиллик таътиллар бериш орқали таъминланадиган дам олиш ҳуқуқига эга.

Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар. Ҳисобварақ эгаси вафот этган ҳолда унда тўпланган бадаллар қонунда белгиланган тартибда меросхўрга ўтади. Бунда мерос қолган маблағ бир вақтда тўла ҳажмда тўланади. Шунингдек, мамлакатдан ташқарига кўчиб кетадиган фуқаролар ўз жамғармаларини бирданига олишлари мумкин.

Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини тўлаш қуйидаги ҳолларда тугатилади:

⇒ шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида жамғарилган маблағлар батамом тугаганда;

⇒ бундай тўловларни олувчи шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида жамғарилган жами суммани меросга ўтказиш мақсадида тўловларни олишдан ёзма равишда нотариал тасдиқланган тартибда воз кечганда;

⇒ давлат пенсиясини олиш ҳуқуқини йўқотганда.

Ахборот ресурслари иқтисодиётнинг муҳим соҳаларидан бири давлат молиясини бошқариш соҳасида ҳам катта аҳамият касб этади. Инсон аниқ, долзарб ва тезкор ахборотга эга бўлса, у фаолиятини тўғри йўлга қўйишнинг асосий замини бўлиб хизмат қилади. Ахборот-лотинча ***«informatio"*** – тушунтириш, хабар бериш маъносини беради. Ахборот бирон-бир далил, воқеа, ҳодисани баён қилиш, тушунтиришни билдиради. Мазмунига ва инсон фаолиятида хизмат қилиш доирасига кўра ахборот илмий, ишлаб чиқариш, бошқарув, тиббиёт, иқтисодиёт, молия, экология, ҳуқуқ ва бошқа соҳалар бўлиши мумкин. Иқтисодий ахборот-ахборотнинг энг муҳим турларидан бири ҳисобланади. Иқтисодий ахборот- ишлаб чиқариш жараёнлари, моддий ресурс-лар, бозорлар, банк ва молия муассасалари фаолияти билан тўғридан-тўғри боғлиқдир.Замонавий ахборот технологияси комьютер техникаси ва алоқа воситалари соҳасидаги ютуқларга таянади. Ахборот технологиялари ривожланишининг замонавий даражаси шундайки, республикада жаҳон ахборот маконининг ахборот инфратузилмаси ва жаҳон ахборот-ҳисоблаш тармоғи интеграциясига мос келувчи миллий тизимни яратиш иқтисодиёт, бошқариш, молия, фан ва таълим самарадорлигининг муҳим омили бўлмоқда. Жаҳон амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, янги ахборот технологиялари жудаям ривожланиб бормоқда, улар нафақат тиббиёт, қурилиш, ижтимоий ва ҳарбий соҳада, балки, иқтисодиёт, молия, банк соҳаларида ҳам кенг ва унумли қўлланилмоқда.

Мамлакатларнинг иқтисодиёти нафақат ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сони билан, балки ўзлари учун зарур бўлган ахборот воситаларидан қандай фойдаланиши билан ҳам белгиланмоқда. Ахборот секторлари миллий иқтисодиётнинг барча соҳаларига, жумладан, пенсия таъминоти соҳасига ҳам кириб келди.

Ўзбекистон Республикасида барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошка материаллар

билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозим”[1]. 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги Қонунига кўра, ҳар бир фуқаро ўз манфаатларига дахлдор ахборотларни бепул, бошқа ахборотларни келишув бўйича ҳақ тўлаб олиш имкониятига эга.

***2.3.1.-жадвал.***

***Фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобрақамлари бўйича хизмат кўрсатиш[2].***

| № | Фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобрақамлари бўйича хизмат кўрсатиш | Хизмат учун ҳақ |
|---|---|---|
| 1. | Фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олиш учун мажбурий тартибда иштирок этувчиларни “сўровнома” ва ихтиёрий тартибда иштирок этувчиларга “ариза сўровнома” бланкасини тақдим этиш. | бепул |
| 2. | Фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағини очиш билан бирга пенсия дафтарчасини бериш ва ҳисобварақни юритиш. | бепул |
| 3. | Фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағидаги қолдиғи миқдорида нақд пул бериш. | бепул |
| 4. | Фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобвараға эгасининг ёзма арзасига биноан пул маблағларини банк филиали томонидан хизмат кўрсатилган ҳудуд доирасида турар жойига ўтказиб бериш. | минимал иш ҳақининг 5 % миқдорида+ ўтказилган маблағларнинг 2,0 %, лекин 1000 сўмдан кам бўлмаган миқдорида |
| 5. | Фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия хисобвараға эгаларига шахсий ҳисобварақ айланмаси ва қолдиги ҳақида маълумот бериш. | |
| 5.1. | Белгиланган тартибда йилда бир марта | бепул |

[1]Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Тошкент. “Ўзбекистон”. 2008. –Б.8.
[2] www. xb. uz Халқ банки интернет сайти маълумотлари

| | | |
|---|---|---|
| 5.2. | Қолган ҳолатларда ҳисобварқк эгасининг ёзма аризаси кўра (ҳар бир ҳолат бўйича) | минимал иш ҳақининг 5 % микдорида |
| 6. | Фукароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия хисобрақам эгасининг ёзма аризасига биноан, олинган товар ва кўрсатилган хизматлар ҳамда коммунал тўловлар учун накд пулсиз маблағ ўтказиш | |
| 6.1. | Бир марталик тўлов топшириқномаси бўйича | 300 сўмдан кам бўлмаган миқдорда (хар бир ҳолат учун) |
| 6.2. | Кўп марталик тўлов топшириқномаси бўйича | 300 сўмдан кам бўлмаган миқдорда (хар бир ҳолат учун) |
| 7. | Ҳисобрақам эгасининг ёзма аризасига бўйича шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағидаги маблағларни ўз номига ёки истаган бошқа шахснинг номига очилган омонот ҳисобварақларга шу жумладан пластик карточкага ўтказиш | |
| 7.1. | Шахсий ҳисобварақ очилган филиалда | бепул |
| 7.2. | Халқ банкининг бошқа филиалларига | ўтказилган маблағларнинг 0,5 миқдорида |
| 7.3. | Бошқа тижорат банкларига | ўтказилган маблағларнинг 0,5 миқдорида |
| 8. | Ҳисобрақам эгасининг ёзма аризасига кўра йўқолган ва яроқсиз ҳолга келтирилган пенсия дафтарчаси ўрнига янги дафтарча (дубликат) бериш | |
| 8.1. | Биричи марта | Минимал иш ҳақининг 20 % микдорида |
| 8.2. | Иккинчи ва кейинги ҳолатларда | Минимал иш ҳақининг 50 % микдорида |

Фуқароларнинг яшаш ёки иш жойи ёхуд паспортидаги маълумотлар ўзгарган тақдирда шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағи тартиб рақами ўзгаришсиз қолади ва янги шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағи очиш талаб этилмайди.

Жамғариб бориладиган пенсия бадаллари киритилганлиги тўғрисидаги тўлов ҳужжати нусхасини, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари тартиб рақами, фамилиялар, ҳар бир ходимнинг ҳисоблаб чиқарилган иш ҳақи суммаси, бошқа даромадлари ва жамғариб бориладиган пенсия бадаллари суммаси кўрсатилган ходимлар реестрини иш берувчи ўзи турган жойдаги Халқ банки филиалига ҳар ойда тақдим этиши шарт. Халқ банки тўлов ҳужжати ва реестр асосида маблағларни шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ўтказади.

Жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этувчи фуқаролар пенсия тўловлари олувчи сифатида жамғариб бориладиган пенсия тўловларини қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи юзага келган тақдирда олиш ҳуқуқига эга.Фуқаро вафот этган тақдирда, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида жамғарилган маблағлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меросга ўтади ва меросхўрга бир йўла тўла ҳажмда тўланади. Фуқаро Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига доимий яшаш жойига чиқиб кетаётган бўлса, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида жамғарилган маблағлар бир йўла тўла ҳажмда тўланади. Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчининг яшаш жойидаги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлими қонун ҳужжатларида белгиланган шаклда берадиган жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома бундай тўловларни олиш учун асос бўлади. Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномани бериш сўралган аризани фуқаролар иш берувчи орқали, фуқаролар эса бевосита яшаш

жойларидаги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимига берадилар.Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномада жамғариб бориладиган пенсия тўловлари бошланадиган сана кўрсатилади.

Иш берувчилар шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига бадалларни ўз вақтида киритишлари ҳамда фуқароларга ҳисоблаб чиқарилган ва киритилган жамғариб бориладиган пенсия бадаллари тўғрисидаги маълумотларни уларнинг талабига мувофиқ беришлари шарт.

Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларидан жамғариб бориладиган пенсия тизими билан боғлиқ бўлмаган мажбуриятларни бажариш учун фойдаланмайди.Халқ банки жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларининг алоҳида ҳисобини юритади. Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини кўпайтириш ҳамда уларни пул қадрсизланишидан ҳимоя этиш мақсадида бундай маблағлардан инвестиция ва кредит ресурслари сифатида, шунингдек молиявий воситаларга жойлаштириш учун фойдаланилиши мумкин.

Халқаро амалиётга назар ташласак, муддати жиҳатидан "узун" бўлган молиявий ресурсларни иқтисодиётга таклиф қилишда нодавлат пенсия жамғармаларининг ўрни нечоғлик юқори эканлигини гувоҳ бўлдик. Мамлакатимида нодавлат пенсия жамғармаларининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш ва амалиётга жорий этиш натижасида бу борадаги иқтисодий ислоҳотларнинг кўлами янада чуқурлашди. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимиз банк-молия тизими молиявий барқарорлигини мустаҳкамлайди ва иқтисодиётнинг стратегик тармоқлардаги инвестицион лойиҳаларни амалга оширишда яна бир туртки вазифасини бажаради.

Фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағларининг сақланиши ва тўланиши Давлат томонидан кафолатланади. Шахсий жамғариб бориладиган пенсия

ҳисобварақларида тўпланган маблағларга даромад ҳисоблаш фоизи инфляция даражасида юқори бўлиши лозимлиги кўрсатилган.

Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобларида тўпланган пул маблағлари фақат ана шу ҳисоб эгалари бўлган фуқароларга тегишлидир. Уларнинг ўзлари, ишонч билдирган бошқа шахслар ёки меросхўрлардан бошқа ҳеч ким пул маблағини олиш ҳуқуқига эга эмас. Фуқаролар шахсий жамғарма пенсия маблағларини олишлари давлат пенсияси олиш ҳуқуқига эга бўлинган пайтдан бошлаб бир вақтда ёки ойма-ой тенг улушларда олишлари мумкин, унинг шакли олувчи томонидан белгиланади. Ҳисобварақ эгаси вафот этган ҳолда унда тўпланган бадаллар қонунда белгиланган тартибда меросхўрга ўтади. Бунда мерос қолган маблағ бир вақтда тўла ҳажмда тўланади.

Ҳукуматимиз томонидан Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига маблағ тўловчи корхона-ташкилотларнинг масъулияти оширилиб, бундай ижтимоий аҳамиятдаги маблағларни ўз вақтида ҳамда етарли миқдорда тўлаш талаби қўйилган. Лекин кейинги пайтда айрим корхоналар, айниқса, хусусий савдо ва умумийовқатланиш корхоналари, қурилиш фирмалари ва фермер хўжаликлари ишчиларига ҳужжатлар бўйича кам иш ҳақи ҳисобланиб, унга нисбатан ҳисобланадиган ягона ижтимоий тўлов ва иш ҳақидан ушланадиган тўловлардан қочиш, кўпроқ "конверт” усулида иш ҳақи бериш ҳолатлари кузатилмоқда.

# III БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЖАМҒАРИБ БОРИЛАДИГАН ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

## 3.1. Жамғариб бориладиган пенсия таъминотининг хорижий тажрибалари

Пенсия тизимини ислоҳ қилиш давомида МДХ давлатларининг сиёсати қуйидаги тамойиллар асосида қурилган.

1. Келажакда асосий пенсия тизими сифатида қабул қилинган пенсия таъминотининг тақсимот тамойилларини қўллаш.
2. Пенсия таъминотини бирдамлик ва жамғариш тамойилларини ўзида мужассамлаштирган пенсия таъминоти тизимига ўтказиш.
3. Хусусий пенсия тизими учун асосий тамойили сифатида жамғариш тамойилини танлаш;
4. Ихтиёрий пенсия таъминоти институтларини ривожлантириш.

Пенсия тизими давлат пенсия таъминоти ва давлат пенсия суғуртасига асосланган мамлакатлар мавжуд. Масалан, Арманистон Республикасида пенсия ислоҳотлари қуйидаги йўналишларида олиб борилади. 1999 йил 2 декабрда Арманистон ҳукумати томонидан «Пенсия таъминотининг асосий стратегик қоидалари» тасдиқланди. Пенсия ислоҳотнинг асосий мақсадлари сифатида қуйидаги масалалар белгиланди: пенсияларни тўлашга йўналтирилган маблағлар самарадорлигини ошириш ва уларни қайта тақсимлаш; мажбурий пенсия суғуртаси тизимини ривожлантириш; ихтиёрий пенсия суғуртасини жорий этиш. Янги пенсия таъминоти тизимига ўтиш даврида меҳнат пенсияси уч қисмдан иборат. Талаб қилинадиган суғурта стажига эга бўлган шахсларга давлат томонидан кафолатланган таянч пенсия. Бундай тизимда меҳнат пенсияси камида 5 йиллик иш стажига эга бўлганларга тайинланади. Суғурта стажининг якка (шахсий) тартибда ҳисобга олиш тизими жорий этилгунга қадар ҳар йили учун қўшимча тўловлар. Якка тартибдаги ҳисобварақлари жорий

этилгандан сўнг ҳар бир суғурталанувчининг шахсий ҳиссасига қараб ҳисобланадиган суғурта пенсияси, яъни бу пенсия жамғарилган суғурта бадалларини ва пенсия олиш ҳуқуқини қўлга киритиш вақтида тахминий ўртача умр кўриш муддатини ҳисобга олган ҳолда тайинланади.

Хорижий тажрибалар шуни кўрсатадики, пенсия таъминоти соҳасидаги ўзгартиришлар натижасида тизим мукаммаллаштириш зарур:

- имтиёзли пенсиялар ва белгиланган муддат хизмат қилгани учун тайинланадиган пенсиялар бўйича пенсия таъминоти тизимини тартибга солиш;
- белгиланган муддатдан илгари пенсияга чиқиш тартибини бекор қилиш;
- ижтимоий тўловлар доирасини кенгайтириш;
- мажбурий ижтимоий суғурта тўловларни ҳисоб-китоб қилиш базасини кўпайтириш;
- якка тартибда шахсий ҳисобга олиш тизимини ривожлантириш.

АҚШда “Пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонун қабул қилинди, мазкур қонун Америка Қўшма Штатларнинг пенсия тизими учун энг илғор, инқилоб аҳамиятидаги янгилик бўлди. Унинг ёрдамида АҚШ ҳукумати кейинги ўн йилликдаёқ кам таъминланган қарияларнинг улкан армияси пайдо бўлиши хавфидан ҳоли бўлишга умид боғлади. Энг аввал қонун бўлажак пенсионерларни улар ишлаётган компанияларнинг касод бўлиши хавфидан ҳоли қилиш мақсади йўлида хизмат қилди. Масалан, ўз ишчи-ходимларига белгиланган пенсия таъминотини ваъда қилаётган иш берувчилар, ваъда қилинган пенсияни 100%игача заҳира қилиб қўйишлари керак. Пенсияни тўлаш ваъдаси ходимга бугун берилиб, унинг тўланиши кўп йиллар ўтганидан сўнг амалга оширилар экан, Америка компаниялари зарурий воситаларни алоҳида ҳисобрақамларида дарҳол тўплашни бошлайдилар. Лекин мазкур пуллар ишбилармонлик фаолиятида мавжуд бўлади ва демак, айни соҳа билан боғлиқ бўлган барча хавф-хатарлардан ҳоли эмас. Шу сабабдан фирманинг касодга учраши тақдирида бўлажак

пенсионерлар пул-маблағ воситаларисиз қоладилар. Пенсия захираларининг 80%идан камроқ миқдорини амалга оширишни таъминлаган компаниялар, ўз ходимлари учун шундан кейинги янада юқори даромадли ва лекин янада юқори хатарли пенсия инвестицияларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлдилар. Энди иш берувчиларга ўз ходимларини ўз компанияларининг акцияларига пенсия жамғармаларини сармоялашга мажбур этиш таъқиқланди.

Тадқиқот бўйича олиб борилган монографик кузатувлар шуни кўрсатмоқдаки, нодавлат пенсия жамғармалари табиатига кўра икки томонлама хусусиятга эга. Биринчидан, бу жамғармалар жамиятдаги меҳнатга лаёқатсиз бўлган аъзоларнинг моддий ҳолатини яхшилаш вазифасини ҳал қилиш мақсадини кўзлайдиган муҳим ижтимоий институт деб ҳисобланадилар. Улар ёрдамида одамлар кексалик даврида давлат томонидан кафолатланган энг кам миқдордан юқорироқ даромад олиш имконини қўлга киритадилар. Ишчилар ўз пенсия бадалларини мустақил тартибга солиш ёки бу вазифаларни касаба уюшмалари орқали ўз иш берувчиларининг зиммасига ўтказиш имконига эгадирлар. Иккинчидан, бу жамғармалар мамлакатнинг иқтисодий тизимида муайян вазифани бажарадиган ўзига хос молиявий институтлардир. Бундай институтлар фуқароларнинг жамғарилган пулларини узоқ муддатли инвестициялаш мақсадида жамлаш билан шуғулланадилар.

Мамлакатда бозор муносабатларининг такомиллаштириш ва халқаро иқтисодий интеграциянинг кучайиши молиявий муассасаларда, умуман хўжалик юритувчи субъектларда узоқ муддатли маблағларга бўлган талабни кучайтиради. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ривожланган мамлакатлар иқтисодиётига назар ташласак, муомалага “узун” молиявий ресурсларни таклиф этишда суғурта компаниялари, инвестиция ва пенсия фондлари каби банкдан ташқари молия институтлари ўрни беқиёсдир. Халқаро амалиётда узун пулларни иқтисодиётга таклиф этишда нодавлат пенсия фондлари ҳам муҳим молиявий бўғинлардан

ҳисобланади. Чунки нодавлат пенсия жамғармаларининг молиявий активлари жисмоний шахсларнинг ажратмалари ҳисобига шакллантирилади ва улар пенсияга чиққунга қадар тарафларнинг келишувига асосан пенсия жамғармаси ихтиёрида бўлади. Шуни таъкидлаш жоизки, молия ва қимматли қоғозлар бозори юқори даражада ривожланган етакчи давлатлар нодавлат пенсия жамғармаларининг молиявий ресурслари мамлакат ЯИМда улуши юқори эканлигини кўриш мумкин. Шу нуқтаи назардан нодавлат пенсия жамғармалари томонидан мамлакат иқтисодиётига жалб этилаётган узун молиявий активлар улушини айрим хорижий давлатлар мисолида кўриб чиқамиз.

Жадвал маълумотлридан кўриниб турибдики, тараққий этган давлатларда нодавлат пенсия жамғармалари юқори даражада ривожланган. "Мазкур жамғармалари дастлаб АҚШ, Канада ҳамда Буюк Британияда шаклланган бўлса, XX асрнинг охирига келиб бошқа давлатларда тарқалди"[1]. Нодавлат пенсия жамғармалари молиявий ресурслари ҳам муддати жиҳатидан узун молиявий ресурс ҳисобланади. "Таҳлил маълумотлари асосан АҚШда 2006 йилда нодавлат пенсия жамғармалари активлари ЯИМга нисбатан 78,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилга келиб ушбу кўрсаткич 51,6 фоизга пасайган. Канадада ҳам нодавлат пенсия жамғармаларининг молиявий ресурслари юқори бўлиб, лекин таҳлил қилинган 2006-2010 йилларда ЯИМга нисбатан мос равишда 64,9-39,1 фоиз атрофида ўзгарган. Германияда эса, таҳлил қилинган даврда ушбу кўрсаткичлар 12,9-12,3 фоиз атрофида бўлган"[1]. Украина иқтисодиётида эса ушбу ташкилотлар 2005 йилдан амал қила бошлади.

---

[1]Мошенский С.З. Рынок ценных бумаг: трансформационные процессы. Учебное пособие. -М.: «Экономика". 2010. –Б114.

[1]Ахмедов М. Иқтисодиётда "узун" молиявий ресурслар салмоғини оширишда нодавлат пенсия жамғармасининг аҳамияти. // Молия. -Тошкент. 2012. №2. – Б.130.

**-жадвал.**

**Хорижий давлатларда нодавлат пенсия жамғармалари маблағларининг ЯИМдаги улуши[1].**

| Давлатлар | 2006 йил | | 2007йил | | 2008 йил | | 2009 йил | | 2010 йил | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | активлар | | активлар | | активлар | | Активлар | | Активлар | |
| | млрд. дол. | ЯИМ % да | млрд. дол. | ЯИМ % да | млрд. дол. | ЯИМ % да | млрд. дол. | ЯИМ % да | млрд. дол. | ЯИМ % да |
| АҚШ | 10259,6 | 78,2 | 10805,3 | 78,6 | 8148,4 | 57,4 | 7333,3 | 51,4 | 7503,5 | 51,7 |
| Канада | 781,5 | 64,9 | 972,0 | 76,6 | 682,6 | 48,8 | 534,4 | 40,3 | 522,6 | 39,1 |
| Германия | 348,1 | 12,9 | 418,3 | 14,8 | 401,5 | 13,7 | 363,4 | 12,9 | 362,6 | 12,3 |
| Польша | 40,7 | 7,2 | 57,4 | 9,4 | 47,1 | 7,0 | 42,5 | 5,8 | 40,4 | 5,1 |
| Украина | 0,037 | 0,02 | 0,061 | 0,04 | 0,079 | 0,06 | 0,082 | 0,07 | 0,11 | 0,07 |
| Россия | 19,4 | 1,1 | 24,2 | 1,2 | 19,5 | 0,9 | 18,5 | 0,9 | 19,3 | 1,1 |

[1]Ахмедов М. Иқтисодиётда "узун" молиявий ресурслар салмоғини оширишда нодавлат пенсия жамғармасининг аҳамияти. // Молия. -Тошкент. 2012. №2. – Б.130.

Таҳлил учун олинган мамлакатларда нодавлат пенсия жамғармалари активларининг ЯИМдаги улуши паст даражада қайд этилмоқда. Масалан, 2006- 2010 йилларда Польшада ушбу кўрсаткич 7,2-5,1 фоизни ташкил этган бўлса, Украина ва Россияда бу кўрсаткич нисбатан паст эканлигини кўриш мумкин. Агар ушбу давлатларда 2006 йилда нодавлат пенсия жамғармалари активларининг ЯИМга нисбатан улуши 002-1,08 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йига келиб , 0,07-1,1 фоизга етганини кўриш мумкин. Таҳлил учун олинган даврнинг 2006-2007 йилларида барча мамлактларда ушбу кўрсаткич ўсиш тенденциясига эга. 2008 йилда пасайиш тенденциясига эга эканлиги бевосита жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ва унинг салбий оқибатлари билан боғлик.

Россия иқтисодчиларидан С.В. Кадомцева «Государственные финансы» номли ўқув қўлланмасида «Макроиқтисодиётнинг асосий муаммолари ва давлат сектори" номли параграфда айнан давлат пенсия тизими ва жамғариб бориладиган пенсия таъминоти масаласига тўхталади. Унинг фикрига кўра, "давлат пенсия таъминоти тизимининг амал қилиши хусусий жамғармаларнинг даражасини камайтиради. Россия Федерациясида пенсия таъминоти тизимидаги ислоҳотларни олиб борилиши шахсий жамғармаларни ҳажмини оширди, демак иқтисодиётга инвестициялар ҳам ошди"[1]. Келгусида хусусий жамғаришга тўлиқ ўтиш ва ижтимоий суғурта бадалини ошириш, пенсия жамғармаларига бадалларни кўпайтириш ва акционерлик жамиятлари томонилан инвестициялар йўналтиришни камайишига ва капитал бозоридаги ўзгаришларга олиб келади.

Капиталлашган пенсия модели давлат пенсиясига қараганда ўртача 30 фоизга юқори бўлган пенсия миқдорини таъминлайди. 2000 йилда хусусий пенсия фондларининг жами активлари суммаси ЯИМга нисбатан 40 фоизни ташкил этди, 2020 йилга бориб эса бу даража 130 фоизга етиши

[1]Кадомцева С.В. Государственные финансы. Учебное пособие.- М.: «ИНФРА -М». 2010. –Б.344.

мумкин. Чили моделининг умум тан олинган ижобий томони шундаки, у бу модел Хусусий пенсия жамғармаларининг ривожланиши туфайли миллий капитал бозорининг шаклланишига кўмаклашади. Хусусий пенсия жамғармаларининг ўз фаолияти давомида тизимли равишда ўз харажатларини камайтириб бормоқда. Бу кўрсаткич Хусусий пенсия жамғармаларининг иқтисод ва ҳаётийлик даражасининг юқорилигидан дарак беради. Хусусий пенсия жамғармаларининг институционал инвесторлар сифатида мамлакат иқтисодиётига сезиларли даражада ижобий таъсир кўрсатмоқда. Юқори жамғариш қобилиятининг мавжудлиги, муваффақиятли инвестициялар туфайли Хусусий пенсия жамғармаларининг йирик маблағлари иқтисодиётга йўналтирилиб, мамлакатнинг инвестицион салоҳиятининг ошишига ва барқарор иқтисодий ўсишини таъминлашга кўмаклашмоқда.

Капиталлашган модел шахсий пенсия жамғармаларини, бандликни таъминлашда, тўлов интизомини оширишда кучли манфаатдорликни юзага келтиради. Капиталлашган Чили пенсия моделининг ижобий ва салбий томонлари қатор Ғарбий Европа мамлакатларида тақсимот моделини ислоҳ қилишда инобатга олинди, натижада тақсимот элементлари сақлаб қолинган ва капиталлашган модел тамойилларини ўз ичига олган ўзига хос аралаш пенсия тизими вужудга келди. Бу тизим: «Пенсияга чиқиш ёшини босқичма-босқич оширишдан иборат. Пенсияга чиқиш ёши 65 ёшгача кўтариш ишловчилар ва бадал тўловчиларнинг зиммасига тушадиган оғирликни камайтиради.

Жамғариб бориладиган пенсия иқтисодий фаол аҳолининг иш жойи, меҳнатга лаёқати ва даромадини йўқотиш билан боғлиқ турли ҳодисалардан ижтимоий ҳимоялаш шакли ҳисобланади. Давлатнинг назорати асосида иш берувчилар ва ишловчиларнинг мақсадли бадалларидан шаклланувчи махсус бюджетдан ташқари ижтимоий фондлардан молиялаштирилиши жамғариб бориладиган пенсия тизимининг хусусиятли жиҳатидир. Жамғариб бориладиган пенсия

таъминоти кексалик, касаллик, бахтсиз ҳодиса туфайли, меҳнат қобилиятини йўқотиш ҳолатларини олдини олишга қаратилган жамғармадир.

Америка Қўшма Штатларида 1974 йилда Конгресс ёлланма хизматчи пенсия даромадининг муҳофазаси Қонуни чиқарилди, хусусий пенсия режалари учун мезонлар ўрнатилди, федерал бўлим мақомидаги Пенсия Даромадларини Кафолатлаш Корпорацияси уларни татбиқ этишга кўмаклашди. Хусусий пенсия режалари Пенсия Даромадларини Кафолатлаш Корпорациясидан суғурта харид қилиши лозим, агарда компания пенсия тўлай олмаса, уни корпорация тўлайдиган бўлди.

Федерал пенсия тизимларининг энг йириги - АҚШ Фуқаро Хизмати Пенсия тизимига ҳам, федерал ёлланма хизматчиларга ҳам ҳукумат томонидан маблағ ажратилади. Қўшимча равишда асосан ишга ёлланувчи фуқаролар, пенсия билан таъминланмайдиган ва ўз пенсия режалари хизматларига яраша тўланмаслигига ишонганлар ўз даромадларини бир қисмини махсус шахсий пенсия ҳисобига ажратади. Шахсий пенсия ҳисоблари банклар, жамғарма ва қарз уюшмалари, кредит иттифоқлари, суғурта компаниялари каби молиявий институтлар томонидан бошқарилади. Федерал ҳукумат бу режа хизматидан фойдаланувчи шахсларга даромад солиғи бўйича имтиёзлар бериш орқали ҳам мадад беради. Шахсий пенсия ҳисобига қўйилган маблағлар фойда фоизи барпо этади, у ўз-ўзидан ҳисобга қўшилиб бораверади. Шахсий пенсия ҳисобидаги ҳосил қилинган фойдага, пул ундан чиқарилмагунча, солиқлар солинмайди.

Жаҳон тажрибаси кўрсатадики, аҳолини кредитлашга энг кўп қизиқувчан муассасалари кредит - молия институтлари ҳисобланади. Булар - хусусий пенсия жамғармалари, ссуда-жамғарма уюшмалари, кредит иттифоқларидир. Махсус кредит институтларининг бир қисми иқтисодиёт ва хўжалик фаолиятининг муайян соҳасини ёки аҳолининг муайян

табақасини молиялаштириш билан шуғулланади. Яъни маблағларни омонатга жалб этади, қимматли қоғозларни чиқаради, суғурта полисларини сотади, шу каби йўллар билан фаолият кўрсатади. Хусусий пенсия жамғармалари  ссуда сармоялари бозорида, қимматли қоғозлар бозорида, кредит-молия тизимида муҳим замонавий ҳодисадир. Хусусий пенсия жамғармалари имкониятларининг моҳияти омонатчиларнинг маблағларини тўплаш, сақлаш, кўпайтириш, пенсия тўловларини таъминлаш ҳисобланади. Фондлар активларининг асосини қимматли қоғозлар билан бўлган операциялар ташкил этади.

Хорижий тажрибалар шуни кўрсатадики, Жамғариладиган Пенсия фондлари активларининг асосини қимматли қоғозлар билан боғлиқ операциялар ташкил этади. Хусусий пенсия фондлари пул маблағларини узоқ муддатга жойлайди, хусусий ва давлат қимматли қоғозларини сотиб олади. Хусусий пенсия фонди пассив операциялари асосини корпорация ва корхоналардан келадиган ресурслар ташкил этади, тушумнинг 20-30 фоизи ишчи ва хизматчилар бадалларидан иборат.

Экспертларнинг ҳисоб-китоби бўйича қимматли қоғозлардан олинадиган даромадларнинг бир фоиз ошиши тўланадиган пенсиялар миқдорини бир неча фоиз оширишга имкон беради. Бошқача қилиб айтганда, қимматли қоғозларни сотиб олиш учун ажратилган маблағлар ўша қимматли қоғозларни ҳозирги реал қиймати бўйича сотилгандан сўнг фуқароларга пенсия кўринишида қайтарилади. Иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш соҳаси учун узоқ муддатли сармоя етишмаслиги ва унга кескин эҳтиёж мавжуд шароитда хусусий пенсия фондлари биринчидан, узоқ муддатли кредитлаш фондларини ошириш имконини берса, иккинчидан, бундай тузилмаларнинг яратилиши бюджетнинг ижтимоий таъминот харажатларини камайтириш имконини беради.

Тадқиқот натижаларидан маълум бўлдики, пенсия тизимини фақат давлат томонидан молиялаштириш етарли самара бермайди. Ҳозирги

кунда пенсия тизимини молиялаштиришнинг бир вақтнинг ўзида уч йўналиш: минимал пенсияни кафолатлайдиган давлат пенсия тизими, профессионал ассоциация ёрдамида ўзининг иш берувчиларига қўшимча пенсияни шакллантириш, фуқаролар имкониятларидан келиб чиққан ҳолда алоҳида, хусусий пенсияни таъминлаш белгиланган. АҚШ, Голландия, Буюк Британия, Германия, Швейцария, Италия каби мамлакатлар шу тажрибалардан фойдаланилади.

Пенсия таъминотининг хусусийлаштириш дастури иктисодиётга инвестицияларнинг ички имкониятларини тақдим этади. Айнан, молия соҳасида пенсия ислоҳотларига эҳтиёж ва иқтисодий ислоҳотларнинг кенгайтирилган соҳаси кесишади. Капитал бозори ривожланиши, пенсия фондлари пулларини инвестиция қиладиган молиявий дастакларини тақдим этиш учун жуда муҳим. Шу тарзда иқтисодиётга инвестицияларни йўналтириш жараёнида давлат, жамғарилган ва хусусий пенсия таъминотини молиялаштириш мақсадга мувофиқ бўлади.

## 3.2.Ўзбекистон Республикасида пенсия фонди маблағларидан инвестицион мақсадларда фойдаланиш имкониятлари

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов таъкидлаганидек, хонадонларимизнинг файзи ва кўрки бўлган азиз отахонлар ҳамда муҳтарама онахонларнинг кексаликда фаровон яшаши учун ҳукуматимиз томонидан истиқлол йилларида ғамхўрлик кўрсатиш борасида изчил сайъ-ҳаракатлар амалга оширилиб келинмоқда. Истиқлол йилларидаги амалга оширилган ишларнинг мантиқий давоми сифатида 2005 йил 1 январдан бошлаб жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизими амалиётга тадбиқ этилди. 2004 йил 2 декабрда Ўзбекистон Республикасининг “Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги 702-II-сонли Қонуни, 2004 йил 21 декабрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақидаги 595-сонли Қарори

қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2004 йил 2 декабрдаги 16-сессиясида тасдиқланган ушбу қонуннинг қабул қилиниши Ўзбекистон Республикасининг жамғариладиган пенсия таъминотига ўтиш йўлидаги дастлабки қадам ҳисобланади.

Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти (ЖБПТ) фуқароларни шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағлардан давлат пенсиясига қўшимча равишда пул маблағлари билан таъминлашдир. Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимига икки хил аъзо бўлиш мумкин: мажбурий ва ихтиёрий. Фаолиятини меҳнат шартномаси асосида амалга оширувчи фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этиши, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, мажбурий ҳисобланади. Якка тартибдаги тадбиркорлар, юридик шахс ташкил этмаган ҳолдаги деҳқон хўжаликларининг аъзолари, шунингдек бошқа фуқаролар жамғариб бориладиган пенсия тизимида ихтиёрийлик асосида иштирок этадилар.

Жамғариб бориладиган пенсия тизимида мажбурий тартибда иштирок этувчи фуқароларни ҳисобга олиш иш берувчининг талабномасига мувофиқ мазкур фуқароларнинг асосий иш жойидаги Халқ банки филиалида амалга оширилади. Жамғариб бориладиган пенсия тизимида ихтиёрийлик асосида иштирок этувчи фуқароларни ҳисобга олиш уларнинг аризасига мувофиқ мазкур фуқароларнинг яшаш жойидаги Халқ банки филиалида амалга оширилади.

Ўзбекистонда 2005 йил 1 январдан бошлаб даромад солиғи тўланиши билан бир пайтнинг ўзида умумий ҳисобланган ойлик маошининг 1 фоизи солиққа ўтказилган даромад солиғидан тегишлича ажратиб олиниб, жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимига ўтказиб келинмоқда. «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши муносабати билан 2005 йил 1 январдан республикамизда жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизими жорий этилган бўлиб, мазкур Қонун фуқароларнинг

жамғариб бориладиган пенсия таъминоти сохасидага муносабатларни тартибга солади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимида иштирок этиши ҳуқуқига эга. Ўз навбатида, жамғариб бориладиган пенсия ҳисобваракларида жамғарилган маблағлари сакланиши ҳамда тўланиши давлат томонидан кафолатланган.

Иш берувчиларнинг, шунингдек меҳнат фаолиятини меҳнат шартномаси асосида амалга оширувчи фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этиши мажбурийдир. Якка тартибдаги тадбиркорлар, юридик шахс ташкил этмаган ҳолдаги деҳқон хўжаликларининг аъзолари, шунингдек бошқа фуқаролар жамғариб бориладиган пенсия тизимида ихтиёрийлик асосида иштирок этадилар.

Жамғариб бориладиган пенсия тизимида мажбурий тартибда иштирок этувчи фуқароларни ҳисобга олиш иш берувчининг талабномасига мувофиқ мазкур фуқароларнинг асосий иш жойидаги Халқ банки филиалида амалга оширилади. Жисмоний шахсларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган даромад солиғининг тегишлича камайтирилган суммаси ҳисобига жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадалларини иш берувчи ҳар ойда тўлаб боради. Жамғариб бориладиган пенсия тизими (ЖБПТ) маблағлари Халқ банкида шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларида маблағларни жамлаш йўли билан шакллантирилади.




***3.2.1.-расм. Жамғариладиган пенсия тизимида маблағлар қолдиғи[1].***

***3.2.1.-жадвал.***

***Жамғариладиган пенсия тизимида маблағлар қолдиғи[2].***

(млрд. сўмда)

| **Йиллар** | **2006** | **2006** | **2007** | **2008** | **2009** | **2010** | **2011** | **2012** | **2013** |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Маблағлар қолдиғи (йил охирида) | 18,9 | 50,8 | 99,7 | 173,4 | 274,6 | 404,6 | 578,9 | 802,4 | 1087,0 |

Ўзбекистон пенсия таъминотининг муҳим хусусиятларидан бири – пенсионерларнинг аҳоли таркибида кичиқ салмоққа эга эканлиги ҳисобланади. Бу эса, пенсия тизими ривожига ижобий таъсир кўрсатади. Жамғариб бориладиган пенсия жамғармаси маблағларини инвестициялаш ҳажмини ошириш имкони юзага келади. Статистиқ маълумотларга кўра, мамлакат аҳолисининг 58 фоиздан ортиқ қисми меҳнатга лаёқатли ҳисобланади. Ўзбекистонда пенсионерларнинг аҳоли сонидаги улуши паст бўлишига қарамасдан, пенсионерларга пенсия тўлаш харажатлари салмоғи

---

[1] http://www. halkbank.uz

[2] **Жамғариб бориладиган пенсия жамгармаси маълумотлари асосида тайёрланди.**

бошқа МДҲ давлатлариникига қараганда юқори. Мамлакат иқтисодиётининг айрим тармоқларида меҳнат ҳақининг юқори суръатларда ўсиши кузатилмоқда. Бу эса, жамғариб бориладиган пенсия жамғармасига тўладиган бадаллар миқдорининг ошишига олиб келади (3.2.1.-жадвал). Жадвал маълумотларидан кўринадики, Жамғариб бориладиган пенсия жамғармасига 2006 йилда 18,9 млрд. сўм маблағ тушган бўлса, 2013 йилда маблағлар микдори 1087,0 млрд. сўмга етди.

Ўзбекистон Республикасида Фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия тизими ҳисобварақларида маблағларни шакллантириш манбалари қуйидагилардан иборат:

- жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадаллари;
- жамғариб бориладиган ихтиёрий пенсия бадаллари;
- шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари маблағларига ҳисоблаб чиқарилган фоизлар;
- қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа маблағлар.

Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларидан жамғариб бориладиган пенсия тўловлари тўлаш учун фойдаланилади. Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини кўпайтириш ҳамда уларни пул қадрсизланишидан ҳимоя этиш мақсадида бундай маблағлардан инвестиция ва кредит ресурслари сифатида, шунингдек молиявий воситаларга жойлаштириш учун фойдаланилиши мумкин.

«Давлат-тижорат Халқ банки маълумотларига кўра, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, фермер хўжаликлари ва юридик шахслар ташкил этган бошқа хўжалик юритувчи субъектлар томонидан жамғариб бориладиган пенсия бадалларини Халқ банкида очилган 5866,7 минг нафар фуқароларнинг ҳисобварақларига ўтказилиши устидан кунлик мониторинг ўрнатилган. Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағлари қолдиғи 160,5 млрд. сўмни ташкил этади. Ушбу маблағларнинг 158,5 млрд.сўми банклараро депозитларга ва 2,0 млрд. сўми Ўзбекистон Темир йўллари акциядорлик компаниясига кредит

тарзида жойлаштирилган. Шунингдек, тизимга ихтиёрий аъзо бўлган 145,6 мингдан ортиқ иштирокчиларга ҳам улар томонидан кирим қилиб келинаётган бадалларнинг ҳисобварақларига мунтазам ҳисобга киритилиши таъминланиб келинмоқда»[1].

Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари очиш ҳамда уларни юритиш тартибига риоя этилиши, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадалларининг тўғри ва тўлиқ ҳисоблаб чиқарилиши ҳамда ўз вақтида тўланиши устидан назорат қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги органлари, давлат солиқ хизмати органлари ва Халқ банки томонидан амалга оширилади.

Жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадалларидан, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағларга ҳисоблаб чиқарилган фоизлардан ҳамда бундай маблағлар фойдаланилишидан фуқаролар ва Халқ банки оладиган бошқа даромадлардан, жамғариб бориладиган пенсия тўловларидан, шунингдек жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағлари айланмасидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар олинмайди. Жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этувчи фуқаролар пенсия тўловлари олувчи сифатида жамғариб бориладиган пенсия тўловларини қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи юзага келган тақдирда олиш ҳуқуқига эга. Фуқаро вафот этган тақдирда, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида жамғарилган маблағлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меросга ўтади ва меросхўрга бир йўла тўла ҳажмда тўланади. Фуқаро Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига доимий яшаш жойига чиқиб кетаётган бўлса, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида жамғарилган маблағлар бир йўла тўла ҳажмда тўланади. Тўловларни олувчилар ўзлари мустақил равишда белгилайдиган муддат мобайнида ҳар ойлик жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олишни

[1]http://www. halkbank.uz

ёки жамғариб бориладиган пенсия тўловларини бир йўла олишни танлаш ҳуқуқига эга. Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини тўлаш қуйидаги ҳолларда тугатилади:

– шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида жамғарилган маблағлар батамом тугаганда;
– бундай тўловларни олувчи шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида жамғарилган жами суммани меросга ўтказиш мақсадида тўловларни олишдан ёзма равишда нотариал тасдиқланган тартибда воз кечганда;
– давлат пенсиясини олиш ҳуқуқини йўқотганда.

Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлиши белгиланган. Жамғариладиган пенсия жамғармасига тушумларнинг даромад солиғининг пасайиш ҳисобига кўпайиши Давлат бюджети даромадларини маълум миқдорда камайишига олиб келиши мумкин.

***3.2.2-жадвал.***

***Жамғариладиган пенсия тизимидаги маблағларга фоизлар тўлаш [1].***

(фоизда)

| Йиллар | Мажбурий | Ихтиёрий |
|---|---|---|
| 2005 | 10 | 10 |
| 2006 | 10 | 10 |
| 2007 | 10 | 10 |
| 2008 | 10 | 10 |
| 2009 | 9 | 9 |
| 2010 | 8 | 8 |
| 2011 | 8 | 24 |
| 2012 | 8 | 24 |
| 2013 | 7 | 24 |

Аксинча, жамғариладиган пенсия таъминотига тушумларнинг кўпайиши даромад солиғининг пасайиши ҳисобига юз бермаса, у ҳолда,

**[1]Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 2 декабрдаги “Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги 1438-сонли Қарори.**

ажратмаларни тақсимланувчи ва жамғариб бориладиган тизимлар ўртасида қайта тақсимлашни талаб этади. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 2 декабрдаги “Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, Фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига мажбурий киритилган бадалларига инфляция даражасидан кам бўлмаган миқдорда даромадлар қўшиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги 1438-сон Қарорига кўра, ихтиёрий киритилган маблағларга 2011 йилдан бошлаб Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 2 баравари миқдорида даромадлар қўшиб келинмоқда (3.2.2.-жадвал).

Фуқароларнинг ижтимоий таъминотга бўлган ҳуқуқлари Конституция билан кафолатланиб, бу масала унинг 39-моддасида акс эттирилди. Жамғариб бориладиган пенсия тизими ҳуқуқий асосини шакллантириш “Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилиниши билан бошланди. “Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2004 йил 21 декабридаги 595-сон Қарори билан Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги “Халқ банки томонидан фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия тизимида шахсан ҳисобга олишни юритиш тартиби тўғрисидаги Низом”, “Фуқароларнинг Халқ банкидаги шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларини очиш ва юритиш ҳамда уларга мажбурий ва ихтиёрий бадалларни тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низом, “Фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидан маблағ тўлаш тартиби

тўғрисида"ги Низом ва "Жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаси тўғрисида"ги Низом тасдиқланди.

## 3.3.Ўзбекистонда жамғариб бориладиган пенсия таъминотини ривожлантириш истиқболлари

Жамғариб бориладиган пенсия тизимини такомиллаштириш ва техника билан жиҳозлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 июндаги «Жамғариб бориладиган пенсия тизимини такомиллаштириш ва техника билан жиҳозлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 110-сонли Қарори қабул қилинди.Ушбу Қарорда жамғариб бориладиган пенсия бадалларининг тўлик ҳисобланиши ва ўз вақтида ўтказилиши, жамғариб бориладиган пенсия тизимини афзалликлари тўғрисида тушунтириш ишларини кучайтириш, ушбу тизим барқарор ишлаши учун Халқ банкини босқичма - босқич замонавий компютер техникаси ҳамда дастурлари билан таъминлаш тадбирларини амалга оширишни белгилаб берилди.

Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларидан самарали фойдаланиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки Бошқарувининг 2006 йил 7 октябрдаги 88- сон ва 282-в сон Қарорлари билан «Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини инвестиция ва кредит ресурслари сифатида жойлаштириш тартиби тўғрисида»ги Низом тасдиқланди. Ушбу Низом жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини инвестиция ва кредит ресурслари сифатида, шу жумладан молиявий воситаларга жойлаштириш тартибини белгилаб берди.

ЖБПТ маблағлари қуйидаги объектларга жойлаштирилиши мумкин:

- Ўзбекистон Республикасининг давлат қимматли қоғозларига:
- ипотека облигацияларига:

- амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасида муомалага чиқарилган ва листингдан ўтган корпоратив қимматли қоғозларга:
- банклардаги миллий ва чет эл валютасидаги муддатли депозитларга:
- қонунчиликда белгиланган, мувофиқлаштирувчи Кенгаш қарори билан ҳар бир ҳолат учун алоҳида тасдиқланган ва Низомнинг 27 - банди талабларига жавоб берадиган бошқа объектларга.

Жамғариб бориладиган пенсия тизими (ЖБПТ) маблағларини самарали жойлаштиришни ташкил этиш мақсадида Жамғариб бориладиган пенсия маблағларини жойлаштириш ва даромадларини шакллантириш сиёсатини белгилаш бўйича Мувофиқлаштириш Кенгаши ташкил этилди.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш вазифалари қуйидагилардан иборат:

- муддатлилик, қайтаришлилик, даромадлилик ва диверсификациялаш тамойиллари асосида ЖБПТ маблағларини жойлаштириш объектларини белгилаш:
- ЖБПТ маблағларининг хар бир жойлаштириш объектига жойлаштириладиган энг кўп ҳажмини аниқлаш:
- ЖБПТ маблағларини жойлаштириш объектларини рисклар бўйича гуруҳларга ажратиш:
- ЖБПТ маблағларини жойлаштириш ва инвестиция килишдан олинган даромаддан Халқ банки оладиган маржа миқдорини белгилаш ва фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига ҳисобланадиган фоиз ставкасини белгилаш.

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг ва Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки Бошкарувининг қўшма карорига асосан “Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини инвестиция ва кредит ресурслари сифатида жойлаштириш тартиби тўғрисида”ги Низомда “Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини самарали жойлаштиришни ташкил этиш, Халк банкининг ЖБПТ маблағларини

жойлаштириш бўйича мажбуриятлари, Халк банкида ЖБПТ маблағларини ҳисобини юритишнинг ўзига хос хусусиятлари, ЖБПТ маблағларини жойлаштириш, ЖБПТ маблағларини жойлаштириш объектларига кўйиладиган талаблар, ЖБПТ маблагларини жойлаштиришдан олинадиган маблағларини тақсимлаш қоидалари ўз ифодасини топган. Низом Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Конунга мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, Жамгариб бориладиган пенсия тизими маблағларини инвестиция ва кредит ресурслари сифатида, жумладан молия воситаларга жойлаштириш тартибини белгилаб беради.

Мазкур Низомга асосан, Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағлари ва маблағларни жойлаштириш тушунчалари қуйидагича изоҳлаб берилган:

- Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағлари – Халк банкдаги шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларида жамланадиган маблағлар йиғиндиси;
- маблағларни жойлаштириш – Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларидан инвестиция ва кредит ресурслари сифатида, шунингдек, молиявий воситаларга жойлаштиришда фойдаланиш.

Жамғариб бориладиган пенсия тизими мажбуриятларини жойлаштириш тартибини кўриб чиқамиз:

– Жамғариб бориладиган пенсия бадаллари шаклида ўтказилган маблағлар Халк банки филиали томонидан махсус транзит ҳисоб ракамида хисобга олинади ва кейинчалик Халқ банкининг Марказий амалиётлар филиали томонидан 22628 - «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақдаги маблағлар» баланс ҳисоб рақамида жамланиб борилади;
– Халқ банкининг Марказий амалиётлар филиали томонидан жамланган ЖБПТ маблағларининг умумий суммасига ҳамда календар йил давомида жамғариб бориладиган пенсия

тўловларининг мўлжалланган ҳажмидан келиб чиққан ҳолда жойлаштириш учун йўналтириладиган бўш маблағлар ҳажми белгиланади;

– Халк банки филиалларида махсус ҳисобвараклардаги ЖБПТ маблағлари қолдиғи жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидан бир ой давомида амалга ошириш учун зарур бўлган тўловлар суммасидан кам бўлмаслиги лозим;
– ЖБПТ маблағларини жойлаштириш Мувофиқлаштирувчи Кенгаш томонидан тасдиқланган квоталарга мувофиқ Халк банки томонидан амалга оширалади;
– ЖБПТ маблағларини объектлари бўйича жойлаштириш квоталари ҳар чоракда Мувофиқлаштирувчи Кенгаш қарорлари билан тасдиқланади;

Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини инвестицион йўналишида фойдаланишда мавжуд бўлган рискларни камайтиришда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

- кредит ташкилотининг фаолият олиб бориш бўйича лозим бўлган касбий тажрибага эгалиги;
- активларнинг минимал миқдори, таркиби ва структураси билан боғлиқ бўлган касбий фаолиятнинг амалга ошириш тажрибасига эга эканлиги;
- кредит ташкилотининг ёки хўжалик юритувчи субъектни хусусий капиталининг минимал миқдори;
- корпоратив қимматли қоғозлар эмитентларинг рентабеллилиги, молиявий барқарорлиги, иш юритиш ва бозордаги фаоллиги ҳамда амалдаги қонунчилик ва Мувофиқлаштирувчи Кенгаш томонидан белгиланган бошқа талаблар;

Низомда назарда тутилган, хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобланадиган бошқа объектларга жойлаштиришда уларнинг молиявий ҳисоботларнинг ишончлилиги тўғрисидаги тасдиқланган аудиторлик

хулосаси, солиқ инспекцияси томонидан тасдиқланган молиявий ҳисоботи, Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини жойлаштириш тўғрисидаги ариза беришдан олдинги уч йил учун фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботни хамда ЖБПТ маблағларини жойлаштириш масаласини батафсил кўриб чиқиш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатларни тақдим этиши лозим.

Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини жойлаштиришдан олинган даромадларини тақсимлаш Низом бўйича қуйидагича амалга оширилади:

- ✓ Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини жойлаштиришдан олинган даромад Халқ банки оладиган маржа суммаси чегириб ташлангандан сўнг, ҳар йили йил якунида фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига, улардаги мавжуд бўлган қолдиқ миқдорига мутаносиб равишда ўтказилади;
- ✓ Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини жойлаштиришдан олинган даромад, Халқ банки маржаси миқдори Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан Мувофиқлаштирувчи Кенгаш тавсиясига асосан дастлаб – аванс қисми йил бошида 1 февралгача, узил кесил – декабрнинг охирги 10 кунлигида белгиланади;
- ✓ Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини жойлаштиришдан олинадиган маржани, Халк банки ва филиаллари орасида тақсимлаш тартиби Халк банки томонидан белгиланади.

Пенсия фондининг инвестицион сиёсати хатарнинг энг паст даражасида энг юқори даромад олишга қаратилиши зарур. Кутилаётган даромадни ололмаслик хатарини икки қисмга ажратиш мумкин:

- бозор хатари, бунда даромаднинг ўзгаришлари барча қимматли қоғозларнинг даромадлилигига бир пайтнинг ўзида таъсир этувчи иқтисодий ва сиёсий вазиятдан келиб чиқади;

- ўзига хос хатар, бунда даромаднинг ўзгариши, муайян компаниягагина тааллуқли бўлган ҳодисалардан келиб чиқади.

Қайд этилганидек, қимматли қоғозларнинг характерли хусусияти шундаки, даромад қанчалик юқори бўлса, хатар шунчалик юқори бўлади, энг юқори даромадга эришиш учун банк ўз портфел инвестицияларга қимматли қоғозларни ҳар хил турларини киритади;

- хатар даражаси паст ва барқарор даромадли давлат облигациялари;
- акциялар;
- депозит сертификатлари, векселлар;
- ҳосилавий қимматли қоғозлар (фьючерслар, опционлар).

Тижорат банклари мутахасислари уларнинг ўзаро нисбати тахминан қуйидагича бўлиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдилар:

50 % - давлат облигациялари;

25 % - банкларнинг депозит сертификатлари;

10 % - акциялар;

10 % - векселлар;

5 % - фьючерслар, акционлар.

Қимматли қоғозларга инвестициялаш учун пенсия фонди пул маблағлари резервларини вужудга келтиради. Бу маблағлар узоқ муддатли қимматли қоғозларга, қисқа муддатли операцияларга ҳам йўналтирилиши мумкин. Инвестициялар учун мўлжалланган маблағларни қандай йўналтирилиши инвестиция сиёсатидаги устувор мақсадга боғлиқ .

***3.3.1.-жадвал.***

***Ўзбекистон молия бозоридаги портфель инвестицияларга мувофиқ инвестициялар йўналишларини тақсимлаш мезонлари[1]***

| **Инвестицион портфелнинг мақсади** | **Акциялар %** | **Облига-циялар %** | **Пул резервлари, %** |
|---|---|---|---|
| Капитални асраб қолиш | 10 | 55 | 35 |

[1] Имомов Х.Х. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. –Т.: “ТДИУ”. 2010. – Б.78.

| | | | |
|---|---|---|---|
| Жорий даромадлиликка эришиш | 30 | 60 | 10 |
| Узоқ муддатли ўсиш | 70 | 25 | 5 |
| Даромадлиликни ошириш ва истиқболларини таъминлаш | 40 | 50 | 10 |
| Чайқовчилик | 50 | 35 | 15 |

Хатарнинг энг паст даражасини таъминланган ҳолда энг юқори даромадга эришиш мураккаб вазифадир, уни ҳал этишда инвестор ўз инвестицион портфелини ҳар куни қайта кўриб чиқиши ва зарур ўзгаришларни киритиши лозим. Бунинг учун қимматли қоғозлар бозори ҳолатини, иқтисодий коньюнктурани ва мамлакатдаги ҳамда жаҳондаги сиёсий вазиятни узлуксиз таҳлил этиб бориш талаб қилинади (3.3.1.-жадвал).

Иктисодчилардан Е. Смирнова рискни юзага келишини қуйидагича таърифлаб ўтади: риск – бу динамик ҳолатда пайдо бўлиб, у доим ҳаракатда ва ривожланишда бўлади. Бундай ривожланишни “риск механизми” деб аталади, мазкур механизм рискни ўзгаришини ва вақтини белгилаб беради. Демак, Пенсия фонди ўз инвестицион сиёсатини ишлаб чиқиши ва пенсия тизимини такомиллаштириб бориши талаб этилади. Бу сиёсат Фуқаролик кодексига, Бюджет кодексига, «Инвестицион фаолият тўғрисида», «Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида», «Қимматли қоғозлар бозори фаолиятининг механизми тўғрисида» қонунларга, шунингдек инвесторларнинг қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятини тартибга солувчи бошқа норматив ҳужжатларга асосланади.

Пенсия фондининг инвестицион сиёсати фонд фаолияти барқарорлигини таъминлаш, операцияларидан фойдани кўпайтириш, хатар даражасини пасайтириш, фонд баланси ликвидлигини таъминлаб туриш мақсадларида фонднинг портфел инвестицияларни бошқариш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга қаратилади. Инвестицион сиёсат пул маблағларини фонднинг молиявий эҳтёжларини

қондиришга сафарбар этади. Пенсия фонди фаолиятидаги хатар даражасини минималлаштиришда пул маблағлари келиб тушиши ва маблағлар сарфланишини вақт бўйича мувофиқлаштириш жуда муҳим вазифадир. Даврий равишда, тўловларни бажариши муддатлари етиб келганда фонд пул маблағларининг бир қисмини портфел инвестициядан бўшатиб олади. Бу мақсадда фонд инвестицияларни ҳам, жалб этилган маблағларни ҳам вақти ва ҳажми бўйича диверсификациялайди. Масалан, фонд ресурслари муддатларига мос равишда, портфелни ҳам маблағларни шу муддатларда даромадларини бой бермасдан портфелдан бўшатиб олишни режалаштириб шакллантириши лозим. Солиққа тортиладиган базани камайтириш мақсадида Пенсия фонди бўш пул маблағларини турли молиявий дастакларга жойлаштиради. Бу дастаклар орасида солиққа тортилмайдиганлари ҳам бўлади, масалан, давлат облигациялари. Бинобарин портфел инвестициянинг бир қисмини давлат облигацияларидан шакллантириш солиққа тортиладиган базани камайтиради.

Қимматли қоғозлардан даромадлар қанчалик даражада мақбул эканлигини аниқлаш учун Пенсия фонди уларни бошқа қўйилмалар билан таққослайди. Даромадлилик қўйилган маблағлар бир йилга айлантириб ҳисобланганда қанча фоиз фойда келтираётганлигини билдиради. Турли молиявий дастакларга қўйилмалардан соф даромадни таққослаш натижасида даромадлилик нуқтаи назаридан энг афзал молиявий дастакларни аниқлаш мумкин.

Ҳозирги пайтда мамлакатимиз иқтисодиётининг молиявий маблағлари пенсия фонди ихтиёрида ҳам тўпланган. Бу маблағлардан хатарнинг минимал даражасида максимал фойда олиб фойдаланишни таъминланиши зарур. Хатарни пасайтиришнинг энг таъсирчан омили эса активларни иқтисодиётнинг турли соҳаларига инвестициялашдир.

Жамғариладиган пенсия тизимлари ҳукуматнинг молиявий кафолатларидан фойдаланади, улар даромадни таъминлаш имконини

берувчи молиявий бозорларнинг иштирокчиларига айланади. Натижада пенсия тўловлари ишловчиларнинг нафақат пенсияга чиққунга қадар бўлган иш ҳақидан, балки, меҳнат фаолияти мобайнида тўланган бадаллари миқдорига ҳисобланган фоизни ифода этади. Бир марталик қайта тақсимлашда пенсия тизимидан фарқли равишда жамғариб бориладиган пенсия тизимида жамғарма бадаллари нисбатан юқори даражада белгиланади ва тегишли захира фонди шакллантирилади. Жамғариб бориладиган пенсия тизимининг қўлланиши мавжуд пенсия тизимидаги камчиликларни камайтириш ва унинг афзаллигини кучайтиришга йўналтирилган.

Хорижий давлатларда бундай таркибни умумлашган уч даражали тизим шаклида тасаввур қилиш мумкин:

- ✓ давлат назорати остида амалга оширилувчи умумий ва мажбурий пенсия тизими. Мазкур моделда пенсия миқдори иш ҳақи миқдорига боғлиқ, иш берувчи ва ёлланма ишловчидан олинадиган бадалларни қайта тақсимлаш тамойили асосида молиялаштирилади;
- ✓ мажбурий жамғарма тизими орқали бериладиган ва минимал жамғарма стажини "тўплаган" кишилар учун давлат бюджетидан фойдаланувчи ижтимоий пенсия тизими;
- ✓ тўла капиталлаштириш ва жамғариш тамойилига асосланган, индивидуал ҳисоб рақамларни юритиш орқали амалга ошириладиган пенсия тизими.

Демак, икки ҳолатда ҳам давлат тизими олдингидагидек кексайган шахсларга минимал пенсия ёки ижтимоий ҳимоялаш сифатида ижтимоий ёрдам кўрсатади. Хорижий давлатларида молиявий бозорнинг маъмурий имкониятлари етарли даражада ривожланган, давлат ва жамғариладиган пенсия фонди фаолиятини тартибга солиш ва назоратни амалга ошириш имкониятига эга. Ҳозир бизда икки хил авлодлар бирдамлиги ва жамғарма тузилмаларининг тарафдорлари мавжуд. Гап шундаки, даромад миқдори кам бўлган баъзи фуқаролар ўзининг барча даромадларини истеъмол

қилишга мажбур бўлганлиги сабабли хусусий пенсия тизимига ўта олмайди, бироқ, жамғариш тизимидан бутунлай воз кечиш керак, деган хулоса қилиш ҳам ноўриндир.

Республикамизда пенсия тизимини молиялаштиришдаги ислоҳотларни тезликда амалга ошириб бўлмайди, уларни иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотлар билан: бандлик, меҳнат бозори, аҳоли даромадлари, бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, солиқ, молия ва кредит соҳасидаги ислоҳотлар билан биргаликда амалга ошириш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаган-ларидек, “...Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида 50 та корхонанинг бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар бўйича муддати ўтган ҳамда жорий кредитор қарздорлиги қайта кўриб чиқилди. Бу мазкур корхоналар тасарруфида 350 миллиард сўмдан ортиқ маблағни қолдириш, уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантириш имконини берди»[1].

Пенсия тизими фаолиятини техник модернизация қилиш асосида, республикамизда пенсионер ва ногиронларни манзилли ҳимоя қилиш, шунингдек, бу қатлам вакилларига қаратилган ижтимоий хизмат турларини кенгайтириш ва сифатини ошириш, пенсия ва нафақаларни тайинлашда, авваламбор инсон омилининг салбий ролини чеклаш Пенсия жамғармаси ўз олдига қўйган устивор вазифалардан биридир. Айнан шу мақсадда, энг аввало, республикамизда истиқомат қилувчи барча пенсия ва нафақа олувчиларнинг ишончли ҳимояланган, ягона марказлашган маълумотлар базасини шакллантириш имконини берадиган замонавий автоматлаштирилган ахборот тизимини амалиётга кенг жорий этиш ишлари жадал олиб борилмоқда.

«Пенсия» дастурий мажмуаси ишлаб чиқилди ҳамда бугунги кунда ушбу дастурий таъминот республиканинг барча минтақаларида татбиқ

---

[1]Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Ташкент. Ўзбекистон. 2010. –Б.30.

этилмоқда. Ушбу дастурий таъминотнинг амалиётда кенг жорий этилиши, соҳада самарадорликни ошириб, тезкор ва аниқ ҳисоботлар шаклланиши, пенсия тайинланиши ва тўланишида инсон омилини камайтириш орқали жамғарма маблағларининг мақсадли сарфланиши устидан тезкор назоратни таъминлайди.

Мазкур дастурнинг келажакда идоралараро интеграллашуви сифатида, бошқа вазирлик ва идораларнинг электрон маълумотлар базаси билан ўзаро ахборот алмашинувини ташкил этишни қайд этиш мумкин. Бинобарин, 2012-2013 йиллар давомида тегишли вазирлик ва идораларнинг электрон маълумотлар базасига боғланиш ҳамда ушбу дастурлар билан ўзаро ахборот алмашинув йўналишлари қуйидагилардан иборат.

Халқ банки ва тижорат банклари дастурлари[1] :

- ♦ тижорат банклари томонидан пластик карточка орқали тўлаб бериладиган пенсия ва нафақалар бўйича ойлик электрон тўлов рўйхатларини шакллантириш, солиштириш ва уларни тақдим этиб бориш;
- ♦ ҳудудлар кесимида тўлов қолдиқлари ҳамда тўланган маблағлар миқдори бўйича маълумотлар олиш;
- ♦ пенсия ва нафақа олиш учун мурожаат этган фуқаролар бўйича уларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига амалга оширилган тўловлар тўғрисидаги маълумот алмашинуви;
- ♦ пенсия ва нафақа олиш учун мурожаат этган фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари бўйича олинган маълумотлар билан фуқаронинг жамғармага тақдим этган (иш стажи ва иш ҳақи тўғрисидаги) маълумотларни солиштириб бориш.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек, бозор муносабатларини жорий этиш билан бир вақтда

[1] Абдуллаев М. Замонавий пенсия тизими ва унинг истиқболлари. // Бозор, пул ва кредит. -Тошкент. 2012. -№6. – Б9.

аҳолини ижтимоий ҳимоялаш юзасидан олдиндан таъсирчан чоралар-кўрилиши лозим. Бу иқтисодиётни модернизациялаш шароитидаги энг долзарб вазифа бўлиб қолди ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Ўзбекистон Республикасида Халқ банки бошқарув жараёнларини автоматлаштиришда замонавий ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш, электрон ҳужжат айланмаси тизимини кенгайтириш ва ахборот коммуникация технологиялари тизимини мақсадли кўрсаткичларига эришиш юзасидан чора-тадбирлар режаси тузилди. Чора-тадбирлар режасида "Фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия таъминоти ахборот тизимларини ривожлантириш" бўлимида қуйидагилар кўзда тутилди:

- фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг маълумотлар базаси билан интеграциялаш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;
- фукароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимини ривожлантириш ва кўрсатилаётган хизматлар туркумини кенгайтириш;
- фуқаролар учун фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти дастурида ўз ҳисоб рақамларини интернет, мобил қурилма, ва SMS лар орқали мониторинг қилиш тизимини яратиш;
- фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимидаги фойдаланишга топширилган "Электрон реестрларни қабул қилиш" интерактив хизматини ривожлантириш мақсадида, банкда яратилган "Банк иккинчи даражали рўйхатга олиш" тизими базасида электрон рақамли имзони рўйхатга олиш марказига лицензия олиш ва иш фаолиятини ташкил этиш.

Пенсия жамғармалари томонидан кўрсатиладиган хизматлар оммабоп бўлишининг зарурий шарти тўловлар юқори даражада кафолатланганлигидадир. Шу тариқа, ижтимоий барқарорлик вазифаси

амалга оширилмоқда. Пенсия схемаларини молиялаштириш бўйича иккита асосий усули мавжуд:

1. Пенсияни тўлаш бўйича жорий сарф-харажатларни жорий тушумлардан қоплаш.

2. Ҳозирги ва келажакдаги барча пенсия тўловларини таъминлайдиган махсус захирани яратиш.

Молиялаштиришнинг биринчи усулини қўллайдиган пенсия схемалари жамғарилмайдиган схемалар туркумига киради (тақсимлаш схемалари). Пенсия таъминотининг бундай схемасида макро даражадаги харажатлар ва бадаллар мувозанати қуйидаги оддий формула орқали ифодаланади:

$$\mathbf{Nj * S1, * P = N2 * S2}$$

бу ерда

Nj – ишловчиларнинг умумий сони;

S1 – ўртача иш ҳақи;

P – пенсия бадалларининг ставкаси

N2 – пенсионерларнинг умумий сони

S2 - ўртача пенсия.

Молиялаштиришнинг иккинчи усули жамғарилувчи схема гуруҳига киради. Бундай схемалар яна жамғариладиган схемалар дейилади. Улар пенсияни ушбу мақсадда тўпланган пуллик жамғармадан тўлашга асосланган бўлиб, одатда пенсия жамғармалари, деб аталади. Ушбу усулда ёшга доир пенсия таъминоти узоқ муддатли инвестицион жараён бўлади ва бу жараён жамғармага бадал киритиш ва бу йиғилган пулларни инвестицион даромадлар ҳисобига бора-бора кўпайтиришни ва бундан сўнг тўпланган пулларни мунтазам даврий тўловлар кўринишида олишни назарда тутади.

Ҳар бир давр иқтисодиётининг ўзига хос хусусиятлари бўлади. Улар ишлаб чиқариш муносабатлари хўжалик юритиш механизми намоён бўлади. Жамият тараққиётининг қонуниятларига кўра, ижтимоий-

иқтисодий ривожланиш бир текисда давом этмасдан қуйидан юқорига, оддийликдан мураккаблик томон ривожланиш тамойилларига асосланади. Бу эса тараққиётнинг универсал қонуниятларидан бири ҳисобланади.

Инновациялар – бу инсоннинг ақл-заковати, ишлаб чиқариш тажрибаси негизида яратилган жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига хизмат қилувчи интеллектуал мулк кўринишидаги янгиликлар, ихтиролар, кашфиётлар, ғоялар ва янгича ёндошувлар мажмуасидир. «Миллий инновацион тизим яратилиши зарурий шартлардан бири ҳисобланади, миллий инновацион тизим – бу инновацион фаолиятни рағбатлантириш, қўллаб-қувватлашни амалга оширадиган субъектлар ва институтлар мажмуасидир. «Миллий инновацион тизим таркибига давлат, бизнес субъектлари, ўқув юртлар, илмий-текшириш институтлари ва таълим муассасалари киради. Миллий иновацион тизимни ташкил этишда, ривожлантиришда давлат асосий рол ўйнайди»[1]

Инновацион бошқарув республикамз иқтисодиётида янги тушунча бўлиб, у ўз ичига фан-техника тараққиёти ва илмий-техник ютуқларни ишлаб чиқаришга жорий этишнинг асосий жиҳатларини қамраб олган. Бозор иқтисодиёти шароитида инновацион фоолиятни асосий йўналишларидан бири мавжуд ресурслардан оптимал тарзда фойдаланиш, уларни бошқариш усулларини танлаш натижасида, инновацион жараён орқали корхона ривожланишига эришишдир. Инновация бозорга кириб келган янги ёки такомиллаштирилган маҳсулот, амалда қўлланиладиган янги технология ва ижтимоий хизматга бўлган янгича ёндошувларнинг инновацион фоаолиятдир.

Инновация назариясининг шаклланишига катта ҳисса қўшган австриялик олим Й.Шумпетер таърифи бўйича : Инновация – бу ғояни

[1]Шокирова Ф. Инновацион ривожланиш моделлари ва иқтисодий ўсиш. // Молия. –Тошкент. 2012. №3. –Б. 74-75.

янгиликка айлантириш, режалаштириш, капитал муомалалари, янги маҳсулот ва хизматни ишлаб чиқариш ва такомиллаштириш, технология ва техникани амалда қўллаш, бозор қонун ва қоидаларига асосланган ҳолда янги маҳсулотни сотиш ҳамда истеъмолчига янги турдаги хизматларни кўрсатишдан иборат.

“XX асрнинг якунида социал соҳа инвестиция маблағларини қўйишнинг фойдали, иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ келадиган соҳаси сифатида шаклланди. Социал соҳани ва инновацион жараёнларни ривожлантириш республикада амалга оширилаётган иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишлпридан бири ҳисобланади”[1]. Албатта, инновацион жараёнларни ижтимоий соҳада, жумладан, пенсия соҳасида қўлланилиши бу соҳанинг жадал ривожланишига ёрдам берибгина қолмай, балки шу билан бирга ушбу соҳага маблағларини самарали ишлатиш имконини беради.

Ижтимоий соҳа таълим, соғлиқни сақлаш, бандлик, маданият, пенсия тизими, ижтимоий таъминот каби инсон ва жамият учун муҳим бўлган муассасалардан ташкил топган. Улар биргаликда иқтисодий тараққиёт, жамият барқарорлиги, муҳит соғломлиги ҳамда аҳоли турмуш даражасини ривожланишини белгилаб беради. Ижтимоий соҳанинг инновацион функцияси жамият ва унинг ҳар бир аъзоси эҳтиёжларига ислоҳот жараёнларининг мувофиқлигини таъминлаш, шунингдек ислоҳотларни муваффаақиятли боришини ҳамда ижобий натижаларини таъминловчи ижтимоий инновацияларни жорий этишдан иборат”[1].

Ижтимоий соҳанинг инновацион фаолияти функцияси бу – мажмуали функциядир. Жамиятнинг ижтимоий таъминот соҳасида бу функцияни кенг тарқалиши Ўзбекистонда юз бераётган туб ўзгаришлар билан асосланади. Ижтимоий соҳанинг инновацион функцияси қуйидаги

---

[1] Ходжаев Х. Социал соҳа ва инновацион жараёнлар // Молия. -Тошкент. 2012. -№4. – Б. 121.
[1]Ахмедов К., Қосимов С. Инновацион жараённи бошқариш. // Молия. –Тошкент. 2011. №1. –Б. 106.

субъектлар томонидан амалга оширилади: давлат, бюджет ташкилотлари, фуқаролар.

Мамлакат иқтисодиётининг модернизациялаш шароитида бошқа соҳалар билан биргаликда ижтимоий соҳанинг ўзига хос хусусиятларидан фойдаланиш зарур. Бизнинг фикримизча, жамғариб бориладиган пенсия соҳасида инновацион жараёнларни ривожлантириш мазкур соҳанинг нафақат миллий, балки, жаҳон миқёсидаги нуфузини ҳам оширади.

Фуқароларнинг ижтимоий ҳимояланмаганлик даражасини баҳолашда «ижтимоий хавф-хатар» тушунчасидан фойдаланилади. «Ижтимоий хавф-хатар»нинг эҳтимоллик даражаси пенсия тизимининг мазмуни ва чегараларини белгилайди. Пенсия тизимининг пировард вазифаси инсон эҳтиёжини ҳамда унинг кексалик чоғида ҳимояланишга бўлган талабини қондиришдир деган хулоса чиқариш имконини беради.

Бизнес Оксфорд словарида «риск – хавф-хатар, йўқотиш ёки зарар кўриш» деган тушунчани билдиради. В.В.Шахов томонидан «риск»ка «хавф», «зарар» ёки «талофат кўриш эҳтимоли» деб қаралади. Рискни молиявий операциялардан ёмон ҳолатларни келиб чиқиш эҳтимоллиги, деб таъкидлашади. Риск – бирор бир воқеа юз бериши ва унинг мазкур ташкилот мақсадига эришишга салбий таъсир қилиши эҳтимоли билан характерланади. Операцион рисклар: ижроий (давлат хизматларини тақдим этиш жараёни билан боғлиқ); молиявий (ташкилотлар фаолиятининг бюджет маблағлари билан таъминланганлигига боғлиқ); лойиҳавий (лойиҳани амалга ошириш муддатлари ва режалаштирилган сарф-харажатлар миқдорига риоя қилиниши билан боғлиқ); ижтимоий (давлат ва хусусий пенсия тизимининг сифати билан боғлиқ); технологик (давлат хизматларини тақдим этишда янги технологиялар қўлланилиши билан боғлиқ).

Ижтимоий риск — ижтимоий омиллар ва оқибатларни ҳисобга олиш ва тартибга солишдир. Ижтимоий рисклар[1] кишилар ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдиради. Экологик, технологик, хусусий маблағларни йўқотиш, иқтисодий ҳалокатлар ва бузилишлар ана шундай ижтимоий риск қаторига киритиш мумкин. Булар инсон фаолиятининг турли соҳаларида юз беради. “Ижтимоий суғурта ахолини турли хавф-хатарлардан ижтимоий ҳимоялаш ҳисобланади, яъни ишдан бўшаш, меҳнатга лаёқатлиликни, даромадни йўқотиш каби маблағлар юзасидан хавф-хатарлар йиғиндиси ҳисобланади. ”[1]

Меҳнатга лаёқатсизликни ва даромадни йўқотишга олиб келадиган хавф-хатарлар қуйидагилардан иборат:

- ✓қарилик;
- ✓боқувчисини йўқотиш;
- ✓касаллик;
- ✓ишлаб чиқаришдаги жароҳат;
- ✓касбий касаллик;
- ✓бахтсиз ходиса;
- ✓ишсизлик;
- ✓ишлаб топилган даромад;
- ✓оналик ва болалик.

Иқтисодчи Д.Р. Вахабов ўзининг илмий ишида ижтимоий суғурта ва ижтимоий рисклар масаласига тўхталади. (Ижтимоий суғуртанинг фундаментал асослари, назариялари ва ижтимоий рисклар хусусида баъзи мулоҳазалар // Иқтисодиёт ва таълим.− Тошкент, 2010.- № 6.− Б. 16-18.) Унинг фикрича, ижтимоий суғурта ижтимоий-иқтисодий категория сифатида миллий даромадни қайта тақсимлаш бўйича муносабатлар тизими бўлиб, ходимлар ва иш берувчиларнинг мажбурий суғурта

---

[1]Саидов М.Х. Ижтимоий ҳимоя. Атамалар изохли луғати. -Т.: “А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхона нашриёти”. 2004. –Б. 63.

[1]Алимова Г. Ижтимоий суғуртанинг мазмун моҳияти ва назарий асослари.// Биржа Эксперт. -Тошкент. 2012. №6. – Б.10-12.

бадаллари ҳисобига махсус суғурта жамғармаларини шакллантириш ва муайян ижтимоий рискларга учраш оқибатида йўқотилган даромадларини қоплаш учун фойдаланишдан иборат.

Ижтимоий соҳани ўрганишга қаратилган тадқиқот ишларида ижтимоий ҳимоянинг турли шаклларини вужудга келиши ва ривожланиши "ижтимоий хатар" тушунчасини эътироф этиш билан белгиланади. Ижтимоий хатар оммавий бўлади ҳамда ижтимоий шарт-шароитлар билан белгиланади, шунингдек алоҳида фуқароларга боғлиқ бўлган ижтимоий характер касб этади.

Ижтимоий рискнинг муҳим тамойиллари куйидагилар ҳисобланади:

- жамиятда ахоли фаровонлиги даражасини ошириш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш,
- фуқаролар меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш;
- аҳолининг кам таъминланган қатламларига ёрдам кўрсатиш ва қўллаб-қувватлаш:
- болалар, оналар, кекса кишилар, етимлар, ногиронлар, қочоқлар, ишсизлар ва кишиларни манфаатларини ҳимоялаш.

Риск вазияти билан боғлиқ қарор қабул қилиш жараёнининг таҳлили ва шундай вазият устидан назорат марказий ўринни эгаллайди. Риск вазиятини баҳолаш ва бошқаришга қуйидагилар таъсир этади: сиёсий сабаблар, манфаатлар, қадриятлар, аъзолари тегишли қарор қабул қиладиган у ёки бу гуруҳнинг ижтимоий мавқеи (риск экспертлари, махсус давлат хизмати ва бюджет ташкилотлари).

Иқтисодчиларидан Қ. Х. Абдурахмонов «Меҳнат иқтисодиёти» дарслигида кишиларнинг ижтимоий ҳимояланмаганлик даражасини баҳолашда «ижтимоий хатар» тушунчасидан фойдаланди. «Ижтимоий хатар»нинг эҳтимоллик даражаси вужудга келадиган зарарни қоплаш, пенсия тизимининг мазмуни ва чегараларини белгилайди. Пенсия тизимининг асосий вазифаси фуқаролар эҳтиёжини ҳамда уларнинг кексалик чоғида ҳимояланишга бўлган талабини қондиришдир деган

хулосани чиқариш имконини беради. Иш ҳақи жамиятнинг кўпчилик аъзолари учун асосий тирикчилик манбаига айланиши билан ижтимоий ҳимоясизликнинг алоҳида тури, яъни иш ҳақидан махрум бўлиш туфайли моддий таъминланмаганлик риски вужудга келади. Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари очиш ҳамда уларни юритиш тартибига риоя этилиши, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадалларининг тўғри ва тўлиқ ҳисоблаб чиқарилиши ҳамда ўз вақтида тўланиши бўйича рисклар пайдо бўлиши мумкин.

Давлат секторидаги рискларни бошқариш соҳаси давлат ижтимоий хизматларини тақдим этиш ва уларни кўзда тутилган даражада ушлаб туришга таъсир қилувчи таҳдидлар ва эҳтимолларни ўз ичига қамраб олади. Рискларни бошқариш давлат бошқаруви сектори учун умумий кўламда бўлган давлат хизматларини тақдим этиш йўли билан ижтимоий эҳтиёжларни қондиришда ташкилотнинг вазифасини аниқлаштиришдан бошланади.

Ижтимоий рисклар учун жавобгар шахсни аниқлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ташкилотнинг бош раҳбарлари харажатлардан самарали фойдаланиш нуқтаи назаридан рискларни юмшатишга жавоб беради. У рисклар эгаси сифатида рискларни бошқариш тизимини барпо этиши лозим. Рискларни бошқариш ёмон вазиятларнинг олдини олиш ёки яхши вазиятлар ўринли бўлиши мумкинлигини кафолатлай олмаслик билан боғлиқ. Ижтимоий риск муаммоларини ҳал қилишда ижтимоий рискнинг мумкинлиги ва унга йўл қўйилиши, мақбуллигини кишиларнинг қабул қилиши ва баҳолаши ижтимоий механизмларини ҳисобга олиши мухимдир. Бундай баҳолаш инсоннинг у ёки бу риск вазиятини бошқариш учун масъул бўлган институтлар ва ташкилотларга ишонч даражасига боғлиқ деб ҳисобланади. Риск вазиятига мослашиш омиллари аҳоли турли гуруҳларида турличадир. Асосий рисклар – рискларни тўғри бошқаришда ташкилотнинг мақсадга эришишини таъминлайди ва

рискларни нотўғри бошқариш натижасида ташкилотнинг инқирозга юз тутишига олиб келиши мумкин. Рисклар учун жавобгар шахсни аниқлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ташкилотнинг бош раҳбарлари маблағлардан самарали фойдаланиш нуқтаи назаридан рискларни юмшатишга жавоб беради. У рисклар эгаси сифатида рискларни бошқариш тизимини барпо этиши лозим. Рискларни бошқариш ёмон вазиятларнинг олдини олиш ёки яхши вазиятлар ўринли бўлиши мумкинлигини кафолатлай олмаслик билан боғлиқ.

Пенсия тизими фаолиятини техник модернизация қилиш асосида, республикамизда пенсионер ва ногиронларни манзилли ҳимоя қилиш, бу қатлам вакилларига қаратилган ижтимоий хизмат турларини кенгайтириш ва сифатини ошириш, пенсия ва нафақаларни тайинлашда, авваламбор инсон омилининг салбий ролини чеклаш муҳим. Республикамизда истиқомат қилувчи барча пенсия ва нафақа олувчиларнинг ишончли ҳимояланган, ягона марказлашган маълумотлар базасини шакллантириш имконини берадиган замонавий автоматлаштирилган ахборот тизимини амалиётга кенг жорий этилди. «Пенсия» дастурий мажмуаси келажакда идоралараро интеграллашуви сифатида, бошқа вазирлик ва идораларнинг электрон маълумотлар базаси билан ўзаро ахборот алмашинувини ташкил этади. Халқ банки ва тижорат банклари дастурлари :

- тижорат банклари томонидан пластик карточка орқали тўлаб бериладиган пенсия ва нафақалар бўйича ойлик электрон тўлов рўйхатларини шакллантириш, солиштириш ва уларни тақдим этиб бориш;
- ҳудудлар кесимида тўлов қолдиқлари ҳамда тўланган маблағлар миқдори бўйича маълумотлар олиш;
- пенсия ва нафақа олиш учун мурожаат этган фуқаролар бўйича уларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағларига амалга оширилган тўловлар тўғрисидаги маълумот алмашиш;

- пенсия ва нафақа олиш учун мурожаат этган фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағлари бўйича олинган маълумотлар билан фуқаронинг жамғармага тақдим этган (иш стажи ва иш ҳақи тўғрисидаги) маълумотларни солиштириш.

Инновация – бу ғояни янгиликка айлантириш, режалаштириш, капитал муомалалари, янги маҳсулот ва хизматни ишлаб чиқариш ва такомиллаштириш, технология ва техникани амалда қўллаш, бозор қонун ва қоидаларига асосланган ҳолда янги маҳсулотни сотиш ҳамда истеъмолчига янги турдаги хизматларни кўрсатишдан иборат. Миллий инновацион тизим – бу инновацион фаолиятни рағбатлантириш, қўллаб-қувватлашни амалга оширадиган субъектлар ва институтлар мажмуасидир. Инновация бозорга кириб келган янги ёки такомиллаштирилган маҳсулот, амалда қўлланиладиган янги технология ва ижтимоий хизматга бўлган янгича ёндошувларнинг йиғиндисидир. Ижтимоий соҳанинг инновацион функцияси жамиятнинг ҳар бир аъзоси эҳтиёжларига ислоҳот жараёнларининг мувофиқлигини таъминлаш, ислоҳотларни муваффаақиятли боришини ҳамда ижобий натижаларини таъминловчи ижтимоий инновацияларни жорий этишдан иборат.

Ижтимоий соҳани ўрганишга қаратилган тадқиқот ишларида ижтимоий ҳимоянинг турли шаклларини вужудга келиши ва ривожланиши "ижтимоий хатар" тушунчасини эътироф этиш билан белгиланади. Ижтимоий хатар оммавий бўлади ҳамда ижтимоий шарт-шароитлар билан белгиланади, шунингдек алоҳида фуқароларга боғлиқ бўлган ижтимоий характер касб этади. Ижтимоий риск — ижтимоий омиллар ва оқибатларни ҳисобга олиш ва тартибга солишдир. Ижтимоий рисклар кишилар ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдиради. Ижтимоий суғурта аҳолини турли хавф-хатарлардан ижтимоий ҳимоялаш ҳисобланади, яъни ишдан бўшаш, меҳнатга лаёқатлиликни, даромадни йўқотиш каби хавф-хатарлар йиғиндиси ҳисобланади Фуқароларнинг ижтимоий ҳимояланмаганлик даражасини баҳолашда ижтимоий хавф-хатар

тушунчасидан фойдаланилади. «Ижтимоий хавф-хатар»нинг эҳтимоллик даражаси пенсия тизимининг мазмуни ва чегараларини белгилайди. Пенсия тизимининг пировард вазифаси инсон эҳтиёжини ҳамда унинг кексалик чоғида ҳимояланишга бўлган талабини қондиришдир деган хулоса чиқариш имконини беради.

# ХУЛОСА

Ўзбекистон Республикасида шахсий жамғариб бориладигна пенсия таъминоти тизимини шакллантириш ва ривожлантириш масалаларини назарий жиҳатдан ўрганилиб, қуйидаги хулосалар олинди.

1. Республикамизда ишлаб чиқилган «ўзбек модели»нинг беш тамойилидан бири-кучли ижтимоий ҳимоялашдир. Ўзбекистонда фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти соҳасида ягона тизим яратилгани мазкур соҳа фаолиятини янада такомиллаштиришга, ижтимоий хизмат турларини кенгайтиришга кенг йўл очди. Мамлакатимизда жамғариб бориладиган пенсия тизимини ташкил этилиши жамиятда ижтимоий адолатни таъминлаш, сиёсий барқарорликни вужудга келтириш ва келгусида фуқаронинг моддий таъминотини кўпайтириш имкониятини яратди.
2. Фуқаролар учун пенсия тизимини ташкил этишда жаҳонга машҳур Германия ва Чили моделлари андоза сифатида танланди. Пенсия таъминотининг икки базавий модели тақсимот-тортилувчи ва капиталлашган моделларидир. Машҳур венгер иқтисодчиси Я. Корнаи тақсимот ва капиталлашган пенсия тизимлари ўртасидаги фарқлар моҳиятини асослаб берди. Тақсимот модели пенсионерларни ҳозирги вақтда амалда бўлган аҳолининг иқтисодий фаол қатлами ҳисобига таъминлайди. Пенсия тизимининг капиталлашган модели тақсимотдан фарқли равишда инсоннинг ўз меҳнати ва пенсия жамғарилиши натижалари билан узвий боғлиқ. Германияда тақсимот пенсия тизими 1891 йилда жорий қилинган бўлиб, Европа мамлакатларида, МДҲ давлатларида қўлланилмоқда. Германиянинг пенсия тизимидаги тақсимот-тортилувчи моделига кўра аҳолининг иқтисодий фаол қатлами томонидан тўланган мажбурий пенсия бадаллари ҳисобидан пенсия харажатлари шаклланади ва аҳолининг иқтисодий фаол қатламлари ўртасида тақсимланади.Чили модели-капиталлашган модели схемаси

қуйидагича: пенсия бадалларини инвестиция қилишдан ва тўплашдан ҳосил бўлган капитал пенсия харажатларини қоплашга йўналтирилади. Пенсия бадаллари капитал тўловчининг шахсий ҳисоб рақамида ҳисобга олиб борилади. Ушбу ҳисоб рақамни пенсия фондлари ёки пенсия кассалари, суғурта кассалари ёки банклар юритади. Пенсия маблағларини тизимли инвестиция қилиш билан ушбу институтлар инвестиция даромадларига эга. Капитал ёки йиғилган пенсия бадаллари суммаси уларни инвестиция қилишдан олинган даромад пенсия фонди фаолияти натижасида капиталлашган пенсиянинг молиявий манбасидир. Авлодлар бирдамлиги асосида қурилган тақсимот моделидан фарқли равишда капиталлашган модел суғурта тамойилига асосланади. Чили пенсия тизимини ислоҳ қилишни янги тизимга ўтиш билан бир вақтда олиб борган мамлакатлардан биридир. Чили ҳукумати ушбу тадбирни ўтказиш билан давлат бюджетидаги бюджет тақчиллигининг катта қисмини пенсия тизими ислоҳотлари доирасида қоплади.

3. Экспертларнинг ҳисоб-китоби бўйича қимматли қоғозлардан олинадиган даромадларнинг бир фоиз ошиши тўланадиган пенсиялар микдорини бир неча фоиз оширишга имкон беради. Қимматли қоғозларни сотиб олиш учун ажратилган маблағлар ўша қимматли қоғозларни ҳозирги реал қиймати бўйича сотилгандан сўнг фуқароларга пенсия кўринишида қайтарилади. Иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш соҳаси учун узоқ муддатли сармоя етишмаслиги ва унга кескин эҳтиёж мавжуд шароитда хусусий пенсия фондлари биринчидан, узоқ муддатли кредитлаш фондларини ошириш имконини берса, иккинчидан, бундай тузилмаларнинг яратилиши бюджетнинг ижтимоий таъминот харажатларини камайтириш имконини беради.

4. Нодавлат пенсия жамғармалари табиатига кўра икки томонлама хусусиятга эга. Биринчидан, бу жамғармалар жамиятдаги меҳнатга

лаёқатсиз бўлган аъзоларнинг моддий ҳолатини яхшилаш вазифасини ҳал қилиш мақсадини кўзлайдиган муҳим ижтимоий институт деб ҳисобланади, улар ёрдамида кишилар кексалик даврида давлат томонидан кафолатланган энг кам миқдордан юқорироқ даромад олиш имконини қўлга киритадилар. Ишчилар ўз пенсия бадалларини мустақил тартибга солиш ёки бу вазифаларни касаба уюшмалари орқали ўз иш берувчиларининг зиммасига ўтказиш имконига эга. Иккинчидан, бу жамғармалар мамлакатнинг иқтисодий тизимида муайян вазифани бажарадиган ўзига хос молиявий институтлардир. Бундай институтлар фуқароларнинг жамғарилган пулларини узоқ муддатли инвестициялаш мақсадида жамлаш билан шуғулланадилар.

5. Халқаро амалиётда "узун" пулларни иқтисодиётга таклиф этишда нодавлат пенсия фондлари ҳам муҳим молиявий бўғинлардан ҳисобланади. Чунки нодавлат пенсия жамғармаларининг молиявий активлари жисмоний шахсларнинг ажратмалари ҳисобига шакллантирилади ва улар пенсияга чиққунга қадар тарафларнинг келишувига асосан пенсия жамғармаси ихтиёрида бўлади. Молия ва қимматли қоғозлар бозори юқори даражада ривожланган етакчи давлатлар нодавлат пенсия жамғармаларининг молиявий ресурслари мамлакат ЯИМда улуши юқори эканлигини кўриш мумкин.
6. Мамлакатимида нодавлат пенсия жамғармаларининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш ва амалиётга жорий этиш натижасида бу борадаги иқтисодий ислоҳотларнинг кўлами янада чуқурлашди. Банк-молия тизими молиявий барқарорлигини мустаҳкамлайди ва иқтисодиётнинг стратегик тармоқлардаги инвестицион лойиҳаларни амалга оширишда яна бир туртки вазифасини бажаради. Фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағларининг сақланиши

ва тўланиши Давлат томонидан кафолатланади. Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларида тўпланган маблағларга даромад ҳисоблаш фоизи инфляция даражасида юқори бўлиши лозимлиги кўрсатилган.

7. Ҳукуматимиз томонидан Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига маблағ тўловчи корхона-ташкилотларнинг масъулияти оширилиб, бундай ижтимоий аҳамиятдаги маблағларни ўз вақтида ҳамда етарли миқдорда тўлаш талаби қўйилган. Лекин кейинги пайтда айрим корхоналар, айниқса, хусусий савдо ва умумийовқатланиш корхоналари, қурилиш фирмалари ва фермер хўжаликлари ишчиларига ҳужжатлар бўйича кам иш ҳақи ҳисобланиб, унга нисбатан ҳисобланадиган ягона ижтимоий тўлов ва иш ҳақидан ушланадиган тўловлардан қочиш, кўпроқ "конверт" усулида иш ҳақи бериш ҳолатлари кузатилмоқда. Давлат ва хусусий пенсия тизими амалда бўлган икки ҳолатда ҳам давлат олдингидагидек кексайган шахсларга минимал пенсия ёки ижтимоий ҳимоялаш сифатида ижтимоий ёрдам кўрсатади. Ҳозир бизда икки хил авлодлар бирдамлиги ва жамғарма тузилмаларининг тарафдорлари мавжуд. Гап шундаки, даромад миқдори кам бўлган баъзи фуқаролар ўзининг барча даромадларини истеъмол қилишга мажбур бўлганлиги сабабли хусусий пенсия тизимига ўта олмайди, бироқ, жамғариш тизими босқичма-боскич ривожлантирилади.

8. Хорижий давлатларда пенсия тизимини умумлашган уч даражали тизим шаклида тасаввур қилиш мумкин: давлат назорати остида амалга оширилувчи умумий ва мажбурий пенсия тизими; мажбурий жамғарма тизими орқали бериладиган ва минимал жамғармани "тўплаган" кишилар учун ижтимоий пенсия тизими; тўлиқ капиталлаштириш ва жамғариш тамойилига асосланган, индивидуал ҳисоб рақамларни юритиш орқали амалга ошириладиган пенсия тизими.

9. Пенсия таъминотини ўрганишга қаратилган тадқиқот ишларида ижтимоий ҳимоянинг турли шаклларини вужудга келиши ва ривожланиши "ижтимоий хатар" тушунчасини эътироф этиш билан белгиланади. Ижтимоий хатар оммавий бўлади ҳамда ижтимоий шарт-шароитлар билан белгиланади. Алоҳида фуқароларга боғлиқ бўлган ижтимоий характер касб этади. Ижтимоий риск — ижтимоий омиллар ва оқибатларни ҳисобга олиш ва тартибга солишдир. Ижтимоий рисклар кишилар ҳаёти, соғлиғи ва молиявий таъминотига хавф туғдиради, инсон фаолиятининг турли соҳаларида юз беради. Ижтимоий суғурта аҳолини турли хавф-хатарлардан ижтимоий ҳимоялаш ҳисобланади, яъни ишдан бўшаш, меҳнатга лаёқатлиликни, даромадни йўқотиш каби маблағлар юзасидан хавф-хатарлар йиғиндиси ҳисобланади. Ижтимоий хавф-хатарнинг эҳтимоллик даражаси пенсия тизимининг мазмуни ва чегараларини белгилайди. Пенсия тизимининг пировард вазифаси инсон эҳтиёжини ҳамда унинг кексалик чоғида ҳимояланишга бўлган талабини қондиришдир деган хулоса чиқариш имконини беради.
10. Ўзбекистон Республикасида шахсий жамғариб бориладиган пенсия таъминотининг такомиллаштириш услубиётини ишлаб чиқиш зарур.
11. Бизнинг фикримизча, якка тартибдаги тадбиркорлар, юридик шахс ташкил этмаган ҳолдаги деҳқон хўжаликларининг аъзолари, бошқа фуқаролар жамғариб бориладиган пенсия тизимида мажбурий асосида иштирок этиши мумкин.
12. Пенсия таъминотининг хусусийлаштириш дастури иктисодиётга инвестицияларнинг ички имкониятларини тақдим этади. Айнан, молия соҳасида пенсия ислоҳотларига эҳтиёж ва иқтисодий ислоҳотларнинг кенгайтирилган соҳаси кесишади. Капитал бозори ривожланиши, пенсия фондлари пулларини инвестиция қиладиган молиявий дастакларини тақдим этиш учун жуда муҳим. Шу тарзда

иқтисодиётга инвестицияларни йўналтириш жараёнида давлат, жамғарилган ва хусусий пенсия таъминотини ривожлантириш мақсадга мувофиқ бўлади.

13. Мамлакатиизда фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти маблағлари ҳам муддатига кўра “узун” молиявий ресурслар сифатида қаралади. Иш берувчи томонидан ходимга иш ҳақи ҳисобланиб, уни тўлаш билан бир вақтда жамғарма ҳисобига тегишли сумма ўтказилади. Бизнинг фикримизча, ҳозирда жамғармани шакллантиришда ихтиёрий бадаллар улуши сезиларисиз салмоққа эга, шу жиҳатидан ушбу тизимни янада такомиллаштириш ва нодавлат пенсия жамғармалари билан шуғулланувчи молиявий ташкилотларни ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади.
14. Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг маълумотлар базаси билан интеграциялаш максадга мувофиқ бўлади
15. Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимини ривожлантириш ва кўрсатилаётган хизматлар туркумини кенгайтириш керак. Фуқаролар учун жамғариб бориладиган пенсия таъминоти дастурида ўз ҳисоб рақамларини интернет, мобил қурилма, ва SMS лар орқали мониторинг қилиш тизимини такомиллаштириш лозим.
16. Мамлакат иқтисодиётининг модернизациялаш шароитида бошқа соҳалар билан биргаликда ижтимоий соҳанинг ўзига хос хусусиятларидан фойдаланиш зарур. Жамғариб бориладиган пенсия соҳасида инновацион жараёнларни ривожлантириш мазкур соҳанинг нафақат миллий, балки, жаҳон миқёсидаги нуфузини ҳам оширади.

17. Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадалларининг тўғри ва тўлиқ ҳисоблаб чиқарилиши ҳамда ўз вақтида тўланиши бўйича рисклар пайдо бўлиши мумкин. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида шахсий жамғариб борилдаиган пенсия тизимини ислоҳ қилиш натижасида тизимни модернизациялаш талаб этади. Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти стратегиясини ишлаб чиқишда ижтимоий рискларни эътиборга олиниши керак.

# ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

## I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари.

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Тошкент. “Ўзбекистон”. 2008. -40 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қонуни. 2007 йил. 25 декабр.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қонуни. 2013 йил. 26 декабр.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни. 2004 йил. 2 декабр.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни. 1993 йил. 3 сентябр.
6. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида Ўзбекистон Республикасининг Қ онуни. 2010 йил 26 ноябр.
7. «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 2012 йил. 5 январ.
8. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни. 2004 йил. 2 декабрь.

## II. Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари,фармонлари. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011йил 30 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиктисодий

кўрсаткичлар прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-1675-сонли Қарори.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-1887-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 12 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси 2014 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги 2099 сон қарори.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 14 февралдаги “Обод турмуш йили Давлат дастури тўғрисида”ги 1920-сон Қарори.
13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 19 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси тўғрисида Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги ПҚ-30-сонли Қарори.
14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги “Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартибини янада такомиллаштиришга йўналтирилган норматив-ҳуқукий ҳужжат-ларни тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-252-сонли Қарори.

**III.Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари.**

15. Ўзбекистон Республикаси Презеденти И. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конститутциясининг 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш — устивор вазифа. //Халқ сўзи газетаси. 2006 йил, 8 декабр.
16. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. -Т.: “Ўзбекистон”.

2010. -80 б.
17. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. – Т.: "Ўзбекистон". 2011. - 48 б.
18. Каримов И. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. // Норма маслаҳатчи. 2010 йил. 16 ноябрь.
19. Каримов И. А."2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Т.: "Ўзбекистон". 2012йил. -36 б.
20. Каримов И.А."Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, хаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир.\\ Халқ сўзи. 2012 йил. 8 декабр.
21. Каримов И.А. "Бош мақсадимиз-кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. \\ Халқ сўзи. 2013 йил. 19 январ.

**IV. Асосий адабиётлар.**

22. Антропов В.В. Социальная зашита а странах Европейского союза. Монография. -Москва.: Издательство «Экономика».2006. 173стр.
23. Ветлужских Е. Система вознаграждения. Как разработать цели и мотивация оплата труда. . –Москва. Алыпина Паблишер. 2013. -217с.

24. Карчевский В.В., Андросова Л.Д., Окунева Л.П., Смирнова Е.Е. Целевые бюджетные и внебюджетные фонды. Учебное пособие. – М.: “Вузовский учебник”. 2011. -224 с.
25. Ерошенков С.Г. Переход к накопительной пенсионной реформе: мировой опыт и возможности применения его в России. - М: МАКС Пресс., 2001. - 251 с.
26. Мирзамаҳмудов М.М. Мақсадли жамғармалардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш механизмини такомиллаштириш. Монография. -Т.: «IQTISOD-MOLIYA». 2013. 112 б.
27. Хаитов А., Зиядулаев М. Ўзбекистонда пенсия таъминоти ва хорижий тажрибаси. Ўқув қўлланма. –Т.: “Адолат”. 2009. -172 б.
28. Pensions at a Glance 2013 OECD AND G20 INDICATORS.
29. Федоров Л.В. Пенсионный фонд Российской Федерации. Учебник. – М.: “Юрайт”. 2012. - 396с.
30. Қосимова Г.А. Ижтимоий-маданий соҳаларни ривожлантиришда бюджет сиёсати. «Молия». Т., 2004. 152 б.
31. Қосимова Г.А. Ижтимоий сиёсатнинг йўналишлари. Монография. -Т.: «IQTISOD-MOLIYA». 2008. 112 б.
32. Қосимова Г.А., Каримова З.Х. Бюджетдан ташқари фондлар. Ўқув қўлланма. –Т.: “IQTISOD-MOLIYA”. 2009. - 212 б.

## V. Қўшимча адабиётлар.

33. Бочаров В.В, Леонтьев В.Е, Радковская Н.П. Финансы. Учебник.- СПб.: «Питер». 2009. -400 с.
34. Воҳобов А.В, Қосимова Г.А. Давлат молиясини бошқариш. Ўқув қўлланма. -Т.: “IQTISOD-MOLIYA”. 2008. -287б.
35. Воҳобов А.В.. Бозор муносабатлари тизимидаги ижтимоий фондлар. Монография. -Т.: «Шарқ». 2003. 320 б.

36. Вохабов А. Бозор муносабатларига ўтиш босқичида кўп укладли иктисодиёт ва унинг такроран ҳосил бўлиши.Монография. -Т.: «Молия». 2002. –Б. 293.
37. Williams M. Government: Cash Management Its Interaction with Other Financial Policies. International Monetare Fund Fiscal Attairs Department Technical Guidance Note. 2010. -201 p.
38. Кадомцева С.В. Государственные финансы. Учебное пособие.- М.: «ИНФРА -М». 2010. -352 с.
39. Мощенский С.З. Рынок ценных бумаг: трансформационные процессы. Учебное пособие. -М.: «Экономика". 2010. -235стр.
40. Нещитой А.С. Бюджетная система Российской Федерации. Учебник. М.: Издательско-торговая корпорация "Дашков и К". 2012. - 336 с
41. Поляк Г.Б. Бюджетная система России. Учебник.- М.: «ЮНИТИ-ДАНА». 2011. -703 с.
42. Поляк Г.Б. Финансы бюджетных организаций. Учебник.- М.: «ЮНИТИ-ДАНА». 2011. -463 с.
43. Саидов М.Х. Ижтимоий ҳимоя. Атамалар изохли луғати. -Т.: “А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхона нашриёти”. 2004. -121б.

## VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламларва, диссертация авторефератлари.

44. Абдуллаев М. Замонавий пенсия тизими ва унинг истиқболлари. // Бозор, пул ва кредит. -Тошкент. 2012. -№6. – Б.8-12.
45. Алимова Г. Ижтимоий суғуртанинг мазмун моҳияти ва назарий асослари. // Биржа Эксперт. -Тошкент. 2012. №6. – Б.10-12.
46. Аллаёров Ш.. Мирзамахмудов М. Пенсия жамғармаси фаолиятининг жаҳон амалиётидаги тараққиёт боскичлари. // Молия. -Тошкент. 2012. №4. – Б.134-139.

47. Ахмедов К., Қосимов С. Инновацион жараённи бошқариш. // Молия. –Тошкент. 2011. №1. –Б. 104-108.
48. Ахмедов М. Иқтисодиётда “узун” молиявий ресурслар салмоғини оширишда нодавлат пенсия жамғармасининг аҳамияти. // Молия. - Тошкент. 2012. №2. – Б.129-132.
49. Вахабов Д.Р. Пенсия тизимини ислоҳ қилишнинг жаҳон тажрибаси // Молия. − Тошкент, 2010.- № 4.− Б. 21-27.
50. Вахабов Д.Р. “Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида пенсия тизимини такомиллаштиришнинг йўналишлари” мавзуси бўйича иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган десертация автореферати. − Тошкент. 2012 -22 б.
51. Вахабов Д.Р. Жаҳон пенсия тизимининг асосий йўналишлари // Миллий иқтисодиётни модернизациялаш шароитида инновацион фаолиятни инвестициялаш. Халқаро илмий-амалий конференция тезислар тўплами.− Тошкент, 2010. – Б. 241-244.
52. Ваҳабов А.В., Рахмонов Ш.И. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг пенсия тизимини ислоҳ этишга таъсири. Ижтимоий ҳамкорлик - иқтисодий муносабатларни эркинлаштириш омили. Республика илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. Тошкент. 2014 йил. 16 апрель. -Б.20-31.
53. Голубева С.В. Развитие пенсионных систем зарубежных стран и России в условиях демографического старения: автореф дис...к.э.н. - М.: Российский университет дружбы народов. 2008. -27 б.
54. Мирзакаримова М. Ногиронлар бандлигини муаммосини ҳал қилишда ижтимоий шериклик. // Иқтисод ва молия. - Тошкент.2013. № 7. – Б.35-41.
55. Рахимов М. Меҳнатга ҳақ тўлаш ҳисобидаги муаммоли жиҳатлар. // Молия. –Тошкент. 2014. -№1. – Б.108-112.
56. Рахматуллаева Н. Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти. // Молия. -Тошкент. 2013. № 5. – Б.117-121.

57. Нуритдинова В. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш харажатларини молиялаштириш масалалари. // Молия. -Тошкент. 2013. № 5. – Б.11-14.
58. Нурумбетов Р.К. Минтақаларда пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш масалалари. Минтақаларни барқарор ривожлантириш ва миллий иқтисодиётнинг ҳудудий мувозанатлигини таъминлаш масалалари. Республика илмий-амалий анжуман тезислар тўплами. Тошкент. Тошкент Молия институти. 2012 йил. 17 май. –Б.366-369.
59. Шокирова Ф. Инновацион ривожланиш моделлари ва иқтисодий ўсиш. // Молия. –Тошкент. 2012. №3. –Б. 73-79.
60. Хайдаров М. Давлат бюджетининг асосий параметрлари обод турмуш йилини таъминлаш омили сифатида. // Иқтисод ва молия. -Тошкент. 2013. -№1. – Б. 6-9.
61. Ходжаев Х. Социал соҳа ва инновацион жараёнлар // Молия. -Тошкент. 2012. -№4. – Б. 121-123.
62. Ўзбекистон Республикасини 2013 йилнинг биринчи чорагида ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари тўғрисида. \\ -Т.: Маърифат. 2013. 1 май. 35 (8580)-сон.
63. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари. Статистик тўплам – Т.: «Ўзбекистон». 2011. – 140 б.
64. ЯТТ суғурта бадалларини тўлайди! ШЖБПХ га эса бадаллар тўлаш ихтиёрий. \\ -Т.: Солиқ ва божхона хабарлари. 2013. 26 март. 12 (972)-сон.

## VII. Интернет-сайти маълумотлари

www.lex.uz Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари миллий базаси.
www.treasury.uz Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги.

www.gov.uz Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали.

www.mf.uz Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги.

www.stat.uz Ўзбекистон республикаси Давлат Статистикаси Қўмитаси.

http://www.soliq.uz/ Ўзбекистон Республикасининг Давлат солиқ Қўмитаси.

http://www.xb.uz Халқ банки

http://chelt.ru/2010/8-10/tabah_8-10.htmlТабах А. Внедрение накопительных пенсионных систем: зарубежный опыт.

**1-илова.**

| | |
|---|---|
| **Организация** | **OOO EVRO FOOD TRADE** |
| **Халк банки филиали** | **Чилонзор ХАЛК БАНКИ** |

**ГОДОВОЙ ОТЧЕТ ЗА 2010 г.**
**ПО НИЧИСЛЕНИЙ ИНПС (1%)**

**САЛЬДО; 01.01.2010 г.**

(сум)

| № | ИНПС | Ходимнинг Ф.И.О. | За Январь | За Февраль | За Март | За Апрель | За Май | За Июнь | За Июль | За Август | За Сентябрь | За Октябрь | За Ноябрь | За Декабрь | Итого |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 30501680261659 | Турсунов Ботир Толипович | 1 168 | 1 168 | 1 168 | 1 168 | 1 168 | 1 168 | 1 168 | 1 168 | 1 168 | 1 168 | 1 168 | 1 168 | 14 016 |
| 2 | | | | | | | | | | | | | | | |
| 3 | | | | | | | | | | | | | | | |
| **Итого за месяц** | | | **1 168** | **1 168** | **1 168** | **1 168** | **1 168** | **1 168** | **1 168** | **1 168** | **1 168** | **1 168** | **1 168** | **1 168** | **14 016** |
| Оплата произведена | | п/п № | 49 | 53 | 57 | 64 | 66 | 73 | 79 | 82 | 87 | 98 | 101 | 5 | |
| | | дата | 12.фев | 10.мар | 23.апр | 12.май | 10.июн | 07.июл | 10.авг | 09.сен | 10.окт | 10.ноя | 10.дек | 10.янв | |

*Примечание: Действительно при наличии Акт сальдо 01.01.2011 г. 1168 сум.*

*За правилность информаций несут ответсвенность*

**Директор:** ______________________ **Б.Т.Турсунов**

**Глав.бухгалтер:** ______________________ **непрадусмотрено**

**2-илова.**

Ташкилот номи — ООО "EVRO FOOD TRADE"

Халк банк филиали — Чилонзор ХАЛК БАНКИ

**Жамғариб бориладиган пенсия тизимида қатнашаётган ходимларнинг**
**Р Е Е С Т Р И**

2010 йил декабрь ойи учун

(сўмда)

| **Т/р** | **Ходимнинг шахсий жамғариб борадиган пенсия ҳисоб варағи** | **Ходимнинг Ф.И.О.** | **Даромад солиғи тўланадиган даромад миқдори** | **ШЖБП хисоб варағига ўтказиладиган мажбурий бадал миқдори** | **ШЖБП хисоб варағига ўтказиладиган ихтиёрий бадал миқдори** | **Ўтказиладиган бадал суммаси** (5+6 устун) |
|---|---|---|---|---|---|---|
| *1* | *2* | *3* | *4* | *5* | *6* | *7* |
| 1 | 30501680261659 | Турсунов Ботир Толипович | 116 800 | 1 168 | 0 | 1 168 |
| | **Жами** | | **116 800** | **1 168** | **0** | **1 168** |

*согласно платежному поручения № 05 от 10.01.2011 г.*

**Корхона раҳбари** ____________________ **Б.Т.Турсунов**

**Бош бухгалтер** ____________________ **Непредусмотрено**

**3-илова.**

**Организация** **ООО EVRO FOOD TRADE**

**Халк банки филиали** **Чилонзор ХАЛК БАНКИ**

**ГОДОВОЙ ОТЧЕТ ЗА 2011 г.**
**ПО НИЧИСЛЕНИЙ ИНПС (1%)**

**САЛЬДО; 01.01.2011 г.**

(сум)

| № | ИНПС | Ходимнинг Ф.И.О. | За Январь | За Февраль | За Март | За Апрель | За Май | За Июнь | За Июль | За Август | За Сентябрь | За Октябрь | За Ноябрь | За Декабрь | Итого |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 30501680261659 | Турсунов Ботир Толипович | 1 500 | 1 500 | 1 500 | 1 500 | 1 500 | 2 000 | 2 000 | 2 000 | 2 000 | 2 000 | 2 000 | 2 000 | 21 500 |
| 2 | | | | | | | | | | | | | | | |
| 3 | | | | | | | | | | | | | | | |
| **Итого за месяц** | | | **1 500** | **1 500** | **1 500** | **1 500** | **1 500** | **2 000** | **2 000** | **2 000** | **2 000** | **2 000** | **2 000** | **2 000** | **21 500** |
| Оплата произведена | | п/п № | 13 | 16 | 20 | 26 | 31 | 34 | 45 | 50 | 57 | 64 | 70 | 75 | |
| | | дата | 09.фев | 09.мар | 04.янв | 06.май | 07.июл | 07.авг | 08.авг | 07.сен | 10.окт | 08.ноя | 07.дек | 09.янв | |

*Примечание: Действительно при наличиии Акт сальдо 01.01.2011 г. 1168 сум.*

*За правилность информаций несут ответсвенность*

**Директор:** ______________________ **Б.Т.Турсунов**

**Глав.бухгалтер:** ______________________ **непрадусмотрено**

**4-илова.**

Ташкилот номи ООО "EVRO FOOD TRADE"

Халк банк филиали Чилонзор ХАЛК БАНКИ

**Жамғариб бориладиган пенсия тизимида қатнашаётган ходимларнинг**
**Р Е Е С Т Р И**

2011 йил декабрь ойи учун

(сўмда)

| **Т/р** | **Ходимнинг шахсий жамғариб борадиган пенсия ҳисоб варағи** | **Ходимнинг Ф.И.О.** | **Даромад солиғи тўланадиган даромад миқдори** | **ШЖБП хисоб варағига ўтказиладиган мажбурий бадал миқдори** | **ШЖБП хисоб варағига ўтказиладиган ихтиёрий бадал миқдори** | **Ўтказиладиган бадал суммаси** (5+6 устун) |
|---|---|---|---|---|---|---|
| *1* | *2* | *3* | *4* | *5* | *6* | *7* |
| 1 | 30501680261659 | Турсунов Ботир Толипович | 200 000 | 2 000 | 0 | 2 000 |
| | **Жами** | | **200 000** | **2 000** | **0** | **2 000** |

*согласно платежному поручения № 75 от 09.01.2012 г.*

**Корхона рахбари** ____________________ **Б.Т.Турсунов**

**Бош бухгалтер** ____________________ **Непредусмотрено**

**5-илова.**

| | |
|---|---|
| **Организация** | **OOO EVRO FOOD TRADE** |
| **Халк банки филиали** | **Чилонзор ХАЛК БАНКИ** |

**ГОДОВОЙ ОТЧЕТ ЗА 2012 г.**
**ПО НИЧИСЛЕНИЙ ИНПС (1%)**

**САЛЬДО; 01.01.2012 г.**

(сум)

| **№** | **ИНПС** | **Ходимнинг Ф.И.О.** | **За Январь** | **За Февраль** | **За Март** | **За Апрель** | **За Май** | **За Июнь** | **За Июль** | **За Август** | **За Сентябрь** | **За Октябрь** | **За Ноябрь** | **За Декабрь** | **Итого** |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 30501680261659 | Турсунов Ботир Толипович | 2 500 | 2 500 | 2 500 | 2 500 | 2 500 | 2 500 | 2 500 | 2 500 | 2 500 | 2 500 | 2 500 | 2 500 | **30 000** |
| 2 | | | | | | | | | | | | | | | |
| 3 | | | | | | | | | | | | | | | |
| **Итого за месяц** | | | **2 500** | **2 500** | **2 500** | **2 500** | **2 500** | **2 500** | **2 500** | **2 500** | **2 500** | **2 500** | **2 500** | **2 500** | **30 000** |
| Оплата произведена | | п/п № | 4 | 11 | 17 | 24 | 29 | 34 | 40 | 46 | 51 | 56 | 62 | 2 | |
| | | дата | 07.фев | 07.мар | 10.апр | 07.май | 07.июн | 05.июл | 03.авг | 04.сен | 10.окт | 12.ноя | 12.дек | 21.янв | |

*Примечание: Действительно при наличии Акт сальдо 01.01.2011 г. 1168 сум.*

*За правильность информаций несут ответсвенность*

**Директор:** _______________________ **Б.Т.Турсунов**

**Глав.бухгалтер:** _______________________ **Непрадусмотрено**

**6-илова.**

Ташкилот номи ООО "EVRO FOOD TRADE"

Халк банк филиали Чилонзор ХАЛК БАНКИ

**Жамғариб бориладиган пенсия тизимида қатнашаётган ходимларнинг**
**Р Е Е С Т Р И**

2012 йил декабрь ойи учун

(сўмда)

| **Т/р** | **Ходимнинг шахсий жамғариб борадиган пенсия ҳисоб варағи** | **Ходимнинг Ф.И.О.** | **Даромад солиғи тўланадиган даромад миқдори** | **ШЖБП хисоб варағига ўтказиладиган мажбурий бадал миқдори** | **ШЖБП хисоб варағига ўтказиладиган ихтиёрий бадал миқдори** | **Ўтказиладиган бадал суммаси** (5+6 устун) |
|---|---|---|---|---|---|---|
| *1* | *2* | *3* | *4* | *5* | *6* | *7* |
| 1 | 30501680261659 | Турсунов Ботир Толипович | 250 000 | 2 000 | 0 | 2 000 |
| | **Жами** | | **250 000** | **2 000** | **0** | **2 000** |

*согласно платежному поручения № 2 от 21.01.2013 г.*

**Корхона раҳбари** ______________________ **Б.Т.Турсунов**

**Глав.бухгалтер:** ______________________ **непрадусмотрено**

**7-илова.**

**«ООО MASTER GLOBAL FOOD» ташкилоти бўйича жамғариб бориладиган пенсия бадалларининг таҳлили**.

| № | ШЖБПҲ | Ф.И.О. | январ | феврал | март | апрель | май | июнь | июль | август | сентябр | октябрь | ноябрь | декабрь | Жами |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | 2010 йил | | | | | | | | | | | | | | |
| 1. | 30501680261659 | Шамахмудов Л.Л | 2485.75 | 2485.75 | 2485.75 | 2485.75 | 2485.75 | 2485.75 | 2485.75 | 2485.75 | 2485.75 | 2485.75 | 2485.75 | 2485.75 | 29829 |
| 2. | 14263786905474 | Рузимов Т.Д. | 2470 | 2470 | 2470 | 2470 | 2470 | 2470 | 2470 | 2470 | 2470 | 2470 | 2470 | 2470 | 14000 |
| 3. | 38965901342547 | Турсунов О.Ж | 2400 | 2400 | 2400 | 2400 | 2400 | 2400 | 2400 | 2400 | 2400 | 2400 | 2400 | 2400 | 28800 |
| 4. | 369065125445676 | Алиева В.О. | 2250 | 2250 | 2250 | 2250 | 2250 | 2250 | 2250 | 2250 | 2250 | 2250 | 2250 | 2250 | 27000 |
| 5. | 30907713345689 | Олимов Ю.Э | 2000 | 2000 | 2000 | 2000 | 2000 | 2000 | 2000 | 2000 | 2000 | 2000 | 2000 | 2000 | 24000 |
| 6. | 30906876554899 | Мирзаева А.Р. | 2000 | 2000 | 2000 | 2000 | 2000 | 2000 | 2000 | 2000 | 2000 | 2000 | 2000 | 2000 | 24000 |
| 7. | 30209899765559 | Носиров В.Д | 2000 | 2000 | 2000 | 2000 | 2000 | 2000 | 2000 | 2000 | 2000 | 2000 | 2000 | 2000 | 24000 |
| 8. | 30209897635544 | Тулаганов М.И | 2000 | 2000 | 2000 | 2000 | 2000 | 2000 | 2000 | 2000 | 2000 | 2000 | 2000 | 2000 | 24000 |
| жами | | | 17605.75 | 17605.75 | 17605.75 | 17605.75 | 17605.75 | 17605.75 | 17605.75 | 17605.75 | 17605.75 | 17605.75 | 17605.75 | 17605.75 | 195629 |
| ушланма | | | 17605.75 | 17605.75 | 17605.75 | 17605.75 | 17605.75 | 17605.75 | 17605.75 | 17605.75 | 17605.75 | 17605.75 | 17605.75 | 17605.75 | 195629 |

**8-илова.**

**«OOO MASTER GLOBAL FOOD» ташкилоти бўйича жамғариб бориладиган пенсия бадалларининг таҳлили**.

| № | ШЖБПҲ | Ф.И.О. | январ | феврал | март | апрель | май | июнь | июль | август | сентябр | октябрь | ноябрь | декабрь | Жами |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | **2011 йил** | | | | | | | | | | | | | | |
| 1. | **30501680261659** | **Шамахмудов Л.Л** | **2485.75** | **2860** | **2485.75** | **2485.75** | **2485.75** | **2485.75** | **2485.75** | **2485.75** | **2485.75** | **2485.75** | **2485.75** | **2485.75** | **33945/75** |
| 2. | **14263786905474** | **Рузимов Т.Д.** | **2470** | **2800** | **2800** | **2800** | **2800** | **2800** | **2800** | **2800** | **2800** | **2800** | **2800** | **2800** | **33270** |
| 3. | **38965901342547** | **Турсунов О.Ж** | **2400** | **2750** | **2750** | **2750** | **2750** | **2750** | **2750** | **2750** | **2750** | **2750** | **2750** | **2750** | **32650** |
| 4. | **369065125445676** | **Алиева В.О.** | **2250** | **2700** | **2700** | **2700** | **2700** | **2700** | **2700** | **2700** | **2700** | **2700** | **2700** | **2700** | **31950** |
| 5. | **30907713345689** | **Олимов Ю.Э** | **2000** | **2500** | **2500** | **2500** | **2500** | **2500** | **2500** | **2500** | **2500** | **2500** | **2500** | **2500** | **29500** |
| 6. | **30906876554899** | **Мирзаева А.Р.** | **2000** | **2350** | **2350** | **2350** | **2350** | **2350** | **2350** | **2350** | **2350** | **2350** | **2350** | **2350** | **27850** |
| 7. | **30209899765559** | **Носиров В.Д** | **2000** | **2300** | **2300** | **2300** | **2300** | **2300** | **2300** | **2300** | **2300** | **2300** | **2300** | **2300** | **27300** |
| 8. | **30209897635544** | **Тулаганов М.И** | **2000** | **2300** | **2300** | **2300** | **2300** | **2300** | **2300** | **2300** | **2300** | **2300** | **2300** | **2300** | **27300** |
| жами | | | **17605.75** | **20560** | **20560** | **20560** | **20560** | **20560** | **20560** | **20560** | **20560** | **20560** | **20560** | **20560** | **243765/75** |
| ушланма | | | **20560** | **20560** | **20560** | **20560** | **20560** | **20560** | **20560** | **20560** | **20560** | **20560** | **20560** | **20560** | **246720** |

**9-илова**

**«ООО MASTER GLOBAL FOOD» ташкилоти бўйича жамғариб бориладиган пенсия бадалларининг таҳлили**

| № | ШЖБПҲ | Ф.И.О. | январ | феврал | март | апрель | май | июнь | июль | август | сентябр | октябрь | ноябрь | декабрь | Жами |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | **2012 йил** | | | | | | | | | | | | | | |
| 1. | **30501680261659** | **Шамахмудов Л.Л** | **2860** | **3146** | **3146** | **3146** | **3146** | **3146** | **3146** | **3146** | **3146** | **3146** | **3146** | **3146** | **37466** |
| 2. | **14263786905474** | **Рузимов Т.Д.** | **2800** | **3000** | **3000** | **3000** | **3000** | **3000** | **3000** | **3000** | **3000** | **3000** | **3000** | **3000** | **35800** |
| 3. | **38965901342547** | **Турсунов О.Ж** | **2750** | **2800** | **2800** | **2800** | **2800** | **2800** | **2800** | **2800** | **2800** | **2800** | **2800** | **2800** | **33550** |
| 4. | **369065125445676** | **Алиева В.О.** | **2700** | **2750** | **2750** | **2750** | **2750** | **2750** | **2750** | **2750** | **2750** | **2750** | **2750** | **2750** | **32950** |
| 5. | **30907713345689** | **Олимов Ю.Э** | **2500** | **2500** | **2500** | **2500** | **2500** | **2500** | **2500** | **2500** | **2500** | **2500** | **2500** | **2500** | **30000** |
| 6. | **30906876554899** | **Мирзаева А.Р.** | **2350** | **2450** | **2450** | **2450** | **2450** | **2450** | **2450** | **2450** | **2450** | **2450** | **2450** | **2450** | **29300** |
| 7. | **30209899765559** | **Носиров В.Д** | **2300** | **2350** | **2350** | **2350** | **2350** | **2350** | **2350** | **2350** | **2350** | **2350** | **2350** | **2350** | **28150** |
| 8. | **30209897635544** | **Тулаганов М.И** | **2300** | **2350** | **2350** | **2350** | **2350** | **2350** | **2350** | **2350** | **2350** | **2350** | **2350** | **2350** | **28150** |
| жами | | | **20560** | **21346** | **21346** | **21346** | **21346** | **21346** | **21346** | **21346** | **21346** | **21346** | **21346** | **21346** | **255366** |
| ушланма | | | **21346** | **21346** | **21346** | **21346** | **21346** | **21346** | **21346** | **21346** | **21346** | **21346** | **21346** | **21346** | **256152** |